Доктор Саид ибн Али ибн Вахф ал-Қаҳтоний

# МУСУЛМОН ҚЎРҒОНИ

## Қуръон ва Суннатдан дуо ва зикрлар

# حصن المسلم

## من أذكار الكتاب والسنة

د. سعيد بن علي بن وهف القحطاني

Мусулмон қўрғони – Қуръон ва Суннатдан
дуо ва зикрлар / 256 бет.

| | |
|---|---|
| Муаллиф: | Саид ал-Қаҳтоний |
| Таржимон: | Абдуллоҳ Муҳаммад |
| Мусаҳҳиҳ | Абу Закария ал-Маданий |
| Сахифаловчи: | Саид Аҳмад |
| Нашр: | Учинчи |
| Тарих: | 1439 ҳ. – 2018 м. |


© «Ислом Нури», 2018

بسم الله الرحمن الرحيم

## Ношир муқаддимаси

Барча ҳамду санолар Аллоҳга хосдир. Биз Унга ҳамд ва истиғфор айтамиз, Ундан ёрдам ва ҳидоят сўраймиз, нафсимизнинг шумлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Унинг Ўзидан паноҳ сўраймиз. Аллоҳ ҳидоят қилган кимсани адаштирувчи, адаштирган кимсани ҳидоят қилувчи йўқдир. Мен ягона, шериксиз Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчисидир деб гувоҳлик бераман.

Аммо баъд:

Қўлингиздаги «Мусулмон қўрғони» китобчаси Ислом уммати ичида ўзига хос шуҳрат қозонди. Бунинг сабабларидан бири китобчанинг мухтасарлиги ва саҳиҳ санадли зикр ва дуоларни жамлаганидир. Бундан ташқари ботиний сабаб ҳам бордирки, у – муаллиф-

нинг ихлосидир. Ихлос билан қилинган амалнинг Ер юзида қабул қилиниши Аллоҳнинг суннатларидан.

Бу китобча дунёдаги кўплаб тилларга, жумладан, ўзбек тилига ҳам ўгирилди ва ўзбек мусулмонлари ҳам бу таржимадан истифода этиб, барча ҳолатларида пайғамбарона дуо ва зикрларга амал қила бошладилар.

Халқимизда ушбу китобчага истак кучайгани боис, уни қайта нашр қилиш ниятини қалбимизга тугдик. Аллоҳ олдидаги масъулиятни ҳис этганимиз учун илгари ўзбек тилида нашр қилинган «Мусулмон қўрғони» китобчасини бошдан-оёқ арабча матнга таққослаб, кўриб чиқдик ва таржимага қисман бўлсада ўзгартишлар киритдик. Чунки, баъзи дуо ва зикрларнинг маъноси ҳақида муҳтарам уламоларимиз тарафидан бир неча қавллар айтилган бўлиб, уларнинг ҳаммасини таржимада бирдек қўллаш маънонинг чўзилиб кетишига сабаб бўлади. Шунинг учун маъно-

лар ичидан ўша зикрнинг ворид бўлиш ўрнига муносибларинигина танлаб олдик. Бир зикр ёки дуони икки ёки ундан кўп жойда фарқли таржима қилинганини кўрган ўқувчи, таржимоннинг иккиланиши, деб ўйлаб қолиши мумкин. Аслида сўзларнинг синонимлари истеъмол қилинган, холос.

Қилаётган бу ишимизда қусур бўлиши табиий. Шу боис, таржимада учраган қусурликларни бизга етказган биродарларимизга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни изҳор этамиз ва келгуси нашрларда хатоларни тузатиб боришга ҳаракат қиламиз.

Диққат: ушбу китобчани қайта нашр қилмоқчи бўлган ҳимматли биродарларимизнинг нашр учун биздан ижозат олишларини талаб қиламиз. Китобчани қайта нашр қилиш асносида дуо ва зикрларни ўқувчига транскрипцияни илова этиш билан тақдим қилмасинлар. Чунки, уламолар Қуръон оятларини транскрипция қилишни ҳаром деган-

лар. Иккинчидан: транскрипция ҳеч қачон арабча ҳарфларнинг талаффузини тўғри бера олмайди. Шу боис арабча сўзларнинг транскрипцияси маъноларнинг бузилишига олиб боради. Бу араб тилининг ўзига хос мўжизакорлигидир. Шунинг учун муҳтарам ўқувчилар дуоларнинг матнини арабча ўқишни билган устозларининг талаффузларидан ўргансинлар ёки Ислом Нури веб саҳифасининг «Мусулмон қўрғони» бўлимидаги овозли файлларни тинглаб ёд олсинлар.

http://www.islamnuri.com/duolar/kitob-va-sunnatdan-duolar

Фикр ва мулоҳазаларингизни oqqayin@gmail.com манзилига йўллашингиз мумкин

**Сўзимиз сўнггида Аллоҳга ҳамду санолар, Пайғамбаримизга салавот ва саломлар айтамиз.**

Ҳижрий 1433–йил 9–Рабиул–аввал
Милодий 2012–йил 1–Феврал.

# Муқаддима

Барча ҳамд Аллоҳ учундир! Биз У зотга ҳамдлар айтамиз, Ундан мадад тилаймиз, истиғфорлар сўраймиз! Нафсларимизнинг ва амалларимизнинг ёмонлигидан паноҳ беришини илтижо қиламиз. Зеро, Аллоҳ ҳидоятга бошлаган инсонни ҳеч ким йўлдан адаштира олмас ва У адаштирган кимсани энди ҳеч ким ҳидоятга етаклай олмас. Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқлигига гувоҳлик бераман. У ёлғиз ва шериксиз зотдир. Яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг қули ва расулидир. У зотга, аҳли оилаларига, асҳобларига ва уларга гўзал суратда қиёматга қадар эргашган барча мўминларга Аллоҳнинг кўпдан-кўп салоти ва саломи бўлсин.

Аммо баъд: Мен бу мухтасар китобчани ўзимнинг «Зикр, дуо ва китобу суннатдан дам солиб–ўқиб даволаш» номли китобимдан қисқартириб олдим. Енгил бўлиши учун ундан фақат «Зикрлар» бобини мухтасар этдим.

Китобчада зикр матни билан чекландим. Аслда келган бир ёки икки манбани айтиш билан кифояландим. Саҳобийни билмоқчи ёки қўшимча маълумот олмоқчи бўлганлар аслга мурожаат қилсинлар. Мен Аллоҳ таолодан гўзал исмлари ва олий сифатлари билан сўрайманки, бу амалимни Ўзининг юзи учун холис бўлишини насиб этсин, ҳаётимда ҳам, вафот этганимдан сўнг ҳам бу мен учун фойдалар берсин. Уни ўқиган, чоп этган ёки нашр этилишига сабаб бўлган кишилар учун ҳам хайрли–фойдали қилсин! Албатта Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ҳар нарсага Қодир. Набиййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга, оилаларига асҳобларига ва то

қиёматга қадар уларга гўзал суратда эргашганларга Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин.

**Муаллиф.** (1409–ҳижрий Сафар ойи).

## Зикр (Аллоҳни тилда ва дилда ёд этиш) фазилати

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло айтади:

﴿فَٱذْكُرُونِىٓ أَذْكُرْكُمْ وَٱشْكُرُوا۟ لِى وَلَا تَكْفُرُونِ ۝١٥٢﴾

**«Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Мени**(нг неъматларимни) **инкор қилмангиз!»**

[Бақара: 152]

﴿يَـٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا﴾

**«Эй мўминлар Аллоҳни кўп зикр қилинглар!»** [Аҳзоб: 41]

﴿وَٱلذَّٰكِرِينَ ٱللَّهَ كَثِيرًا وَٱلذَّٰكِرَٰتِ أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُم مَّغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ۝٣٥﴾

**«Аллоҳни кўп зикр қилувчи эркаклар ва** (Аллоҳни кўп зикр қилувчи) **аёллар – улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофот** (яъни, жаннат) **тайёрлаб қўйгандир».** [Аҳзоб: 35]

﴿ وَٱذۡكُر رَّبَّكَ فِي نَفۡسِكَ تَضَرُّعٗا وَخِيفَةٗ وَدُونَ ٱلۡجَهۡرِ مِنَ ٱلۡقَوۡلِ بِٱلۡغُدُوِّ وَٱلۡأٓصَالِ وَلَا تَكُن مِّنَ ٱلۡغَٰفِلِينَ ﴾

**«Раббингизни ичингизда ёлвориб, қўрқиб, дилдан эртаю кеч ёд қилинг ва ғофил кимсалардан бўлманг!»** [Аъроф: 205]

وَقَالَ ﷺ: «مَثَلُ الَّذِي يَذْكُرُ رَبَّهُ وَالَّذِي لاَ يَذْكُرُ رَبَّهُ مَثَلُ الْحَيِّ وَالْمَيِّتِ».

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда айтадилар: **«Раббини зикр қиладиган**

**киши билан зикр қилмайдиган кимсанинг фарқи тирик билан ўликнинг фарқи** (кабидир)**».** [Бухорий]

وَقَالَ ﷺ: «أَلاَ أُنَبِّؤُكُمْ بِخَيْرِ أَعْمَالِكُمْ، وَأَزْكَاهَا عِنْدَ مَلِيْكِكُمْ، وَأَرْفَعِهَا فِي دَرَجَاتِكُمْ، وَخَيْرٍ لَكُمْ مِنْ إِنْفَاقِ الذَّهَبِ وَالْوَرِقِ، وَخَيْرٍ لَكُمْ مِنْ أَنْ تَلْقَوْا عَدُوَّكُمْ فَتَضْرِبُوا أَعْنَاقَهُمْ وَيَضْرِبُوا أَعْنَاقَكُمْ؟ قَالُوا: بَلَى، قَالَ: ذِكْرُ اللهِ تَعَالَى».

**«Сизларга амалларингиз ичида энг яхшисини, Маликларингиз ҳузурида энг покизасини, даражаларингизни кўтарувчисини, олтину кумуш эҳсон қилишдан ҳам яхшироғини ва душманларингизга рўпара бўлиб, сизлар уларни улар сизларни бўйинларингизга** (қилич) **уришларидан ҳам хайрлироғини**

**хабарини берайми?»**, – дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Ҳа, – дейишди (асҳоблари). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳ таолонинг зикри!».** [Термизий ва Ибн Можа]

وَقَالَ ﷺ: «يَقُولُ اللهُ تَعَالَى: أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِي، وَأَنَا مَعَهُ إِذَا ذَكَرَنِي، فَإِنْ ذَكَرَنِي فِي نَفْسِهِ ذَكَرْتُهُ فِي نَفْسِي، وَإِنْ ذَكَرَنِي فِي مَلأٍ ذَكَرْتُهُ فِي مَلأٍ خَيْرٍ مِنْهُمْ، وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ شِبْراً تَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ ذِرَاعاً، وَإِنْ تَقَرَّبَ إِلَيَّ ذِرَاعاً تَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ بَاعاً، وَإِنْ أَتَانِي يَمْشِي أَتَيْتُهُ هَرْوَلَةً».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Аллоҳ таоло айтади: Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги ўйидаман. Агар у Мени**

**зикр қилса, Мен у билан биргаман. Агар у Мени ичида зикр қилса, Мен ҳам уни ичимда зикр қиламан. Агар у Мени жамоа–кишилар** (ораси)**да зикр қилса, Мен уни улардан яхшироқ халқ–жамоа** (ораси) **да зикр қиламан. Агар у Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир газ** (50–72 см) **яқинлашаман. Агар у Менга бир газ яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у Мен** (томон) **га юриб келадиган бўлса, Мен унга** (томон) **югураман».** [Бухорий ва Муслим]

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ بُسْرٍ رضي الله عنه أَنَّ رَجُلاً قَالَ: يَا رَسُولَ اللهِ، إِنَّ شَرَائِعَ الإِسْلاَمِ قَدْ كَثُرَتْ عَلَيَّ، فَأَخْبِرْنِي بِشَيْءٍ أَتَشَبَّثُ بِهِ. قَالَ: «لاَ يَزَالُ لِسَانُكَ رَطْباً مِنْ ذِكْرِ اللهِ».

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан: Бир киши: Эй Аллоҳнинг Расули, Ислом

(нинг нафл) амаллари менга кўпайиб кетди. Сиз менга (ўзи енгил савоби кўп) бир нарсани ўргатинг, мен унга қаттиқ амал қилай, – деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Тилинг ҳеч қачон Аллоҳнинг зикридан тўхтамасин».** [Термизий ва Ибн Можа]

وَقَالَ ﷺ: «مَنْ قَرَأَ حَرْفاً مِنْ كِتَابِ اللّٰهِ فَلَهُ بِهِ حَسَنَةٌ، وَالْحَسَنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا، لاَ أَقُولُ: ﴿الٓمٓ﴾ حَرْفٌ، وَلَكِنْ: أَلِفٌ حَرْفٌ، وَلاَمٌ حَرْفٌ، وَمِيْمٌ حَرْفٌ».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким Аллоҳнинг китобидан бир ҳарф ўқиса, унга бир ҳасана** (ёзилади)**. Мен «Алиф, Лам, Мим» бир ҳарф, деб айтмайман. Лекин «Алиф» бир ҳарф, «Лам» бир ҳарф, «Мим» бир ҳарфдир».** [Термизий]

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ رضي الله عنه قَالَ: خَرَجَ رَسُولُ اللهِ وَنَحْنُ فِي الصُّفَّةِ فَقَالَ: «أَيُّكُمْ يُحِبُّ أَنْ يَغْدُوَ كُلَّ يَوْمٍ إِلَى بُطْحَانَ أَوْ إِلَى الْعَقِيْقِ فَيَأْتِيَ مِنْهُ بِنَاقَتَيْنِ كَوْمَاوَيْنِ فِي غَيْرِ إِثْمٍ وَلاَ قَطِيْعَةِ رَحِمٍ؟» فَقُلْنَا: يَا رَسُولَ اللهِ نُحِبُّ ذلِكَ. قَالَ: «أَفَلاَ يَغْدُو أَحَدُكُمْ إِلَى الْمَسْجِدِ فَيَعْلَمَ – أَوْ يَقْرَأَ – آيَتَيْنِ مِنْ كِتَابِ اللهِ عَزَّ وَجَلَّ خَيْرٌ لَهُ مِنْ نَاقَتَيْنِ، وَثَلاَثٌ خَيْرٌ لَهُ مِنْ ثَلاَثٍ، وَأَرْبَعٌ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَرْبَعٍ، وَمِنْ أَعْدَادِهِنَّ مِنَ الإِبِلِ».

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан: Биз суффада эканимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқдилар. **«Сизларнинг қайси берингиз ҳар куни Бутҳон ёки Ақиққа**

**бориб, ҳеч қандай гуноҳсиз, қариндош–уруғ ўртасини узмасдан ўркачлари катта–катта бўлган икки туя олиб келишни хоҳлайди?»,** — дедилар.

Биз – Эй Расулуллоҳ! Ҳаммамиз хоҳлаймиз, – деб жавоб бердик.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Сизлардан бирингиз масжидга эрталаб бориб, Аллоҳнинг китобидан икки оят ўрганмайдими ёки ўқимайдими?** (Бу**) унга икки туядан яхшироқ, учта** (оят унга) **уч туядан, тўрттаси тўртта туядан яхшироқдир. Оятлар сонига қараб туялар адади бўлади».** [Муслим]

وَقَالَ ﷺ: «مَنْ قَعَدَ مَقْعَداً لَمْ يَذْكُرِ اللهَ فِيْهِ كَانَتْ عَلَيْهِ مِنَ اللهِ تِرَةٌ، وَمَنِ اضْطَجَعَ مَضْجَعاً لَمْ يَذْكُرِ اللهَ فِيْهِ كَانَتْ عَلَيْهِ مِنَ اللهِ تِرَةٌ».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Ким бир жойга ўтириб, у ерда Аллоҳни зикр қилмаса, унга Аллоҳ таолодан бир тира – қасос бўлади. Бир ўринга ётиб, унда Аллоҳни зикр қилмаса, унга** (ҳам) **Аллоҳ** (томони)**дан бир тира – қасос бўлади».** [Абу Довуд]

وَقَالَ ﷺ: «مَا جَلَسَ قَوْمٌ مَجْلِساً لَمْ يَذْكُرُوا اللهَ فِيْهِ وَلَمْ يُصَلُّوا عَلَى نَبِيِّهِمْ إِلاَّ كَانَ عَلَيْهِمْ تِرَةٌ، فَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُمْ وَإِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُمْ».

**«Қайси бир қавм бирон даврада ўтириб, у ерда Аллоҳни зикр қилмасалар ва пайғамбарларига салавот айтмасалар, уларга тира – қасос бўлади.** (Аллоҳ) **агар хоҳласа уларни азоблайди, хоҳласа мағфират қилади»,** – дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. [Термизий]

وَقَالَ ﷺ: «مَا مِنْ قَوْمٍ يَقُومُونَ مِنْ مَجْلِسٍ لاَ يَذْكُرُونَ اللهَ فِيْهِ إِلاَّ قَامُوا عَنْ مِثْلِ جِيْفَةِ حِمَارٍ، وَكَانَ لَهُمْ حَسْرَةً».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: **«Аллоҳни зикр қилмасдан ўринларидан қўзғалган қавм эшак ўлимтиги каби нарса устидан турган** (яъни унинг гўштидан тановул қилиб тургандек) **бўладилар ва** (бу) **уларга ҳасрат бўлади».** [Абу Довуд ва Аҳмад]

## 1. Уйқудан турганда айтиладиган зикрлар

«الْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا وإِلَيْهِ النُّشُوْرُ».

**1. Бизга ўлдиргандан сўнг** (яна) **ҳаёт берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Қайтиш унгадир!** [Бухорий ва Муслим]

«لاَ إِلٰهَ إِلاَّ اللّٰهُ وَحْدَهُ لاَ شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، سُبْحَانَ اللّٰهِ، وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ، وَلاَ إِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ، وَاللّٰهُ أَكْبَرُ، وَلاَ حَوْلَ وَلاَ قُوَّةَ إِلاَّ بِاللّٰهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ، رَبِّ اغْفِرْ لِي».

**2. «Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз** (Зот)**дир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам**

**Уники ва У барча нарсага қодир. Аллоҳ покдир. Ҳамд Аллоҳгадир. Аллоҳдан ўзга ҳеч бир ҳақ илоҳ йўқ. Аллоҳ буюкроқдир. Ҳаракат ҳам, қудрат ҳам ёлғиз, Олий ва Улуғ Аллоҳ** (мададидан) **биландир. Эй Раббим, мени мағфират қил».**

Ким шундай деса, мағфират қилинади. Дуо қилса, ижобат бўлади. Агар туриб таҳорат олиб намоз ўқиса, намози қабул бўлади. [Бухорий ва Ибн Можа]

«الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي عَافَانِي فِي جَسَدِي وَرَدَّ عَلَيَّ رُوْحِي وأَذِنَ لِي بِذِكْرِهِ».

**3. Менинг жисмимга соғлик ато этган, менга руҳимни қайтарган ва Ўз зикрига изн берган Аллоҳга ҳамд бўлсин.** [Термизий]

إِنَّ فِي خَلْقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَٱخْتِلَٰفِ ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ لَءَايَٰتٍ لِّأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿١٩٠﴾ ٱلَّذِينَ يَذْكُرُونَ

ٱللَّهَ قِيَٰمٗا وَقُعُودٗا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمۡ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي
خَلۡقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضِ رَبَّنَا مَا خَلَقۡتَ هَٰذَا
بَٰطِلٗا سُبۡحَٰنَكَ فَقِنَا عَذَابَ ٱلنَّارِ ١٩١ رَبَّنَآ إِنَّكَ
مَن تُدۡخِلِ ٱلنَّارَ فَقَدۡ أَخۡزَيۡتَهُۥۖ وَمَا لِلظَّٰلِمِينَ
مِنۡ أَنصَارٖ ١٩٢ رَّبَّنَآ إِنَّنَا سَمِعۡنَا مُنَادِيٗا يُنَادِي
لِلۡإِيمَٰنِ أَنۡ ءَامِنُواْ بِرَبِّكُمۡ فَـَٔامَنَّاۚ رَبَّنَا فَٱغۡفِرۡ
لَنَا ذُنُوبَنَا وَكَفِّرۡ عَنَّا سَيِّـَٔاتِنَا وَتَوَفَّنَا مَعَ ٱلۡأَبۡرَارِ
١٩٣ رَبَّنَا وَءَاتِنَا مَا وَعَدتَّنَا عَلَىٰ رُسُلِكَ وَلَا تُخۡزِنَا
يَوۡمَ ٱلۡقِيَٰمَةِۖ إِنَّكَ لَا تُخۡلِفُ ٱلۡمِيعَادَ ١٩٤ فَٱسۡتَجَابَ
لَهُمۡ رَبُّهُمۡ أَنِّي لَآ أُضِيعُ عَمَلَ عَٰمِلٖ مِّنكُم مِّن
ذَكَرٍ أَوۡ أُنثَىٰۖ بَعۡضُكُم مِّنۢ بَعۡضٖۖ فَٱلَّذِينَ هَاجَرُواْ
وَأُخۡرِجُواْ مِن دِيَٰرِهِمۡ وَأُوذُواْ فِي سَبِيلِي وَقَٰتَلُواْ
وَقُتِلُواْ لَأُكَفِّرَنَّ عَنۡهُمۡ سَيِّـَٔاتِهِمۡ وَلَأُدۡخِلَنَّهُمۡ

جَنَّٰتٖ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ ثَوَابٗا مِّنۡ عِندِ ٱللَّهِۚ
وَٱللَّهُ عِندَهُۥ حُسۡنُ ٱلثَّوَابِ ١٩٥ لَا يَغُرَّنَّكَ تَقَلُّبُ
ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ فِي ٱلۡبِلَٰدِ ١٩٦ مَتَٰعٞ قَلِيلٞ ثُمَّ مَأۡوَىٰهُمۡ
جَهَنَّمُۖ وَبِئۡسَ ٱلۡمِهَادُ ١٩٧ لَٰكِنِ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوۡاْ رَبَّهُمۡ
لَهُمۡ جَنَّٰتٞ تَجۡرِي مِن تَحۡتِهَا ٱلۡأَنۡهَٰرُ خَٰلِدِينَ فِيهَا
نُزُلٗا مِّنۡ عِندِ ٱللَّهِۗ وَمَا عِندَ ٱللَّهِ خَيۡرٞ لِّلۡأَبۡرَارِ ١٩٨
وَإِنَّ مِنۡ أَهۡلِ ٱلۡكِتَٰبِ لَمَن يُؤۡمِنُ بِٱللَّهِ وَمَآ أُنزِلَ
إِلَيۡكُمۡ وَمَآ أُنزِلَ إِلَيۡهِمۡ خَٰشِعِينَ لِلَّهِ لَا يَشۡتَرُونَ
بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ ثَمَنٗا قَلِيلًاۚ أُوْلَٰٓئِكَ لَهُمۡ أَجۡرُهُمۡ عِندَ
رَبِّهِمۡۗ إِنَّ ٱللَّهَ سَرِيعُ ٱلۡحِسَابِ ١٩٩ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ
ءَامَنُواْ ٱصۡبِرُواْ وَصَابِرُواْ وَرَابِطُواْ وَٱتَّقُواْ ٱللَّهَ
لَعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ ٢٠٠

**4. Осмонлар ва ернинг яралишида ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ақл**

**эгалари учун** (бир яратувчи ва бошқариб тур-гувчи Зот мавжуд эканлигига) **оят–аломатлар борлиги шубҳасиздир. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб** (дейдилар): **«Эй Раббимиз, бу** (борлиқ)**ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен** (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) **поксан. Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асра. Эй Раббимиз, албатта Сен кимни жаҳаннамга киритсанг, муҳаққақ уни расво қилурсан ва бундай золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир. Эй Раббимиз, албатта биз «Раббингизга иймон келтирингиз!», — деб иймонга чорлаган жарчи** (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) **нидоларини эшитдигу иймон келтирдик. Эй Раббимиз, Бизнинг гуноҳларимизни мағфират қил, қилган ёмонликларимизни** (саҳифа амалимиздан) **ўчиргил ва бизларни яхшилар билан бирга ўлдир! Эй Раббимиз, бизларга пайғамбарларинг орқали ваъда**

**қилган нарсаларингни ато қил ва бизларни қиёмат кунида расво қилмагил! Албатта Сен ваъдангга ҳилоф қилмагайсан». Бас, Раббилари уларнинг дуоларини ижобат қилиб,** (деди:) **«Албатта Мен сизлардан бирон амал қилувчи эркак ё аёлнинг амалини зое қилмайман. Зеро, бировингиз бировингиздандирсиз.** (Яъни, эркак аёлдан, аёл эркакдан дунёга келган)**. Бас, ватанларидан ҳижрат қилган, диёрларидан кувилган, Менинг йўлимда азиятлар чеккан ва** (Менинг йўлимда) **жанг қилиб, қатл этилган зотларнинг қилган гуноҳларини ўчиргайман ва уларни Аллоҳ ҳузуридан савоб–мукофот қилиб, тагларидан дарёлар оқиб турадиган боғларга киритурман. Ва энг гўзал савоб–мукофот Аллоҳнинг ҳузуридадир». Сизни кофирларнинг шаҳарларда кезишлари алдаб қўймасин.** (Бу елиб югуриш, ғолибона кезишлар) **озгина матодир. Сўнгра жойлари жаҳаннам бўлгай! Нақадар ёмон жой у! Аммо Раббиларидан қўрққан зотлар учун**

**Аллоҳ ҳузуридан зиёфат бўлмиш — тагларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар бордирки, улар бу боғларда абадий колажаклар. Яхшилар учун Аллоҳ ҳузуридаги нарса** (яъни, савоб–ажр кофирларнинг муаққат кайф–сафоларидан) **афзалроқдир. Албатта аҳли китоб ичида Аллоҳга ҳамда сизларга нозил қилинган ва ўзларига нозил қилинган нарсаларга иймон келтирувчи, Оллоҳга итоат қилиб бош эгувчи, Аллоҳнинг оятларини озгина қийматга сотиб юбормайдиган зотлар ҳам бор эканлиги аниқ равшандир. Ана ўшалар учун Раббилари ҳузуридан ажру савоб бордир. Албатта Аллоҳ тезда ҳисоб–китоб қилувчи зотдир. Эй мўминлар, сабр қилингиз ва сабру–тоқат қилишда** (кофирлардан) **устун бўлингиз ҳамда доимо** (кураш–жиҳод учун белингиз боғлик ҳолда) **ҳозир бўлиб турингиз! Ва Аллоҳдан қўрқингизким,** (шунда) **шояд нажот топгайсизлар.** [Оли Имрон: 190-200]

## 2. Кийим кийилаётганда ўқиладиган дуо

«الْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي كَسَانِي هَذَا (الثَّوْبَ) وَرَزَقَنِيهِ مِنْ غَيْرِ حَوْلٍ مِنِّي وَلاَ قُوَّةٍ».

**Мана шу** (либос)**ни кийгизган ва уни менга ўз тарафимдан ҳеч бир куч–қувватсиз насиб қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин.** [Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа]

## 3. Янги кийим кийганда ўқиладиган дуо

«اللّٰهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ أَنْتَ كَسَوْتَنِيهِ أَسْأَلُكَ مِنْ خَيْرِهِ وَخَيْرِ مَا صُنِعَ لَهُ، وأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّهِ وَشَرِّ مَا صُنِعَ لَهُ».

**Эй Аллоҳ! Сенга ҳамд бўлсин! Сен буни менга кийгиздинг. Мен Сендан унинг ва у унинг учун яратилган нарсанинг яхшилигини** (яъни, уни тоат–ибодатларда ишлатишни) **сўрайман. Унинг ва у унинг учун яратилган нарсанинг ёмонлигидан** (яъни, уни гуноҳ-маъсиятларда ишлатишдан) **паноҳ тилайман.**

[Абу Довуд]

## 4. Янги кийим кийган кишига айтиладиган дуо

«تُبْلِي ويُخْلِفُ اللّٰهُ تَعَالَى».

**1. Эскиртиб–тўзитинг, Аллоҳ таоло ўрнига берсин.** [Абу Довуд]

«اِلْبَسْ جَدِيداً، وَعِشْ حَمِيداً، وَمُتْ شَهِيداً».

**2. Янги кийинг, ҳамд айтиб яшанг ва шаҳид бўлиб вафот этинг!** [Ибн Можа ва Бағавий]

## 5. Кийимини ечганда нима дейди?

«بِسْمِ اللّٰهِ».

**Бисмиллаҳи** (Аллоҳ номи билан)**.** [Термизий]

## 6. Хало (ҳожатхона)га кираётганда айтиладиган дуо

«[ بِسْمِ اللّٰهِ ] اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوْذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ».

**[Бисмиллаҳ]. Эй Аллоҳ! Мен Сендан эркак ва урғочи жинлардан паноҳ беришингни сўрайман.** [Бухорий ва Муслим]

## 7. Хало (ҳожатхона)дан чиқилаётганда ўқиладиган дуо

«غُفْرَانَكَ».

**Мағфират этишингни сўрайман.** [Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа]

## 8. Таҳорат олишдан олдин айтиладиган зикр

«بِسْمِ اللّٰهِ».

**Бисмиллаҳи** (Аллоҳ номи билан таҳорат оламан). [Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад]

## 9. Таҳоратдан сўнг айтиладиган зикр

«أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ وَحْدَهُ لاَشَرِيكَ لَهُ وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُوْلُهُ».

**1. Гувоҳлик бераманки, ёлғиз Аллоҳдан ўзга** (барҳақ) **маъбуд йўқ. У шериксиздир.**

**Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад соллал-лоҳу алайҳи ва саллам Унинг қули ва Расулидир.** [Муслим]

«اللّٰهُمَّ اجْعَلْنِي مِنَ التَّوَّابِينَ وَاجْعَلْنِي مِنَ الْمُتَطَهِّرِينَ».

**2. Эй Аллоҳ! Мени тавба қилувчилардан ва таҳоратли–покиза кишилардан қил.** [Термизий]

«سُبْحَانَكَ اللّٰهُمَّ وَبِحَمْدِكَ أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوْبُ إِلَيكَ».

**3. Эй Аллоҳ! Сен поксан ва Сенинг ҳамдинг билан** (тасбеҳ айтаман). **Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Сендан истиғфор сўрайман ва Сенга тавба қиламан.** [Насоий]

## 10. Манзил–уйдан чиқишда ўқиладиган зикр

«بِسْمِ اللّٰهِ، تَوَكَّلْتُ عَلَى اللّٰهِ، وَلاَحَوْلَ ولاَقُوَّةَ إِلاَّ بِاللّٰهِ».

**1. Бисмиллаҳи, Аллоҳга таваккал қилдим. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш ва қувват ёлғиз Аллоҳдандир.** [Абу Довуд ва Термизий]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَضِلَّ، أَوْ أُضَلَّ، أَوْ أَزِلَّ، أَوْ أُزَلَّ أَوْ أَظْلِمَ أَوْ أُظْلَمَ، أَوْ أَجْهَلَ أَوْ يُجْهَلَ عَلَيَّ».

**2. Эй Аллоҳ, мен Сендан адашишдан ёки адаштирилишдан, тойиш ёки тойдирилишдан, зулм қилиш ёки зулмланишдан,** (бировга) **жоҳиллик қилиш ёки менга жоҳиллик қилинишдан паноҳ беришингни сўрайман.**

[Абу Довуд, Насоий, Термизий ва Ибн Можа]

## 11. Манзил–уйга киришда айтиладиган зикр

«بِسْمِ اللّٰهِ وَلَجْنَا، وَبِسْمِ اللّٰهِ خَرَجْنَا، وَعَلَى رَبِّنَا تَوَكَّلْنَا».

**«Аллоҳ номи билан кирдик ва Аллоҳ номи билан чиқдик ва Раббимизга таваккал этдик».** Сўнгра аҳлига салом берсин. [Абу Довуд]

Агар киши уйига киришида ва таом пайтида Аллоҳни зикр қилса, Шайтон (болаларига) айтади: Сизлар учун (бу ерда) тунаш ҳам, кечки таом ҳам йўқ. [Муслим]

## 12. Масжидга боришда ўқиладиган дуо

«اللّٰهُمَّ اجْعَلْ فِي قَلْبِي نُوْراً، وَفِي لِسَانِي نُوْراً، وَفِي سَمْعِي نُوْراً، وَفِي بَصَرِي نُوْراً، وَمِنْ فَوْقِي

نُوْراً، وَمِنْ تَحْتِي نُوْراً، وَعَن يَمِيْنِي نُوراً، وَعَنْ شِمَالِي نُوراً، وَمِنْ أَمَامِي نُوْراً، وَمِنْ خَلْفِي نُوْراً، وَاجْعَلْ فِي نَفْسِي نُوراً، وَأَعْظِمْ لِي نُوراً، وَعَظِّمْ لِي نُوراً، وَاجْعَلْ لِي نُوراً، وَاجْعَلْنِي نُوراً، اللّٰهُمَّ أَعْطِنِي نُوْراً، وَاجْعَلْ فِي عَصَبِي نُوراً، وَفِي لَحْمِي نُوراً، وَفِي دَمِي نُوراً، وَفِي شَعْرِي نُوراً، وَفِي بَشَرِي نُوراً».

**1. Эй Аллоҳ! Менинг калбимда, тилимда, эшитишим–қулоғимда, кўзимда, устимдан, остимдан, ўнгимдан, чапимдан, олдимдан ва ортимдан нур қил. Қалбимда нур қил. Менда нурни кўп қил. Уни менда яна ҳам мўл–кўл эт. Менга нур қил, мени нур қил, эй Аллоҳ, менга нур ато эт. Менинг пайларимда, гўштларимда, қонимда, сочим** (мўйим)**да ва теримда нур қил.** [Бухорий ва Муслим]

«اللّٰهُمَّ اجْعَلْ لِي نُوراً فِي قَبْرِي وَنُوراً فِي عِظَامِي».

**2. Эй Аллоҳ, менинг қабримда ва суякларимда нур қил.** [Термизий]

«وَزِدْنِي نُوراً، وَزِدْنِي نُوراً، وَزِدْنِي نُوراً».

**3. Менда нурни зиёда эт. Менда нурни зиёда эт. Менда нурни зиёда эт.** [Бухорий]

«وَهَبْ لِي نُوراً عَلَى نُورٍ».

**4. Менга нур устига яна нур бер.** [Ибн Ҳажар]

## 13. Масжидга киришда ўқиладиган дуо

«أَعُوْذُ بِاللّٰهِ الْعَظِيمِ، وَبِوَجْهِهِ الْكَرِيمِ، وَسُلْطَانِهِ الْقَدِيمِ، مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ، [بِسْمِ اللّٰهِ،

وَالصَّلاةُ] وَالسَّلامُ عَلَى رَسُوْلِ اللّٰهِ».

**1. Улуғ Аллоҳдан, Унинг карим юзи ва қадим салтанати билан тошбўрон қилинган шайтондан паноҳ тилайман. [Бисмиллаҳи, салот] ва салом Расулуллоҳга бўлсин.** [Абу Довуд, қавс ичидаги лафз Ибн Сунний зиёдаси]

«اللّٰهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ».

**2. Эй Аллоҳ! Менга раҳматинг эшикларини оч.** [Муслим]

## 14. Масжиддан чиқишда ўқиладиган дуо

«بِسْمِ اللّٰهِ وَالصَّلاةُ وَالسَّلامُ عَلَى رَسُوْلِ اللّٰهِ، اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ، اللّٰهُمَّ اعْصِمْنِي مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ».

**Бисмиллаҳи. Расулуллоҳга салоту салом бўлсин! Эй Аллоҳ! Мен Сенинг фазлу марҳаматингдан сўрайман! Эй Аллоҳ, мени тош-бўрон қилинган шайтондан маъсум эт–сақла!** [Ибн Можа]

## 15. Азон зикрлари

يَقُولُ مِثْلَ مَا يَقُولُ الْمُؤَذِّنُ، إِلاَّ فِي «حَيَّ عَلَى الصَّلاةِ» وَ «حَيَّ عَلَى الْفَلاحِ»، فَيَقُولُ: «لاَ حَوْلَ وَلاَ قُوَّةَ إِلاَّ بِاللّٰهِ».

**1. «Ҳайя алас-солат» ва «Ҳайя алал-фалаҳ»-дан бошқаларида муаззин сўзи қайтарилади. «Ҳайя алас-солат» ва «Ҳайя алал-фалаҳ» дейилганда** (азон эшитувчи) **«Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ», – деб айтади.** [Бухорий ва Муслим]

«وَأَنَا أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَ شَرِيكَ لَهُ، وَأَنَّ مُحَمَّداً عَبْدُهُ وَرَسُوْلُهُ، رَضِيتُ بِاللهِ رَبّاً، وَبِمُحَمَّدٍ رَسُوْلاً، وَبِالإِسْلامِ دِيناً».

**2. Айтадики: Мен ҳам Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқлигига, Унинг ёлғиз, шериксиз эканига ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг қули ҳамда Расули эканига гувоҳлик бераман.** [Муслим]

«يَقُولُ ذلِكَ عَقِبَ تَشَهُّدِ الْمُؤَذِّنِ».

**Буларни муаззин гувоҳлик келтириши** (яъни, икки шаҳодати)**дан сўнг айтади.** [Ибн Хузайма]

«يُصَلِّي عَلَى النَّبِيِّ ﷺ بَعْدَ فَرَاغِهِ مِنْ إِجَابَةِ الْمُؤَذِّنِ».

**3. Муаззинга жавоб бергач** (яъни, унинг айтганларини такрорлаб бўлгач)**, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга салот** (соллаллоҳу алайҳи ва саллам деб) **айтади.**
[Муслим]

يَقُولُ: «اللّٰهُمَّ رَبَّ هَذِهِ الدَّعْوَةِ التَّامَّةِ، وَالصَّلاةِ الْقَائِمَةِ، آتِ مُحَمَّداً الوَسِيلَةَ وَالفَضِيلَةَ، وَابْعَثْهُ مَقَاماً مَحْمُوْداً الَّذِي وَعَدْتَهُ، [إِنَّكَ لاَ تُخْلِفُ الْمِيعَادِ]».

**4. Кейин дуо қилиб айтади: Ушбу комил даъват-чақириқнинг, ҳозир бўлган–қоим намознинг Рабби бўлган эй Аллоҳ! Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга васила** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга эришишга умид қилган жаннатдаги манзилат) **ва фазила ато эт. Уни Ўзинг ваъда қилган мақтовли мақомга чиқар. [Албатта,**

**Сен ваъдага хилоф қилмайсан].** [Бухорий, қавс ичида келтирилгани эса Байҳақийдан]

«يَدْعُو لِنَفْسِهِ بَيْنَ الأَذَانِ وَالإِقَامَةِ، فَإِنَّ الدُّعَاءَ حِيْنَئِذٍ لاَ يُرَدُّ».

**5. Азон билан иқомат оралиғидаги вақтда ўзи учун дуо қилади. Бу вақтда** (қилинган) **дуо қайтарилмайди** (мақбулдир)**.** [Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад]

## 16. Истифтоҳ (намознинг бошида ўқиладиган) дуоси

«اللّٰهُمَّ بَاعِدْ بَيْنِي وَبَيْنَ خَطَايَايَ كَمَا بَاعَدْتَ بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ، اللّٰهُمَّ نَقِّنِي مِنْ خَطَايَايَ كَمَا يُنَقَّى الثَّوْبُ الأَبْيَضُ مِنَ الدَّنَسِ، اللّٰهُمَّ اغْسِلْنِي مِنْ خَطَايَايَ بِالثَّلْجِ وَالْمَاءِ وَالْبَرَدِ».

**1. Эй Аллоҳ, мен билан хатоларим орасини мағриб билан машриқ ўртасини узоқ қилганинг каби йироқ эт. Эй Аллоҳ! Оппоқ либос кирликдан тозалангани каби мени ҳам хатоларимдан тоза эт. Эй Аллоҳ! Мени хатоларимдан қор билан, сув билан ва дўл билан юв–покла!** [Бухорий ва Муслим]

«سُبْحَانَكَ اللّٰهُمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَتَعَالَى جَدُّكَ، وَلاَ إِلَهَ غَيْرُكَ».

**2. Эй Аллоҳ! Сен** (барча айбу нуқсонлардан) **поксан. Сенинг ҳамдинг билан** (тасбеҳ айтдим)**. Сенинг исминг баракотли, улуғлигинг олий бўлди ва Сендан ўзга илоҳ** (и барҳақ) **йўқдир.** [Абу Довуд, Насоий, Термизий ва Ибн Можа]

«وَجَّهْتُ وَجْهِيَ لِلَّذِي فَطَرَ السماواتِ وَالأَرْضَ حَنِيفاً وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ، إِنَّ

صَلاتِي وَنُسُكِي وَمَحْيَايَ وَمَمَاتِي لِلّٰهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، لاَ شَرِيكَ لَهُ، وَبِذَلِكَ أُمِرْتُ وَأَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ، اللّٰهُمَّ أَنْتَ الْمَلِكُ لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ، أَنْتَ رَبِّي وَأَنَا عَبْدُكَ، ظَلَمْتُ نَفْسِي وَاعْتَرَفْتُ بِذَنْبِي، فَاغْفِرْ لِي ذُنُوبِي جَمِيعاً، إِنَّهُ لاَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلاَّ أَنْتَ، وَاهْدِنِي لأَحْسَنِ الأَخْلاقِ، لاَ يَهْدِي لأَحْسَنِهَا إِلاَّ أَنْتَ، وَاصْرِفْ عَنِّي سَيِّئَهَا، لاَ يَصْرِفُ عَنِّي سَيِّئَهَا إِلاَّ أَنْتَ، لَبَّيْكَ وَسَعْدَيْكَ، وَالْخَيْرُ كُلُّهُ بِيَدَيْكَ، وَالشَّرُّ لَيْسَ إِلَيْكَ، أَنَا بِكَ وَإِلَيْكَ، تَبَارَكْتَ وَتَعَالَيْتَ، أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوْبُ إِلَيْكَ».

**3. Осмонлару ерни яратган Зотга мусулмон бўлиб юзландим ва мен мушриклардан эмасман. Албатта намозим, қурбонлигим,**

**ҳаётим ва мамотим оламлар Рабби бўлмиш Аллоҳ учундир. Унинг шериги йўқ. Мен шунга буюрилдим ва мен бўйсунувчилар-мусулмонлардандирман. Эй Аллоҳ! Сен Маликсан ва Сендан ўзга ҳеч бир** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Сен Раббимсан ва мен Сенинг қулингман. Мен** (гуноҳлар қилиб) **ўзимга зулм қилдим ва гуноҳларимни эътироф этдим. Менинг барча гуноҳларимни кечир. Албатта гуноҳларни ёлғиз Сен кечирувчисан. Мени энг гўзал хулқларга йўлла. Албата, гўзал хулқлар сари ёлғиз Сенгина ҳидоят этасан. Мендан ёмон хулқларни кеткиз. Албатта, ёмон хулқларни фақат Сенгина мендан кетказишга қодирсан. Мен Сенинг итоатингда турувчиман ва Сенинг итоатингда бўлувчиман. Барча яхшилик Сенинг қўлингдадир ва ёмонлик Сендан бўлмас. Мен Сен биланман** (яъни, мададинг билан қоимман, борман) **ва Сенга** (қайта)**ман. Сен улуғ ва олий бўлдинг. Сендан истиғфор тилайман ва Сенга тавба**(лар) **этаман.** [Муслим]

«اللّٰهُمَّ رَبَّ جِبْرَائِيلَ وَمِيكَائِيلَ وَإِسْرَافِيلَ، فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ، عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، أَنْتَ تَحْكُمُ بَيْنَ عِبَادِكَ فِيمَا كَانُوا فِيهِ يَخْتَلِفُونَ، اِهْدِنِي لِمَا اخْتُلِفَ فِيهِ مِنَ الْحَقِّ بِإِذْنِكَ، إِنَّكَ تَهْدِي مَنْ تَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ».

**4. Жаброил, Мийкоил ва Исрофилнинг Рабби, осмонлару ернинг холиқи, ошкору ғайб ишларни билувчи Эй Аллоҳ! Албатта Сен бандаларинг тортишиб қолган нарсаларда ҳукм қилурсан. Ўз изнинг билан ихтилоф қилинган ҳаққа мени бошла. Албатта Сен хоҳлаган кишингни тўғри йўлга йўлловчисан.** [Муслим]

«اللهُ أَكْبَرُ كَبِيراً، اللهُ أَكْبَرُ كَبِيراً، اللهُ أَكْبَرُ كَبِيراً، وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ كثيراً، وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ كَثِيراً،

**وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ كَثِيراً، وَسُبْحَانَ اللّٰهِ بُكْرَةً وَأَصِيلاً – ثَلاَثاً»**

**«أَعُوذُ بِاللّٰهِ مِنَ الشَّيْطَانِ: مِنْ نَفْخِهِ، وَنَفْثِهِ، وَهَمْزِهِ».**

**5. Аллоҳ жуда буюкдир! Аллоҳ жуда буюкдир! Аллоҳ жуда буюкдир! Аллоҳга кўп ҳамд бўлсин! Аллоҳга кўп ҳамд бўлсин! Аллоҳга кўп ҳамд бўлсин! Эртаю кеч Аллоҳни** (барча нуқсонлардан) **поклайман!** (3 марта такрорлайди).

**Аллоҳдан шайтоннинг нафасидан, дамидан ва васвасасидан паноҳ беришини сўрайман.**

[Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад. Муслим ҳам шунга яқин маънодаги ҳадисни келтирган]

**«اللّٰهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ نُورُ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ قَيِّمُ**

السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، [ وَلَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ] [وَلَكَ الْحَمْدُ، لَكَ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ] [وَلَكَ الْحَمْدُ، أَنْتَ مَلِكُ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ] [وَلَكَ الْحَمْدُ] [أَنْتَ الْحَقُّ، وَوَعْدُكَ الْحَقُّ، وَقَوْلُكَ الْحَقُّ، وَلِقَاؤُكَ الْحَقُّ، وَالْجَنَّةُ حَقٌّ، وَالنَّارُ حَقٌّ، وَالنَّبِيُّونَ حَقٌّ، وَمُحَمَّدٌ ﷺ حَقٌّ، وَالسَّاعَةُ حَقٌّ] [اللَّهُمَّ لَكَ أَسْلَمْتُ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَإِلَيْكَ أَنَبْتُ، وَبِكَ خَاصَمْتُ، وَإِلَيْكَ حَاكَمْتُ، فَاغْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ، وَمَا أَخَّرْتُ، وَمَا أَسْرَرْتُ، وَمَا أَعْلَنْتُ] [أَنْتَ الْمُقَدِّمُ، وَأَنْتَ الْمُؤَخِّرُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ] [أَنْتَ إِلَهِي لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ]».

**6.** Бу зикрни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечаси таҳажжуд ўқиётганларида айтардилар:

**Эй Аллоҳ! Сенга ҳамд бўлсин! Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг нуридирсан. Сенга ҳамд бўлсин. Сен осмонлару ер ва улардагиларни тутиб турувчидирсан! [Ва Сенга ҳамд бўлсин. Сен осмонлару ер ва улардагиларнинг Раббидирсан!] [Сенга ҳамд бўлсин. Осмонлару ер ва улардагилар Сеникидир!] [Сенга ҳамд бўлсин! Сен осмонлару ер Подшоҳидирсан!] [Сенга ҳамд бўлсин!] [Сен Ҳақсан. Ваъданг ҳақ, сўзинг ҳақ, Сен билан учрашмоқ ҳақ, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, набийлар ҳақ Муҳаммад** (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **ҳақ ва қиёмат ҳақдир]. [Эй Аллоҳ! Сенга бўйсундим ва Сенга таваккал этдим. Сенга иймон келтирдим ва Сенга тавба қилдим. Сен учун талашдим–ёмон кўрдим ва Сени ҳакам қилдим. Менинг олдин қилганларимни ҳам, кейин қилган-**

**ларимни ҳам, яширин қилганларимни ҳам, ошкор қилганларимни ҳам мағфират этгин]. [Аввал қилувчи ҳам, кейин қилувчи ҳам Сенсан. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқ]. [Илоҳим Сенсан. Сендан ўзга ҳақ илоҳ йўқдир].** [Бухорий, Муслим ҳам шу маънодаги ҳадисни келтирган]

## 17. Рукуъда айтиладиган дуо

«سُبْحَانَ رَبِّيَ الْعَظِيمِ» ثَلاَثَ مَرَّاتٍ.

**1. «Улуғ Роббимни поклайман!» Уч маротаба айтилади.** [Абу Довуд, Насоий, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад]

«سُبْحَانَكَ اللّٰهُمَّ رَبَّنَا وَبِحَمْدِكَ، اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِي».

**2. Эй Аллоҳ! Сен** (барча айбу нуқсондан) **покдирсан. Эй Раббимиз! Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳ айтдим. Эй Аллоҳ! Мени мағфират эт.** [Бухорий ва Муслим]

«سُبُّوحٌ قُدُّوسٌ رَبُّ المَلائِكَةِ وَالرُّوحِ».

**3.** (Аллоҳ ҳар қандай ёмонлик, айбу нуқсондан) **Пок ва муқаддас зотдир. Малоикалар ҳамда Руҳ – Жаброилнинг Раббидир.**

[Муслим ва Абу Довуд]

«اللَّهُمَّ لَكَ رَكَعْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَلَكَ أَسْلَمْتُ، خَشَعَ لَكَ سَمْعِي، وَبَصَرِي، وَمُخِّي، وَعَظْمِي، وَعَصَبِي، وَمَا اسْتَقَلَّ بِهِ قَدَمِي».

**4. Эй Аллоҳ! Сенга рукуъ қилдим ва Сенга иймон келтирдим, бўйсундим. Сенга қулоғим, кўзим, миям, суягим, пайим ва қадамим кўтариб турган нарсаларим бўйсунди.** [Муслим]

«سُبْحَانَ ذِي الْجَبَرُوتِ، وَالْمَلَكُوتِ، وَالكِبْرِيَاءِ، وَالْعَظَمَةِ».

**5. Куч-қудрат, салтанат, киборлик ва улуғлик соҳиби** (барча айбу нуқсондан) **покдир!**
[Абу Довуд, Насоий ва Аҳмад]

## 18. Рукуъдан кўтарилаётганда ўқиладиган дуо

«سَمِعَ اللّٰهُ لِمَنْ حَمِدَهُ».

**1. Аллоҳ Ўзига ҳамд айтувчини**(нг ҳамдини) **қабул қилди.** [Бухорий]

«رَبَّنَا وَلَكَ الْحَمْدُ حَمْداً كَثِيراً طَيِّباً مُبَارَكاً فِيهِ».

**2. Эй Раббимиз! Сенга кўп, ҳақиқий–риёсиз, муборак–хайрлилиги мўл ҳамд**(лар) **бўлсин.** [Бухорий]

«مِلْءَ السَّمَوَاتِ وَمِلْءَ الأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا،
وَمِلْءَ مَا شِئْتَ مِنْ شَيْءٍ بَعْدُ، أَهْلَ الثَّنَاءِ

وَالْمَجْدِ، أَحَقُّ مَا قَالَ الْعَبْدُ، وَكُلُّنَا لَكَ عَبْدٌ، اللّٰهُمَّ لاَ مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ، وَلاَ مُعْطِيَ لِمَا مَنَعْتَ، وَلاَ يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الْجَدُّ».

**3. Осмонлару ер ва улар ўртасидаги нарсалар миқдорича, яна Ўзинг хоҳлаган нарса миқдорича** (ҳамд бўлсин)**. Мақтов ва улуғлик аҳли–эгаси**(сан)**. Қулинг айтган нарсага энг ҳақли Зот**(сан)**. Барчамиз Сенга қулмиз. Эй Аллоҳ! Сен берган нарсани тўсувчи, Сен тўсган нарсани берувчи йўқдир! Сенинг олдингда улуғлик эгасига улуғлиги фойда беролмас.** [Муслим]

## 19. Сажда қилганда айтиладиган дуо

«سُبْحَانَ رَبِّيَ الأَعْلَى» ثَلاَثَ مَرَّاتٍ.

**1. Энг олий Зот бўлмиш Раббимни барча айбу нуқсондан поклайман.** (Уч марта айтилади). [Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад]

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ رَبَّنَا وبِحَمْدِكَ، اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي»

**2. Эй Раббимиз Аллоҳ! Сенинг ҳамдинг билан Сенга тасбеҳ айтаман. Эй Аллоҳ, мени мағфират эт.** [Бухорий ва Муслим]

«سُبُّوحٌ، قُدُّوسٌ، رَبُّ المَلائِكَةِ وَالرُّوحِ».

**3.** (Аллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан) **Пок ва Муқаддас Зотдир. Малоикалар ва Руҳ** (Жаброил)**нинг Раббидир.** [Муслим]

«اللَّهُمَّ لَكَ سَجَدْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَلَكَ أَسْلَمْتُ، سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ وَصَوَّرَهُ وَشَقَّ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ، تَبَارَكَ اللهُ أَحْسَنُ الخَالِقِينَ».

**4. Эй Аллоҳ! Сенга сажда этдим, иймон келтирдим, бўйсундим. Юзим уни яратган, сурат ато этган ва кўз–қулоғимни очган–ёрган Зотга сажда қилди. Энг яхши яратувчи Аллоҳ баракотли-буюкдир.** [Муслим]

«سُبْحَانَ ذِي الْجَبَرُوتِ، وَالْمَلَكُوتِ، وَالكِبْرِيَاءِ، وَالْعَظَمَةِ».

**5. Куч-қудрат, салтанат, киборлик ва улуғлик соҳиби** (Аллоҳ барча айбу нуқсондан) **покдир!** [Абу Довуд, Насоий ва Аҳмад]

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي ذَنْبِي كُلَّهُ، دِقَّهُ وَجِلَّهُ، وَأَوَّلَهُ وَآخِرَهُ، وَعَلانِيَتَهُ وَسِرَّهُ».

**6. Эй Аллоҳ! Менинг барча гуноҳларимни, каттаю кичик, аввалу охир ва сиру ошкорини мағфират эт.** [Муслим]

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخَطِكَ، وَبِمُعَافَاتِكَ مِنْ عُقُوبَتِكَ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْكَ، لاَ أُحْصِي ثَنَاءً عَلَيْكَ، أَنْتَ كَمَا أَثْنَيْتَ عَلَى نَفْسِكَ»

**7. Эй Аллоҳ! Мен Сенинг розилигинг билан менга ғазаб қилишингдан паноҳ беришингни, афву-кечиришинг билан мени азоблашингдан паноҳ беришингни сўрайман. Мен Сендан менга Ўзингдан паноҳ беришингни тилайман. Сенга бўлган ҳамду санонинг ҳисобига етолмайман. Сен ўзингга сано айтганинг кабидирсан.** [Муслим]

## 20. Иккки сажда ўртасида ўтирилганда айтиладиган дуо

«رَبِّ اغْفِرْ لِي، رَبِّ اغْفِرْ لِي».

**1. Эй Раббим, мени мағфират қил. Эй Раббим, мени мағфират қил.** [Абу Довуд ва Ибн Можа]

«اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاهْدِنِي، وَاجْبُرْنِي، وَعَافِنِي وَارْزُقْنِي، وَارْفَعْنِي».

**2. Эй Аллоҳ, мени мағфират эт. Менга раҳм эт. Мени ҳидоят қил, ўнгла ва офият** (соғлик) **ато эт. Менга ризқ бер ва мени баланд қил.**

[Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа]

## 21. Сажда ояти ўқилганда сажда қилаётиб айтиладиган дуо

«سَجَدَ وَجْهِي لِلَّذِي خَلَقَهُ، وَشَقَّ سَمْعَهُ وَبَصَرَهُ بِحَوْلِهِ وَقُوَّتِهِ، ﴿فَتَبَارَكَ اللَّهُ أَحْسَنُ الْخَالِقِينَ﴾».

**1. Юзим, уни яратган ва куч-қуввати билан кўз–қулоғини очган Зотга сажда қилди. «Энг яхши яратувчи Аллоҳ буюк–баракотлидир».** [Термизий, Аҳмад ва Ҳоким]

«اللّٰهُمَّ اكْتُبْ لِي بِهَا عِنْدَكَ أَجْراً، وَضَعْ عَنِّي بِهَا وِزْراً، وَاجْعَلْهَا لِي عِنْدَكَ ذُخْراً، وَتَقَبَّلْهَا مِنِّي كَمَا تَقَبَّلْتَهَا مِنْ عَبْدِكَ دَاوُدَ».

**2. Эй Аллоҳ! Мана шу саждам сабабли даргоҳингда мен учун ажр ёз ва мендан** (бир) **гуноҳни ўчир. Бу саждамни Ўз олдингда мен учун захира эт ва уни бандангДовуддан қабул этганинг каби мақбул эт.**

[Термизий ва Ҳоким]

## 22. Ташаҳҳуд

«التَّحِيَّاتُ لِلّٰهِ، وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّبَاتُ، اَلسَّلامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللّٰهِ وَبَرَكَاتُهُ، اَلسَّلامُ عَلَيْنَا وَعَلَى عِبَادِ اللّٰهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ، وأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّداً عبْدُهُ وَرَسُولُهُ».

**Таҳийётлар** (Саломлар, таъзимлар ёки қавлий ибодатлар)**, солавотлар** (намозлар ёки баданий ибодатлар) **ва тоййиботлар** (ҳамду санода ишлатиладиган покиза сўзлар ва амаллар ёки садақотлар) **Аллоҳ учундир. Эй Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин. Гувоҳлик бераман-ки: Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **маъбуд йўқ, Муҳаммад Унинг қули ва расулидир.**

[Бухорий ва Муслим]

## 23. Ташаҳҳуддан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиладиган салавот

«اللّٰهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ، اللّٰهُمَّ بَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ

وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى إِبْرَاهِيمَ وَعَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ».

**1. Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оиласи–умматига раҳмат этганинг каби Муҳаммадга ва унинг оиласи-умматига ҳам раҳм қил. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан. Эй Аллоҳ! Иброҳимга ва унинг оиласи–умматига баракот–хайр ато этганингдек Муҳаммадга ва унинг оиласи–умматига ҳам баракот–хайр ато эт. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан.** [Бухорий]

«اللّٰهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى أَزْوَاجِهِ وَذُرِّيَّتِهِ، كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى أَزْوَاجِهِ وَذُرِّيَّتِهِ، كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ».

**2. Эй Аллоҳ! Иброҳим оиласи-умматига салавот йўллаганинг каби Муҳаммадга ва унинг аёллари ва зурриётларига ҳам салавот йўлла. Иброҳим оиласи–умматига хайр–баракот ато этганингдек Муҳаммадга ва унинг аёллари ва зурриётларига ҳам хайр–баракот ато эт. Албатта Сен мақтовли ва улуғ Зотсан.** [Бухорий ва Муслим]

## 24. Салавотдан кейин салом беришдан олдин айтиладиган дуолар

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوْذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، وَمِنْ عَذَابِ جَهَنَّمَ، وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ، وَمِنْ شَرِّ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَّالِ».

**1. Эй Аллоҳ! Мен Сендан қабр азобидан, жаҳаннам азобидан, тириклик ва ўлим фитнасидан ҳамда масиҳи Дажжол фит-**

**насининг ёмонлигидан панохъ беришингни сўрайман.** [Бухорий ва Муслим]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوْذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ، وأَعُوْذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَّالِ، وأَعُوْذُ بِك مِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيَا وَالْمَمَاتِ، اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوْذُ بِكَ مِنَ الْمَأْثَمِ وَالْمَغْرَمِ».

**2. Эй Аллоҳ! Мен Сендан қабр азобидан, масиҳи Дажжол фитнасидан ва тириклик ҳамда ўлим фитнасидан паноҳ беришингни сўрайман! Эй Аллоҳ! Мен Сендан гуноҳ ва** (ножоиз бўлган ёки тўлашнинг имкони бўлмайдиган) **қарздан паноҳ беришингни сўрайман!** [Бухорий ва Муслим]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي ظُلْماً كَثِيراً، وَلاَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلاَ أَنْتَ، فَاغْفِرْ لِي مَغْفِرَةً

مِنْ عِنْدِكَ وَارْحَمْنِي، إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ».

**3. Эй Аллоҳ! Албатта мен ўз нафсимга кўп зулмлар қилдим. Гуноҳларни ёлғиз Сенгина кечирувчисан. Мени Ўз марҳаматинг – Ўз томонингдан бўладиган мағфират билан кечир, раҳм эт! Албатта Сен кечирувчи ва раҳмли Зотдирсан.** [Бухорий ва Муслим]

«اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ، وَمَا أَخَّرْتُ، وَمَا أَسْرَرْتُ، وَمَا أَعْلَنْتُ، وَمَا أَسْرَفْتُ، وَمَا أَنْتَ أَعْلَمُ بِهِ مِنِّي، أَنْتَ الْمُقَدِّمُ، وَأَنْتَ الْمُؤَخِّرُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ».

**4. Эй Аллоҳ! Менинг аввал қилганларимни ҳам,** (кейин) **охир қилганларимни ҳам, яширин қилганларимни ҳам, ошкор қилган-**

**ларимни ҳам, исрофларимни ҳам ва Ўзинг мендан кўра яхшироқ биладиган** (ишларим – гуноҳларим)**ни ҳам мағфират эт. Аввал этувчи ҳам, охир этувчи ҳам Сенсан. Сендан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ!** [Муслим]

«اللّٰهُمَّ أَعِنِّي عَلَى ذِكْرِكَ، وَشُكْرِكَ، وَحُسْنِ عِبَادَتِكَ».

**5. Эй Аллоҳ! Сени зикр этишга, Сенга шукр қилишга ва гўзал ибодатингга мени мушарраф эт–кўмак бер.** [Абу Довуд ва Насоий]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْبُخْلِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُبْنِ، وأَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ أُرَدَّ إِلَى أَرْذَلِ الْعُمُرِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الدُّنْيَا، وَعَذَابِ الْقَبْرِ».

**6. Эй Аллоҳ! Мен Сендан бахиллик, қўрқоқлик ва тубан–разил умр** (ҳаёт)**га қайта-**

**рилишдан панох̦ беришингни сўрайман. Эй Аллоҳ! Мен Сендан дунё фитнаси ва қабр азобидан панох̦ беришингни сўрайман.** [Бухорий]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ، وأَعُوْذُ بِكَ مِنَ النَّارِ».

**7. Эй Аллоҳ! Мен Сендан жаннатни сўрайман ва дўзахдан панох̦ беришингни тилайман.** [Абу Довуд ва Ибн Можа]

«اللّٰهُمَّ بِعِلْمِكَ الْغَيْبِ، وَقُدْرَتِكَ عَلَى الْخَلْقِ، أَحْيِنِي مَا عَلِمْتَ الْحَيَاةَ خَيْراً لِي، وَتَوَفَّنِي إِذَا عَلِمْتَ الْوَفَاةَ خَيْراً لِي، اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَشْيَتَكَ فِي الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، وَأَسْأَلُكَ كَلِمَةَ الْحَقِّ فِي الرِّضَا وَالْغَضَبِ، وَأَسْأَلُكَ الْقَصْدَ

فِي الْغِنَى وَالْفَقْرِ، وَأَسْأَلُكَ نَعِيماً لاَ يَنْفَدُ، وَأَسْأَلُكَ قُرَّةَ عَيْنٍ لاَ تَنْقَطِعُ، وَأَسْأَلُكَ الرِّضَا بَعْدَ الْقَضَاءِ، وَأَسْأَلُكَ بَرْدَ الْعَيْشِ بَعْدَ الْمَوْتِ، وَأَسْأَلُكَ لَذَّةَ النَّظَرِ إِلَى وَجْهِكَ، وَالشَّوْقَ إِلَى لِقَائِكَ، فِي غَيْرِ ضَرَّاءَ مُضِرَّةٍ، وَلاَ فِتْنَةٍ مُضِلَّةٍ، اللّٰهُمَّ زَيِّنَّا بِزِينَةِ الإِيمَانِ، وَاجْعَلْنَا هُدَاةً مُهْتَدِينَ)).

**8. Эй Аллоҳ ғайбни билишинг ва яратишга қодирлигинг билан** (сўрайман) **агар ҳаётни мен учун хайрли деб билсанг, яшат. Агар ўлимни мен учун хайрли деб билсанг, ўлим бер. Эй Аллоҳ! Мени ошкору ғайб** (ишлар, ҳолат)**да Ўзингдан қўрқадиган эт. Розилигу ғазаб** (ҳолатда)**да ҳақни сўзлашни сўрайман. Бойликда ҳам, фақирликда ҳам тежамкорлик** (исроф этмаслик)**ни беришингни**

**сўрайман. Туганмас неъмат, узилмас–абадий севинч сўрайман. Қазо-ҳукмдан кейин розиликни, ўлимдан сўнг яхши ҳаётни сўрайман. Юзингни кўриш лаззатини ва зарарли қайғуларсиз, адаштирувчи фитналарсиз висолинг шавқини сўрайман! Эй Аллоҳ! Бизни иймон зийнати ила зийнатла ва тўғри йўлга бошловчи, тўғри йўлда юрувчи** (лардан) **қил.** [Насоий ва Аҳмад]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ يَا اللّٰهُ، بِأَنَّكَ الْوَاحِدُ الأَحَدُ الصَّمَدُ الَّذِي لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ، أَنْ تَغْفِرَ لِي ذُنُوبِي، إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ».

**9. Эй Аллоҳ! Мен Сенинг яккаю ягона, туғмаган ҳам, туғилмаган ҳам ва ҳеч бир тенги бўлмаган Самад – беҳожат Зот эканлигинг билан сўрайман: Менинг гуноҳларимни**

**кечир! Албатта, Сен кечиримли ва раҳмли Зотдирсан.** [Насоий ва Аҳмад, Албоний саҳиҳ деган]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِأَنَّ لَكَ الْحَمْد، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ وَحْدَكَ لاَ شَرِيكَ لَكَ، الْمَنَّانُ، يَا بَدِيعَ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ، يَاذَا الْجَلالِ وَالإِكْرَامِ، يَاحَيُّ يَاقَيُّومُ، إِنِّي أَسْأَلُكَ الْجَنَّةَ، وأَعُوْذُ بِكَ مِنَ النَّارِ».

**10. Эй Аллоҳ! Ҳамд** (ёлғиз) **Сенгалиги, Сендан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқлиги, Сенинг ёлғиз, шериксиз ва яхшиликни инъом қилувчи Зотлигинг билан сўрайман. Эй осмонлару ерни яратувчиси, улуғлик ва икром соҳиби, эй мангу тирик ва абадий турувчи! Мен Сендан жаннатни сўрайман ва дўзахдан паноҳ тилайман.** [Абу Довуд, Насоий, Термизий ва Ибн Можа]

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِأَنِّي أَشْهَدُ أَنَّكَ أَنْتَ اللهُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ الأَحَدُ الصَّمَدُ الَّذِي لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفُواً أَحَدٌ».

**11. Эй Аллоҳ! Мен Сендан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ деб, Сен ёлғиз, шериксиз, туғмаган ҳам, туғилмаган ҳам ва ҳеч бир тенги бўлмаган Самад – беҳожат Зотлигингга гувоҳлик келтирганим туфайли сўрайман.**

[Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад]

## 25. Намоздан сўнг салом бергач айтиладиган зикрлар

«أَسْتَغْفِرُ اللهَ – ثَلاَثاً – اللَّهُمَّ أَنْتَ السَّلامُ، ومِنْكَ السَّلامُ، تَبَارَكْتَ يَاذَا الجَلالِ وَالإِكْرَامِ».

**1. Аллоҳдан истиғфор сўрайман.** (3 марта айтилади). **Эй Аллоҳ! Сен Саломдир-**

**сан** (яъни, Салом Аллоҳнинг исмларидан бири, маъноси Сен барча айбу нуқсондан саломатсан ва Сен бандаларингни ҳалокат ўринларидан сақловчи-саломат этувчи Салом Зотдирсан). **Салом Сендандир!** (Яъни, саломатлик фақат Сен томонингдан)**. Эй улуғлик ва икром соҳиби, Сен** (айбу нуқсондан) **пок ва муқаддасдирсан.** [Муслим]

«لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَ شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، اللَّهُمَّ لاَ مَانِعَ لِمَا أَعْطَيْتَ، وَلاَ مُعْطِيَ لِمَا مَنَعْتَ، وَلاَ يَنْفَعُ ذَا الْجَدِّ مِنْكَ الجَدُّ».

**2. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У ёлғиз ҳам шериксиз зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир. У барча нарсага қодир. Эй Аллоҳ, Сен берган нарсани тўсувчи, Сен тўсган нарсани берувчи йўқ. Сенинг ҳузурингда**

**улуғлик–бойлик эгасига улуғлиги–бойлиги фойда беролмас.** [Бухорий ва Муслим]

«لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَشَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، لاَ حَوْلَ وَلاَ قُوَّةَ إِلاَّ بِاللهِ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ، وَلاَ نَعْبُدُ إِلاَّ إِيَّاهُ، لَهُ النِّعْمَةُ وَلَهُ الْفَضْلُ وَلَهُ الثَّنَاءُ الْحَسَنُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ وَلَوْ كَرِهَ الْكَافِرُونَ».

**3. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ, У ёлғиз, шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир. У барча нарсага қодир. Ҳаракат ва қувват ёлғиз Аллоҳ** (мадади) **биландир. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Биз фақат Унгагина ибодат этамиз. Неъмат ҳам, фазл ҳам, гўзал** (ҳамду) **сано ҳам Уникидир. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Гарчи**

**кофирлар ёмон кўрсаларда динни Унинг учун холис қилувчилармиз.** [Муслим]

«سُبْحَانَ اللهِ وَالْحَمْدُ لِلهِ وَاللهُ أَكْبَرُ – ثَلاَثاً وَثَلاَثِيْنَ – لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَشَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ».

**4. Субҳаналлоҳи, валҳамду лиллаҳи, валлоҳу акбар** (33 марта айтади) (Субҳаналлоҳ, алҳамду лиллаҳ, Аллоҳу акбар деб ҳар бирини 33 мартадан айтса ҳам бўлади. ИНТ). **Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У ёлғиз ҳамда шериксиз зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир. У барча нарсага қодир.**

(Ким агар ҳар намоздан сўнг шуни айтадиган бўлса, хатолари – агар денгиз кўпикларича бўлса ҳам – мағфират қилинади). [Муслим]

**5. «Ихлос», «Фалақ» ва «Ан-нос» сураларини ҳар намоздан кейин бир мартадан,**

**бомдод ва шом намозидан кейин уч мартадан ўқийди.** [Абу Довуд, Насоий ва Термизий. «Фатҳул-Борий»га қаралсин]

﴿ قُلْ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ ۝١ ٱللَّهُ ٱلصَّمَدُ ۝٢ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ۝٣ وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ كُفُوًا أَحَدٌۢ ۝٤ ﴾

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: У – Аллоҳ бирдир** (яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир, У якка ёлғиздир)**. Аллоҳ** (барча ҳожатлар билан) **кўзланувчидир** (яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир)**. У туғмаган ва туғилмагандир** (яъни, Аллоҳнинг ўғил–қизи ҳам, ота–онаси ҳам йўқдир). **Ва ҳеч ким Унга тенг эмас.** [Ихлос сураси]

﴿ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلْفَلَقِ ۝١ مِن شَرِّ مَا خَلَقَ ۝٢ وَمِن شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ۝٣ وَمِن شَرِّ

ٱلنَّفَّٰثَٰتِ فِي ٱلۡعُقَدِ ﴿٤﴾ وَمِن شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا
حَسَدَ ﴿٥﴾

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: Мен тонг Раббидан** (менга) **Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан, тугунларга дам солувчи** (жодугар)**ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйларнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қиламан.** [Фалақ сураси]

﴿ قُلۡ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلنَّاسِ ﴿١﴾ مَلِكِ ٱلنَّاسِ ﴿٢﴾
إِلَٰهِ ٱلنَّاسِ ﴿٣﴾ مِن شَرِّ ٱلۡوَسۡوَاسِ ٱلۡخَنَّاسِ ﴿٤﴾
ٱلَّذِي يُوَسۡوِسُ فِي صُدُورِ ٱلنَّاسِ ﴿٥﴾ مِنَ ٱلۡجِنَّةِ
وَٱلنَّاسِ ﴿٦﴾ ﴾

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: Мен барча инсонларнинг Раббидан,**

**барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан** (менга) **ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган,** (қачон Аллоҳнинг номи зикр қилинганида) **чекиниб яшириниб оладиган васвасачи шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман.** [Ан-нос сураси]

ويقْرَأ آيةَ الكُرسيّ عقِبَ كلِّ صلاةٍ.

Ҳар намоздан сўнг Оятал–курсийни ўқийди. **Оятал–курсийни ҳар намоздан кейин ўқийдиган кишини жаннатга киришдан фақат ўлимгина тўсиб туради**. [Насоий. Албоний саҳиҳ деган]

﴿ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْحَىُّ ٱلْقَيُّومُ ۚ لَا تَأْخُذُهُۥ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ ۚ لَّهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۗ مَن ذَا ٱلَّذِى يَشْفَعُ عِندَهُۥٓ إِلَّا بِإِذْنِهِۦ ۚ يَعْلَمُ مَا

بَيۡنَ أَيۡدِيهِمۡ وَمَا خَلۡفَهُمۡۖ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيۡءٖ
مِّنۡ عِلۡمِهِۦٓ إِلَّا بِمَا شَآءَۚ وَسِعَ كُرۡسِيُّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ
وَٱلۡأَرۡضَۖ وَلَا يَـُٔودُهُۥ حِفۡظُهُمَاۚ وَهُوَ ٱلۡعَلِيُّ
ٱلۡعَظِيمُ ٢٥٥

**6. Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай** (барҳақ) **илоҳ йўқ. Фақат Унинг ўзи барҳақдир. У Ҳай – Тирикдир, Қайюм – барча нарса устида қоимдир. Уни на мудроқ, на уйқу олади. Самовот ва ердаги бор нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида ҳеч ким** (бировни) **Унинг изнисиз шафоат қила олмайди. У уларнинг** (барча махлуқларнинг) **олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани** (яъни дунё ва охиратдаги ҳолларини) **билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг курсиси осмонлару ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюкдир.** [Бақара: 255]

«لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَشَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ»

7. **«Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир.** (У) **ҳаёт беради ва** (У) **ўлдиради. У ҳар бир нарсага қодир».** Шом ва бомдод намозларидан сўнг 10 марта айтилади. [Термизий ва Аҳмад]

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عِلْماً نَافِعاً، وَرِزْقاً طَيِّباً، وَعَمَلاً مُتَقَبَّلاً» بَعْدَ السَّلاَمِ مِنْ صَلاَةِ الْفَجْرِ.

8. **«Ё Аллоҳ! Мен Сендан фойдали илм, ҳалол ризқ ва мақбул амал сўрайман».** Бомдод намозидан салом берилгандан сўнг айтилади. [Ибн Можа ва бошқалар].

## 26. «Истихора» намозининг дуоси

قَالَ جَابِرُ بْنُ عَبْدِ اللهِ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: كَانَ رَسُولُ اللهِ ﷺ يُعَلِّمُنَا الاِسْتِخَارَةَ فِي الأُمُورِ كُلِّهَا كَمَا يُعَلِّمُنَا السُّورَةَ مِنَ الْقُرْآنِ، يَقُولُ: إِذَا هَمَّ أَحَدُكُمْ بِالأَمْرِ فَلْيَرْكَعْ رَكْعَتَيْنِ مِنْ غَيْرِ الْفَرِيْضَةِ، ثُمَّ لْيَقُلْ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْتَخِيرُكَ بِعِلْمِكَ، وَأَسْتَقْدِرُكَ بِقُدْرَتِكَ، وَأَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ الْعَظِيمِ، فَإِنَّكَ تَقْدِرُ وَلاَ أَقْدِرُ، وَتَعْلَمُ وَلاَ أَعْلَمُ، وَأَنْتَ عَلاَّمُ الْغُيُوبِ، اللَّهُمَّ إِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الأَمْرَ – ويسمّي حاجته – خَيْرٌ لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي – أو قَالَ: عَاجِلِهِ وَآجِلِهِ – فَاقْدُرْهُ لِي وَيَسِّرْهُ لِي ثُمَّ بَارِكْ لِي فِيهِ، وَإِنْ كُنْتَ تَعْلَمُ أَنَّ هَذَا الأَمْرَ شَرٌّ

لِي فِي دِينِي وَمَعَاشِي وَعَاقِبَةِ أَمْرِي – أو قَالَ: عَاجِلِه وَآجِلِهِ – فَاصْرِفْهُ عَنِّي وَاصْرِفْنِي عَنْهُ وَاقْدُرْ لِيَ الْخَيْرَ حَيْثُ كَانَ ثُمَّ أَرْضِنِي بِهِ».

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга барча ишларда истихора (яхшилик тилаш)ни худди Қуръондан сура ўргатганлари каби ўргатар эдилар. Айтардилар: **Бироргангиз бир иш қилишни дилига тугса, фарз намозидан бошқа 2 ракаат** (нафл) **намоз ўқисинда, сўнгра айтсин: «Эй Аллоҳ! Мен Сенинг илминг билан Сендан истихора этаман – яхшиликни сўрайман. Сенинг қудратинг билан Сендан қудрат–қодирлик тилайман. Сендан улуғ фазлинг билан сўрайман. Сен қодирсан, мен қодир эмасман. Сен** (ҳамма нарсани) **билувчисан, мен билувчи эмасман. Сен ғайбларнида билувчидирсан. Эй Аллоҳ,**

**агар мана шу ишни –** ҳожатининг номини айтади **– мен учун динимда, ҳаётимда ва оқибатимда – ёки дунёйимда ва охратимда** (дейди) **– яхши эканлигини билсанг, мени унга қодир эт ва уни менга осон қил. Сўнг уни менга баракотли эт. Агар бу ишни мен учун динимда, ҳаётимда ва оқибатимда – ёки дунёйимда ва охратимда – ёмон эканлигини билсанг, мени ундан узоқлаштир–четлат. Қаерда бўлса ҳам менга яхшиликни насиб эт. Сўнг мени бу яхшилик билан рози қил».** [Бухорий]

وَمَا نَدِمَ مَنِ اسْتَخَارَ الْخَالِقَ، وَشَاوَرَ الْمَخْلُوقِيْنَ الْمُؤْمِنِيْنَ، وَتَثَبَّتَ فِي أَمْرِهِ، فَقَدْ قَالَ سُبْحَانَهُ: ﴿وَشَاوِرْهُمْ فِي ٱلْأَمْرِ ۖ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى ٱللَّهِ ۚ﴾

Аллоҳдан яхшилик тилаган – истихора этган, мўминлар билан маслаҳатлашган ва ўз ишида

эҳтиёткорлик қилган ҳеч бир киши афсус–надомат қилмаган. Зеро Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасининг 159-оятида айтади:

**«Ва ишларингизда уларга маслаҳат солинг! Энди** (маслаҳат қилгач, бирон ишни) **қасд қилсангиз, Аллоҳга суянинг — таваккал қилинг!»**

## 27. Эрталаб айтиладиган зикрлар

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Бомдод намозидан то қуёш чиққунга қадар Аллоҳни зикр қилиб ўтирувчилар билан ўтириш мен учун Исмоил фарзандларидан тўрттасини озод этишдан** (ҳам) **суюклироқ. Аср намозидан кейин то қуёш ботгунга довур Аллоҳни зикр қиладиган қавм билан ўтириш мен учун яна тўрттасини озод этишдан** (ҳам) **суюклироқ».**

[Абу Довуд. Албоний ҳасан деган]

Эрталабки ва кечки дуолар ҳадисда зикр қилинган пайтларда айтилади.

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ وَحْدَهُ، وَالصَّلاَةُ وَالسَّلاَمُ عَلَى مَنْ لاَ نَبِيَّ بَعْدَهُ.

**1. Ҳамд ёлғиз Аллоҳникидир. Ундан сўнг набий бўлмаган зотга салавоту–саломлар!**

**2. Оят–ал–Курсийни ўқийди:**

﴿ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلْحَيُّ ٱلْقَيُّومُ ۚ لَا تَأْخُذُهُۥ سِنَةٌ وَلَا نَوْمٌ ۚ لَّهُۥ مَا فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِى ٱلْأَرْضِ ۗ مَن ذَا ٱلَّذِى يَشْفَعُ عِندَهُۥٓ إِلَّا بِإِذْنِهِۦ ۚ يَعْلَمُ مَا بَيْنَ أَيْدِيهِمْ وَمَا خَلْفَهُمْ ۖ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَىْءٍ مِّنْ عِلْمِهِۦٓ إِلَّا بِمَا شَآءَ ۚ وَسِعَ كُرْسِيُّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضَ ۖ وَلَا يَـُٔودُهُۥ حِفْظُهُمَا ۚ وَهُوَ ٱلْعَلِىُّ ٱلْعَظِيمُ ٢٥٥ ﴾

**Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай** (барҳақ) **илоҳ йўқ. Фақат Унинг ўзи барҳақдир. У Ҳай – Тирикдир, Қайюм – барча нарса устида қоимдир. Уни на мудроқ, на уйқу олади. Самовот ва ердаги бор нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида ҳеч ким** (бировни) **Унинг изнисиз шафоат қила олмайди. У уларнинг** (барча махлуқларнинг) **олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани** (яъни дунё ва охиратдаги ҳолларини) **билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг курсиси осмонлару ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюкдир.** [Бақара: 255]

Ким уни тонг отганда ўқиса, то кун ботгунга қадар жинлардан ҳимояланган бўлади. Ким уни кеч кирганда ўқиса, то тонг отгунга қадар жинлардан ҳимояланган бўлади. [Ҳоким ривоят қилган. Албоний саҳиҳ деган ва буни Насоий ҳамда Табаронийга нисбатини берган]

**3. «Ихлос», «Фалақ» ва «Ан-нос» сураларини ўқийди.**



﴿ قُلۡ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ ١ ٱللَّهُ ٱلصَّمَدُ ٢ لَمۡ يَلِدۡ وَلَمۡ يُولَدۡ ٣ وَلَمۡ يَكُن لَّهُۥ كُفُوًا أَحَدُۢ ٤ ﴾

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**, айтинг: У – Аллоҳ бирдир** (яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир, У якка ёлғиздир)**. Аллоҳ** (барча ҳожатлар билан) **кўзланувчидир** (яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир)**. У туғмаган ва туғилмагандир** (яъни, Аллоҳнинг ўғил–қизи ҳам, ота–онаси ҳам йўқдир)**. Ва ҳеч ким Унга тенг эмас.** [Ихлос сураси]

﴿ قُلۡ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلۡفَلَقِ ١ مِن شَرِّ مَا خَلَقَ ٢ وَمِن شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ٣ وَمِن شَرِّ ٱلنَّفَّٰثَٰتِ فِي ٱلۡعُقَدِ ٤ وَمِن شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ٥ ﴾

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: Мен тонг Раббидан** (менга) **Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан, тугунларга дам солувчи** (жодугар)**ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйларнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қиламан.** [Фалақ сураси]

﴿ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلنَّاسِ ۝١ مَلِكِ ٱلنَّاسِ ۝٢
إِلَٰهِ ٱلنَّاسِ ۝٣ مِن شَرِّ ٱلْوَسْوَاسِ ٱلْخَنَّاسِ ۝٤
ٱلَّذِى يُوَسْوِسُ فِى صُدُورِ ٱلنَّاسِ ۝٥ مِنَ ٱلْجِنَّةِ
وَٱلنَّاسِ ۝٦ ﴾

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**, айтинг: Мен барча инсонларнинг Раббидан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан** (менга) **ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган,** (қачон

Аллоҳнинг номи зикр қилинганида) **чекиниб яшириниб оладиган васвасачи шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман.** [Ан-нос сураси]

Ким бу сураларни тонг отганда ва кун ботганда уч мартадан ўқиса, Аллоҳ уни ҳамма нарсадан кифоялантиради–сақлайди. [Абу Довуд ва Термизий]

«أَصْبَحْنَا وَأَصْبَحَ الْمُلْكُ لِلّٰهِ، وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ وَحْدَهُ لا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، رَبِّ أَسْأَلُكَ خَيْرَ مَا فِي هَذَا الْيَوْمِ، وَخَيْرَ مَا بَعْدَهُ، وَأَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ هَذَا الْيَوْمِ، وشَرِّ مَا بَعْدَهُ، رَبِّ أَعُوْذُ بِكَ مِنَ الْكَسَلِ وسُوءِ الكِبَرِ، رَبِّ أَعُوْذُ بِكَ مِنْ عَذَابٍ فِي النَّارِ وَعَذَابٍ فِي الْقَبْرِ».

**4. Тонг оттирдик ва Аллоҳнинг бутун мулки** (ҳам) **тонг оттирди. Ҳамд Аллоҳникидир. Аллоҳдан ўзга** (барҳақ) **маъбуд йўқ. У ёлғиз, шериксиз зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодир. Эй Аллоҳ! Мен Сендан бу кундаги ва ундан кейиндаги яхшиликни сўрайман. Бу кундаги ва ундан кейиндаги ёмонликдан паноҳ беришингни сўрайман. Эй Раббим, мен Сендан ялқовликдан ва ёмон қаришдан паноҳ беришингни сўраб илтижо қиламан. Эй Раббим! Менга дўзах ҳамда қабр азобидан паноҳ бер!** [Муслим]

«اللّٰهُمَّ بِكَ أَصْبَحْنَا، وَبِكَ أَمْسَيْنَا، وَبِكَ نَحْيَا، وَبِكَ نَمُوتُ، وَإِلَيْكَ النُّشُوْرُ».

**5. Эй Аллоҳ! Сен** (инг ҳифзу-ҳимоянгда, неъматларингга чўмиб, зикринг ила машғул бўлиб) **тонг оттирдик, Сен** (инг ҳифзу-ҳимоянгда, неъматларингга чўмиб, зикринг

ила машғул бўлиб) **кечкиртирдик. Мана шу ҳолда яшаймиз ва мана шу ҳолда ҳаётдан кўз юмамиз. Қайта тирилиб бориш Сенинг ҳузурингадир.** [Термизий]

«اللّٰهُمَّ أَنْتَ رَبِّي، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ، خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ، وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ، أَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ، أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَأَبُوءُ بِذَنْبِي، فَاغْفِرْ لِي، فَإِنَّهُ لاَيَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلاَّ أَنْتَ».

**6. Эй Аллоҳ! Сен Раббимсан ва Сендан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Мен Сенинг қулингман. Мен қурбим етганича Сенинг** (алмийсоқда олган) **аҳд–паймонинг ва** (Пайғамбаринг тилида берган; ширк келтирмаган бандангни жаннатга киритиш) **ваъданг**(га эришиш) **да** (қўлимдан келганича тиришиб) **турибман. Ўзим қилган нарсалар ёмонлигидан**

**Сендан паноҳ беришингни тилайман. Сенинг менга берган неъматларингни ҳам, қилган гуноҳларимни ҳам эътироф этаман. Мени мағфират эт. Гуноҳларни фақат Сенгина кечирасан.**

Тонг отганда ушбу дуони чин дилдан ишониб айтган киши, шу кунда вафот этса, жаннатга киради. Кечда айтса ҳам шундай. [Бухорий]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَصْبَحْتُ أُشْهِدُكَ، وَأُشْهِدُ حَمَلَةَ عَرْشِكَ، وَمَلائِكَتَكَ، وَجَمِيعَ خَلْقِكَ، أَنَّكَ أَنْتَ اللّٰهُ لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ وَحْدَكَ لاَشَرِيكَ لَكَ، وَأَنَّ مُحَمَّداً عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ».

**7. Эй Аллоҳ! Тонгга етдим. Мен Сени, аршингни кўтариб турувчиларни, малоикаларингни ва бутун махлуқотингни гувоҳ қилиб айтаманки: Сен Аллоҳдирсан ва**

**Сендан ўзга ҳеч бир барҳақ илоҳ йўқ. Сен ёлғизсан ва Сенинг ҳеч қандай шеригинг йўқ! Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Сенинг бандангг ҳамда расулингдир.** (Тўрт марта айтилади).

Ким бу дуони тонгда ва кечда тўрт марта айтадиган бўлса, Аллоҳ уни дўзахдан озод қилади. [Бухорий, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Сунний]

«اللّٰهُمَّ مَا أَصْبَحَ بِي مِنْ نِعْمَةٍ، أَوْ بِأَحَدٍ مِنْ خَلْقِكَ، فَمِنْكَ وَحْدَكَ لَاشَرِيكَ لَكَ، فَلَكَ الْحَمْدُ وَلَكَ الشُّكْرُ».

**8. Эй Аллоҳ! Менда ёки бандаларингдан қай бирида тонг отганда мавжуд ҳар бир неъмат фақат Сен тарафдандир. Сенинг ҳеч қандай шеригинг йўқ. Ҳамд ҳам, шукрона ҳам Сенингдир.** [Абу Довуд ва Насоий]

«اللّٰهُمَّ عَافِنِي فِي بَدَنِي، اللّٰهُمَّ عَافِنِي فِي سَمْعِي، اللّٰهُمَّ عَافِنِي فِي بَصَرِي، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ، اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوْذُ بِكَ مِنَ الْكُفْرِ، وَالْفَقْرِ، وأَعُوْذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ القَبْرِ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ».

**9. Эй Аллоҳ! Менинг баданимни, қулоғимни ва кўзимни соғлом қил – офият бер! Сендан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ! Эй Аллоҳ! Мен Сендан куфр ва фақирликдан паноҳ беришингни сўрайман. Қабр азобидан паноҳ тилайман. Сендан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ.** (Уч марта айтилади). [Бухорий, Абу Довуд ва Насоий]

«حَسْبِيَ اللهُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ هُوَ، عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ، وَهُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ».

**10. Аллоҳ менга кифоя қилувчидир. Ундан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Унга таваккал қилдим**

**ва У улкан аршнинг Раббидир.** (Етти марта айтилади).

Тонг ва кечда уни етти марта айтадиган кишининг дунё ва охиратга тегишли бўлган муҳим ишларига Аллоҳ ўзи кифоя қилади. [Ибн Сунний]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ، اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي دِينِي، وَدُنْيَايَ، وَأَهْلِي، وَمَالِي، اللّٰهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَاتِي، وَآمِنْ رَوْعَاتِي، اللّٰهُمَّ احْفَظْنِي مِنْ بَيْنِ يَدَيَّ، وَمِنْ خَلْفِي، وَعَنْ يَمِينِي، وَعَنْ شِمَالِي، وَمِنْ فَوْقِي، وَأَعُوذُ بِعَظَمَتِكَ أَنْ أُغْتَالَ مِنْ تَحْتِي».

**11. Эй Аллоҳ! Мен Сендан дунё ва охиратда афву–офият сўрайман. Эй Аллоҳ! Мен Сендан динимда, дунёйимда, аҳлимда ва**

**молимда афву-офият тилайман. Эй Аллоҳ! Менинг айбларимни беркит! Қўрқувимдан омонлик бер-кетказ. Эй Аллоҳ! Мени олдимдан ҳам, ортимдан ҳам, ўнгимдан ҳам, чапимдан ҳам, тепамдан ҳам Ўзинг сақла! Остимдан балога йўлиқишдан** (ер ютишидан) **Сенинг улуғлигингла паноҳ сўрайман.** [Абу Довуд ва Ибн Можа]

«اللّٰهُمَّ عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ، رَبَّ كُلِّ شَيْءٍ وَمَلِيكَهُ، أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ، أَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي، وَمِنْ شَرِّ الشَّيْطَانِ وَشِرْكِهِ، وَأَنْ أَقْتَرِفَ عَلَى نَفْسِي سُوءاً، أَوْ أَجُرَّهُ إِلَى مُسْلِمٍ».

**12. Ғайбу ошкорни билувчи, осмонлару ернинг яратувчиси, барча мавжудотнинг Рабби ва Малики-подшоҳи бўлган эй**

**Аллоҳ! Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга** (ҳақ) **маъбуд йўқ! Нафсимнинг ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлигидан ва унинг ширк** (келтиришга чақириб қиладиган васвасаси)**дан паноҳ беришингни илтижо қиламан. Ўзимга ёки бошқа бир муслимга ёмонлик етказишдан паноҳ тилайман.** [Термизий ва Абу Довуд]

«بِسْمِ اللهِ الَّذِي لاَيَضُرُّ مَعَ اسْمِهِ شَيْءٌ فِي الأَرْضِ وَلاَ فِي السَّمَاءِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ».

**13. Унинг исми билан бўлганда ерда ҳам, осмонда ҳам бирор нарса зарар бера олмайдиган Аллоҳ исми билан паноҳланаман. У эшитувчи, билувчи Зотдир.** (Уч марта айтилади).

Тонгда ва кечда шу дуони уч мартадан айтадиган кишига ҳеч нарса зарар етказмайди. [Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад]

«رَضِيتُ بِاللهِ ربًّا، وَبِالإِسْلامِ دِيناً، وَبِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَبِيًّا».

**14. Аллоҳни Раб деб, Исломни дин деб ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Набий деб рози бўлдим.** (Уч марта айтилади).

Тонгда ва кечда бу дуони уч мартадан айтиб юрувчи кишини қиёмат кунида рози этиш Аллоҳ зиммасига ҳақ бўлади. [Аҳмад, Насоий, Абу Довуд ва Термизий]

«يَا حَيُّ، يَا قَيُّومُ، بِرَحْمَتِكَ أَسْتَغِيثُ، أَصْلِحْ لِي شَأْنِي كُلَّهُ، وَلاَ تَكِلْنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةَ عَيْنٍ».

**15. Эй Ҳай, эй Қайюм! Сенинг раҳматинг билан мадад сўрайман. Менинг бутун шаъним–ишимни ўнгла ва мени бирон лаҳза**

**ҳам ўзимга топшириб қўйма.** [Ҳоким, Заҳабий саҳиҳ деган]

«أَصْبَحْنَا وَأَصْبَحَ الْمُلْكُ لِلَّهِ رَبِّ العَالَمِينَ،
اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَ هَذَا الْيَوْمِ: فَتْحَهُ،
وَنَصْرَهُ، وَنُورَهُ، وَبَرَكَتَهُ، وَهُدَاهُ، وأَعُوذُ بِكَ
مِنْ شَرِّ مَا فِيهِ، وَشرِّ مَا بَعْدَهُ».

**16. Биз ва бутун мулк оламлар Рабби Аллоҳники бўлиб тонг оттирдик. Эй Аллоҳ! Мен Сендан шу куннинг яхшилигини – фатҳини, ғалабасини, нурини, баракасини ва ҳидоятини тилайман. Сендан ундаги ва ундан кейинги ёмонликдан паноҳ беришингни сўрайман.** [Абу Довуд]

«أَصْبَحْنَا عَلَى فِطْرَةِ الإِسْلامِ، وَعَلَى كَلِمَةِ
الإِخْلاصِ، وَعَلَى دِينِ نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ ﷺ،

وَعَلَى مِلَّةِ أَبِينَا إِبْرَاهِيمَ حَنِيفاً مُسْلِماً وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ».

**17. Ислом фитратида, ихлос калимасида, набийййимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам динида ва отамиз Иброҳим миллатида** (бўлган ҳолда) **тонг оттирдик.** (У: Иброҳим) **ҳақиқий мусулмон бўлиб, мушриклардан эмасди.** [Аҳмад ва Ибн Сунний]

«سُبْحَانَ اللهِ وبِحَمْدِهِ».

**18. Аллоҳнинг ҳамди билан тасбеҳ айтаман.**

Ким тонгда ва кечда 100 мартадан айтган бўлса, қиёмат кунида фақат бу зикрни шунча миқдордан кўпроқ айтган кишигина ундан афзалроқ амал билан келиши мумкин. [Муслим]

«لاَإِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ وَحْدَهُ، لاَشَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ»

**19. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **маъбуд йўқ. У ёлғиз, шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодир зот.**

(Ўн марта ёки ялқовлик қилинса бир марта айтилади). [Насоий, Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад]

«لاَإِلَهَ إِلاَّ اللَّهُ وَحْدَهُ، لاَشَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ»

**20. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир! У барча нарсага қодир.** (Тонг отганда юз марта айтилади).

Буни бир кунда юз марта айтган кишининг савоби ўнта қулни озод қилишга тенг бўлади. Унга юзта ҳасанот ёзилиб, юзта хатоси

ўчирилади. Шу кун то кечгача бу зикр унинг учун шайтондан ҳимояловчи қўрғон–ҳимоя бўлади.Қиёмат кунида бу зикрни ундан кўра кўпроқ қилган кишигина ундан афзалроқ амал билан келади. [Бухорий ва Муслим]

«سُبْحَانَ اللهِ وبِحَمْدِهِ: عَدَدَ خَلْقِهِ، وَرِضَا نَفْسِهِ، وَزِنَةَ عَرْشِهِ، وَمِدَادَ كَلِمَاتِهِ».

**21. Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан покдир. Аллоҳга махлуқотлари ададича, дилининг ризолигича, аршининг вазнича ва калималарининг** (сонича) **миқдорича ҳамд ва тасбеҳлар айтаман.** (Уч марта айтилади). [Муслим]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عِلْماً نَافِعاً، وَرِزْقاً طَيِّباً، وَعَمَلاً مُتَقَبَّلاً».

**22. Эй Аллоҳ! Мен Сендан фойдали илм, покиза–ҳалол ризқ ва қабул бўладиган амал тилайман.** [Ибн Сунний ва Ибн Можа]

«أَسْتَغْفِرُ اللّٰهَ، وَأَتُوبُ إِلَيْهِ».

**23. Аллоҳдан истиғфор тилайман ва Унга тавба қиламан.** (Ҳар куни юз марта айтилади). [Бухорий ва Муслим]

«اللّٰهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ».

**24. Эй Аллоҳ! Набиййимиз Муҳаммадга салот ва саломлар эт.** (Ўн марта айтилади). [Табароний]

## 28. Кечки пайт айтиладиган зикрлар

اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ وَحْدَهُ، وَالصَّلاَةُ وَالسَّلاَمُ عَلَى مَنْ لاَ نَبِيَّ بَعْدَهُ.

**1. Ҳамд ёлғиз Аллоҳникидир. Ундан сўнг набий бўлмаган зотга салавоту-саломлар!**

**2. Оят-ал-Курсийни ўқийди:**

﴿ ٱللَّهُ لَآ إِلَٰهَ إِلَّا هُوَ ٱلۡحَيُّ ٱلۡقَيُّومُۚ لَا تَأۡخُذُهُۥ سِنَةٞ
وَلَا نَوۡمٞۚ لَّهُۥ مَا فِي ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَمَا فِي ٱلۡأَرۡضِۗ مَن ذَا
ٱلَّذِي يَشۡفَعُ عِندَهُۥٓ إِلَّا بِإِذۡنِهِۦۚ يَعۡلَمُ مَا بَيۡنَ أَيۡدِيهِمۡ
وَمَا خَلۡفَهُمۡۖ وَلَا يُحِيطُونَ بِشَيۡءٖ مِّنۡ عِلۡمِهِۦٓ إِلَّا بِمَا
شَآءَۚ وَسِعَ كُرۡسِيُّهُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلۡأَرۡضَۖ وَلَا يَـُٔودُهُۥ
حِفۡظُهُمَاۚ وَهُوَ ٱلۡعَلِيُّ ٱلۡعَظِيمُ ٢٥٥ ﴾

**Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай** (барҳақ) **илоҳ йўқ. Фақат Унинг ўзи барҳақдир. У Ҳай – Тирикдир, Қайюм – барча нарса устида қоимдир. Уни на мудроқ, на уйқу олади. Самовот ва ердаги бор нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида ҳеч ким** (бировни) **Унинг**

**изнисиз шафоат қила олмайди. У уларнинг** (барча махлуқларнинг) **олдиларидаги ва орқаларидаги бор нарсани** (яъни дунё ва охиратдаги ҳолларини) **билади. Ва улар У зотнинг илмидан фақат Ўзи истаган нарсаларнигина биладилар. Унинг курсиси осмонлару ердан кенгдир. Ва Уни осмонлар ва ерни ҳифзу ҳимоятда сақлаб туриш қийнамайди. У энг юксак ва буюкдир.** Бақара: 255**.**

Ким уни тонг отганда ўқиса, то кун ботгунга қадар жинлардан ҳимояланган бўлади. Ким уни кеч кирганда ўқиса, то тонг отгунга қадар жинлардан ҳимояланган бўлади. [Ҳоким ривоят қилган. Албоний саҳиҳ деган ва буни Насоий ҳамда Табаронийга нисбатини берган]

### 3. «Ихлос», «Фалақ» ва «Ан-нос» сураларини ўқийди.

﴿ قُلْ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ ۝١ ٱللَّهُ ٱلصَّمَدُ ۝٢ لَمْ يَلِدْ وَلَمْ يُولَدْ ۝٣ وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ كُفُوًا أَحَدٌۢ ۝٤ ﴾

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**, айтинг: У – Аллоҳ бирдир** (яъни, Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир, У якка ёлғиздир)**. Аллоҳ** (барча ҳожатлар билан) **кўзланувчидир** (яъни, барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир)**. У туғмаган ва туғилмагандир** (яъни, Аллоҳнинг ўғил–қизи ҳам, ота–онаси ҳам йўқдир)**. Ва ҳеч ким Унга тенг эмас.** [Ихлос сураси]

﴿ قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلْفَلَقِ ١ مِن شَرِّ مَا خَلَقَ ٢ وَمِن شَرِّ غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ٣ وَمِن شَرِّ ٱلنَّفَّـٰثَـٰتِ فِى ٱلْعُقَدِ ٤ وَمِن شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ٥ ﴾

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), **айтинг: Мен тонг Раббидан** (менга) **Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан, тугунларга дам солувчи** (жодугар)**ларнинг ёмонлиги-**

**дан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйларнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қиламан.** [Фалақ сураси]

﴿ قُلۡ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلنَّاسِ ۝١ مَلِكِ ٱلنَّاسِ ۝٢
إِلَٰهِ ٱلنَّاسِ ۝٣ مِن شَرِّ ٱلۡوَسۡوَاسِ ٱلۡخَنَّاسِ ۝٤
ٱلَّذِي يُوَسۡوِسُ فِي صُدُورِ ٱلنَّاسِ ۝٥ مِنَ ٱلۡجِنَّةِ
وَٱلنَّاسِ ۝٦ ﴾

(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам)**, айтинг: Мен барча инсонларнинг Роббидан, барча инсонларнинг Подшоҳидан, барча инсонларнинг Илоҳидан** (менга) **ўзи жин ва инсонлардан бўлган, инсонларнинг дилларига васваса соладиган,** (қачон Аллоҳнинг номи зикр қилинганида) **чекиниб яшириниб оладиган васвасачи шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман.** [Ан-нос сураси]

Ким бу сураларни тонг отганда ва кеч киргандa уч мартадан ўқиса, Аллоҳ уни ҳамма нарсадан кифоялантиради–сақлайди. [Абу Довуд ва Термизий]

«أَمْسَيْنَا وَأَمْسَى الْمُلْكُ لِلَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، رَبِّ أَسْأَلُكَ خَيْرَ مَا فِي هَذِهِ اللَّيْلَةِ، وَخَيْرَ مَا بَعْدَهَا، وَأَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ هَذِهِ اللَّيْلَةِ، وشَرِّ مَا بَعْدَهَا، رَبِّ أَعُوْذُ بِكَ مِنَ الْكَسَلِ وسُوءِ الكِبَرِ، رَبِّ أَعُوْذُ بِكَ مِنْ عَذَابٍ فِي النَّارِ وَعَذَابٍ فِي الْقَبْرِ».

**4. Кечга етдик ва Аллоҳнинг бутун мулки** (ҳам) **кечкиртирди. Ҳамд Аллоҳникидир. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодир. Эй Аллоҳ!**

**Мен Сендан бу тундаги ва ундан кейиндаги яхшиликни сўрайман. Бу тундаги ва ундан кейиндаги ёмонликдан паноҳ беришингни сўрайман. Эй Раббим, мен Сендан ялқовликдан ва ёмон қаришдан паноҳ беришингни сўраб илтижо қиламан. Эй Раббим! Менга дўзах ҳамда қабр азобидан паноҳ бер!** [Муслим]

«اللّٰهُمَّ بِكَ أَمْسَيْنَا، وَبِكَ أَصْبَحْنَا، وَبِكَ نَحْيَا، وَبِكَ نَمُوتُ، وَإِلَيْكَ الْمَصِيْرُ».

**5. Эй Аллоҳ! Сен** (инг неъматинг) **билан кечга етдик, Сен** (инг марҳаматинг) **билан тонгга етдик. Сен тирилтирасан ва Сен вафот топтирасан. Қайтиш Сенгадир.** [Термизий]

«اللّٰهُمَّ أَنْتَ رَبِّي، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ، خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ، وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ،

أَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ، أَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَأَبُـوءُ بِذَنْبِي، فَاغْفِرْ لِي، فَإِنَّهُ لاَيَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلاَّ أَنْتَ».

**6. Эй Аллоҳ! Сен Раббимсан ва Сендан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Мен Сенинг қулингман. Мен қурбим етганича Сенинг** (алмийсоқда олган) **аҳд–паймонинг ва** (Пайғамбаринг тилида берган; ширк келтирмаган бандангни жаннатга киритиш) **ваъданг**(га эришиш) **да** (қўлимдан келганича тиришиб) **турибман. Ўзим қилган нарсалар ёмонлигидан Сендан паноҳ беришингни тилайман. Сенинг менга берган неъматларингни ҳам, қилган гуноҳларимни ҳам эътироф этаман. Мени мағфират эт. Гуноҳларни фақат Сенгина кечирасан.**

Кеч кирганда ушбу дуони чин дилдан ишониб айтган киши, шу кечада вафот этса, жаннатга киради. Кундузи ҳам шундай. [Бухорий]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَمْسَيْتُ – أُشْهِدُكَ، وَأُشْهِدُ حَمَلَةَ عَرْشِكَ، وَمَلاَئِكَتَكَ، وَجَمِيعَ خَلْقِكَ، أَنَّكَ أَنْتَ اللهُ لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ وَحْدَكَ لاَشَرِيكَ لَكَ، وأَنَّ مُحَمَّداً عَبْدُكَ وَرَسُولُكَ».

**7. Эй Аллоҳ! Кечга етдим. Мен Сени, аршингни кўтариб турувчиларни, малоикаларингни ва бутун махлуқотингни гувоҳ қилиб айтаман-ки: Сен Аллоҳдирсан ва Сендан ўзга ҳеч бир барҳақ илоҳ йўқ. Сен ёлғизсан ва Сенинг ҳеч қандай шеригинг йўқ! Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам Сенинг бандангхамда расулингдир.** (Тўрт марта айтилади).

(Ким бу дуони тонгда ва кечда тўрт марта айтадиган бўлса, Аллоҳ уни дўзахдан озод қилади). [Бухорий, Абу Довуд, Насоий ва Ибн Сунний]

«اللّٰهُمَّ مَا أَمْسَى بِي مِنْ نِعْمَةٍ، أَوْ بِأَحَدٍ مِنْ خَلْقِكَ، فَمِنْكَ وَحْدَكَ لاَشَرِيكَ لَكَ، فَلَكَ الْحَمْدُ وَلَكَ الشُّكْرُ».

**8.Эй Аллоҳ! Менда ёки бандаларингдан қай бирида кеч кирганда мавжуд ҳар бир неъмат фақат Сен тарафдандир. Сенинг ҳеч қандай шеригинг йўқ. Ҳамд ҳам, шукрона ҳам Сенингдир.** [Абу Довуд ва Насоий]

«اللّٰهُمَّ عَافِنِي فِي بَدَنِي، اللّٰهُمَّ عَافِنِي فِي سَمْعِي، اللّٰهُمَّ عَافِنِي فِي بَصَرِي، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ، اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوْذُ بِكَ مِنَ الْكُفْرِ، وَالْفَقْرِ، وأَعُوْذُ بِكَ مِنْ عَذَابِ القَبْرِ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ».

**9. Эй Аллоҳ! Менинг баданимни, қулоғимни ва кўзимни соғлом қил – офият бер! Сендан**

**ўзга ҳеч қандай** (ҳақ) **илоҳ йўқ! Эй Аллоҳ! Мен Сендан куфр ва фақирликдан паноҳ беришингни сўрайман. Қабр азобидан паноҳ тилайман. Сендан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ.** (Уч марта айтилади). [Бухорий, Абу Довуд ва Насоий]

«حَسْبِيَ اللهُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ هُوَ، عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ، وَهُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ».

**10. Аллоҳ менга кифоя қилувчидир. Ундан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Унга таваккал қилдим ва У улкан Аршнинг Раббидир.** (Етти марта айтилади).

(Тонг ва тунда уни етти марта айтадиган кишининг дунё ва охиратга тегишли бўлган муҳим ишларига Аллоҳ ўзи кифоя қилади). [Ибн Сунний]

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ فِي الدُّنْيَا وَالآخِرَةِ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَفْوَ وَالْعَافِيَةَ

فِي دِينِي، وَدُنْيَايَ، وَأَهْلِي، وَمَالِي، اللّٰهُمَّ اسْتُرْ عَوْرَاتِي، وَآمِنْ رَوْعَاتِي، اللّٰهُمَّ احْفِظْنِي مِنْ بَيْنِ يَدَيَّ، وَمِنْ خَلْفِي، وَعَنْ يَمِينِي، وَعَنْ شِمَالِي، وَمِنْ فَوْقِي، وَأَعُوذُ بِعَظَمَتِكَ أَنْ أُغْتَالَ مِنْ تَحْتِي».

**11. Эй Аллоҳ! Мен Сендан дунё ва охиратда афву–офият сўрайман. Эй Аллоҳ! Мен Сендан динимда, дунёйимда, аҳлимда ва молимда афву–офият тилайман. Эй Аллоҳ! Менинг айбларимни беркит! Қўрқувимдан омонлик бер-кетказ. Эй Аллоҳ! Мени олдимдан ҳам, ортимдан ҳам, ўнгимдан ҳам, чапимдан ҳам, тепамдан ҳам Ўзинг сақла! Остимдан балога йўлиқишдан** (ер ютишидан) **Сенинг улуғлигингла паноҳ сўрайман.** [Абу Довуд ва Ибн Можа]

«اللّٰهُمَّ عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ، فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ، رَبَّ كُلِّ شَيْءٍ وَمَلِيكَهُ، أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ، أَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي، وَمِنْ شَرِّ الشَّيْطَانِ وَشِرْكِهِ، وَأَنْ أَقْتَرِفَ عَلَى نَفْسِي سُوءاً، أَوْ أَجُرَّهُ إِلَى مُسْلِمٍ».

**12. Ғайбу ошкорни билувчи, осмонлару ернинг яратувчиси, барча мавжудотнинг Рабби ва Малики–подшоҳи бўлган эй Аллоҳ! Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга** (ҳақ) **маъбуд йўқ! Нафсимнинг ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлигидан ва унинг ширк** (келтиришга чақириб қиладиган васвасаси)**дан паноҳ беришингни илтижо қиламан. Ўзимга ёки бошқа бир муслимга ёмонлик етказишдан паноҳ тилайман.** [Термизий ва Абу Довуд]

«بِسْمِ اللهِ الَّذِي لاَيَضُرُّ مَعَ اسْمِهِ شَيْءٌ فِي الأَرْضِ وَلاَ فِي السَّمَاءِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ».

**13. Унинг исми билан бўлганда ерда ҳам, осмонда ҳам бирор нарса зарар бера олмайдиган Аллоҳ исми билан паноҳланаман. У эшитувчи, билувчи Зотдир.** Уч марта айтилади.

Тонгда ва кечда шу дуони уч мартадан айтадиган кишига ҳеч нарса зарар етказмайди. [Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад]

«رَضِيتُ بِاللهِ رباً، وَبِالإِسْلامِ دِيناً، وَبِمُحَمَّدٍ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَبِيًّا».

**14. Аллоҳни Раб деб, Исломни дин деб ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни набий деб рози бўлдим.** (Уч марта айтилади).

Тонгда ва кечда бу дуони уч мартадан айтиб юрувчи кишини қиёмат кунида рози этиш Аллоҳ зиммасига ҳақ бўлади. [Аҳмад, Насоий, Абу Довуд ва Термизий]

«يَا حَيُّ، يَا قَيُّومُ، بِرَحْمَتِكَ أَسْتَغِيثُ، أَصْلِحْ لِي شَأْنِي كُلَّهُ، وَلاَ تَكِلْنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةَ عَيْنٍ».

**15. Эй Ҳай, эй Қайюм! Сенинг раҳматинг билан мадад сўрайман. Менинг бутун шаъним–ишимни ўнгла ва мени бирон лаҳза ҳам ўзимга топшириб қўйма.** [Ҳоким. Заҳабий саҳиҳ деган]

«أَمْسَيْنَا وَأَمْسَى الْمُلْكُ لِلَّهِ رَبِّ العَالَمِينَ، اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَ هَذِهِ اللَّيْلَةِ: فَتْحَهَا، وَنَصْرَهَا، وَنُورَهَا، وَبَرَكَتَهَا،

وَهُدَاهَا، وأَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا فِيهَا، وَشرِّ مَا بَعْدَهَا».

**16. Биз ва бутун мулк оламлар парвардигори Аллоҳники бўлиб кечга етдик. Ё Аллоҳ! Мен Сендан шу кечанинг яхшилигини – фатҳини, ғалабасини, нурини, баракасини ва ҳидоятини тилайман. Сендан ундаги ва ундан кейинги ёмонликдан паноҳ беришингни сўрайман.** [Абу Довуд]

«أَمْسَيْنَا عَلَى فِطْرَةِ الإِسْلامِ، وَعَلَى كَلِمَةِ الإِخْلاصِ، وَعَلَى دِينِ نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ ﷺ، وَعَلَى مِلَّةِ أَبِينَا إِبْرَاهِيمَ حَنِيفاً مُسْلِماً وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ».

**17. Ислом фитратида, ихлос калимасида, набийимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи**

**васаллам динида ва отамиз Иброҳим миллатида** (бўлган ҳолда) **кечга кирдик.** (У: Иброҳим) **ҳақиқий мусулмон бўлиб, мушриклардан эмасди.** [Аҳмад ва Ибн Сунний]

«سُبْحَانَ اللّٰهِ وبِحَمْدِهِ».

**18. Аллоҳнинг ҳамди билан тасбеҳ айтаман.**

Ким тонгда ва кечда 100 мартадан айтган бўлса, қиёмат кунида фақат бу зикрни шунча миқдордан кўпроқ айтган кишигина ундан афзалроқ амал билан келиши мумкин. [Муслим]

«لاَإِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ وَحْدَهُ، لاَشَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ».

**19. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **маъбуд йўқ. У ёлғиз, шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодир зот.**

(Ўн марта ёки ялқовлик қилинса бир марта айтилади). [Насоий, Абу Довуд, Ибн Можа ва Аҳмад]

«أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللّٰهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ» ثَلاَثَ مَرَّاتٍ إِذَا أَمْسَى.

**20. Аллоҳнинг мукаммал сўзлари билан яратганларининг ёмонлигидан паноҳ тилайман.** (Уч марта).

Шу дуони кеч кирганда уч марта ўқиган кишига туннинг заҳари-зарари етмайди. [Аҳмад, Насоий, Термизий ва Ибн Можа]

«اللّٰهُمَّ صَلِّ وَسَلِّمْ عَلَى نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ».

**21. Эй Аллоҳ! Набийимиз Муҳаммадга салот ва саломлар эт.** (Ўн марта айтилади). [Табароний]

## 29. Ухлаш олдидан айтиладиган зикрлар

يَجْمَعُ كَفَّيْهِ ثُمَّ يَنْفُثُ فِيْهِمَا فَيَقْرَأُ فِيْهِمَا: ﴿قُلْ هُوَ اللّٰهُ أَحَدٌ﴾. و﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ الْفَلَقِ﴾ و﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ النَّاسِ﴾.

**1. Кафтларини жуфтлаб, уларга дам–нафас уради ва уларга «Ихлос», «Фалақ» ҳамда «Ан-нос» сураларини ўқийди** (маънолари юқорида ўтди)**.**

ثُمَّ يَمْسَحُ بِهِمَا مَا اسْتَطَاعَ مِنْ جَسَدِهِ، يَبْدَأُ بِهِمَا عَلَى رَأْسِهِ وَوَجْهِهِ وَمَا أَقْبَلَ مِنْ جَسَدِهِ» يَفْعَلُ ذَلِكَ ثَلاَثَ مَرَّاتٍ.

**2. Сўнгра кафтларини имкон етган қадар баданига суртиб чиқади. Боши, юзи ва олд**

**томонидан бошлайди.** (Уч марта такрорлайди). [Бухорий ва Муслим]

**3. «Оятал курсий» Бақара: 255-оятни ўқийди.** (Таржимаси юқорида ўтди).

Жойига ётганида шу оятни ўқиган кишига Аллоҳ томонидан бир қўриқловчи бўлади ва тонггача унга шайтон яқин йўлай олмайди. [Бухорий]

﴿ ءَامَنَ ٱلرَّسُولُ بِمَآ أُنزِلَ إِلَيۡهِ مِن رَّبِّهِۦ
وَٱلۡمُؤۡمِنُونَۚ كُلٌّ ءَامَنَ بِٱللَّهِ وَمَلَٰٓئِكَتِهِۦ وَكُتُبِهِۦ
وَرُسُلِهِۦ لَا نُفَرِّقُ بَيۡنَ أَحَدٖ مِّن رُّسُلِهِۦۚ وَقَالُواْ
سَمِعۡنَا وَأَطَعۡنَاۖ غُفۡرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيۡكَ ٱلۡمَصِيرُ ٢٨٥
لَا يُكَلِّفُ ٱللَّهُ نَفۡسًا إِلَّا وُسۡعَهَاۚ لَهَا مَا كَسَبَتۡ
وَعَلَيۡهَا مَا ٱكۡتَسَبَتۡۗ رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذۡنَآ إِن نَّسِينَآ
أَوۡ أَخۡطَأۡنَاۚ رَبَّنَا وَلَا تَحۡمِلۡ عَلَيۡنَآ إِصۡرٗا كَمَا

حَمَلۡتَهُۥ عَلَى ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِنَاۚ رَبَّنَا وَلَا تُحَمِّلۡنَا مَا
لَا طَاقَةَ لَنَا بِهِۦۖ وَٱعۡفُ عَنَّا وَٱغۡفِرۡ لَنَا وَٱرۡحَمۡنَآۚ
أَنتَ مَوۡلَىٰنَا فَٱنصُرۡنَا عَلَى ٱلۡقَوۡمِ ٱلۡكَٰفِرِينَ ﴿٢٨٦﴾

**4. Пайғамбар ўзига Раббидан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўъминлар** (ҳам иймон келтирдилар)**. Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши** (айтди)**: «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Ва «Эшитдик ва итоат этдик. Эй Раббимиз, гуноҳларимизни мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз», – дедилар. Аллоҳ ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмайди.** (Ҳар кимнинг) **қилган** (яхши) **амали ўзи учундир ва** (ёмон) **амали ҳам ўзининг бўйнигадир. Эй Раббимиз, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!**

**Эй Раббимиз, бизларнинг зиммамизга биздан илгари ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Эй Раббимиз, бизларга тоқатимиз етмайдиган нарсани юклама! Бизларни афв эт,** (гуноҳларимизни) **мағфират қил,** (ҳолимизга) **раҳм айла! Ўзинг ҳожамизсан! Бас, бу кофир қавм устига Ўзинг бизни ғолиб қил!** [Бақара: 285, 286-оятлар]

Юқоридаги икки оятни ким кечаси ўқиса, унга шу иккиси кифоя қилади. [Бухорий ва Муслим]

«بِاسْمِكَ رَبِّي وَضَعْتُ جَنْبِي، وَبِكَ أَرْفَعُهُ، فَإِنْ أَمْسَكْتَ نَفْسِي فَارْحَمْهَا، وَإِنْ أَرْسَلْتَهَا فَاحْفَظْهَا بِمَا تَحْفَظُ بِهِ عِبَادَكَ الصَّالِحِينَ».

**5. Эй Раббим! Сенинг номинг билан ётдим ва сенинг номинг билан тураман. Агар менинг жонимни оладиган бўлсанг, унга раҳм эт. Агар яшатадиган бўлсанг, уни солиҳ бандаларингни сақлайдиган нарса билан ҳифзу ҳимоя эт.**

Агар бирорталарингиз жойидан туриб, сўнг қайтиб келса, кийимининг этаги билан уни уч бор силтасин – супурсин ва Аллоҳ номини тилга олсин. Чунки у ўрнида нима қолганлигини билмайди. Сўнг (юқоридаги дуони) айтсин: ...

«اللّٰهُمَّ إِنَّكَ خَلَقْتَ نَفْسِي وَأَنْتَ تَوَفَّاهَا، لَكَ مَمَاتُهَا وَمَحْيَاهَا، إِنْ أَحْيَيْتَهَا فَاحْفَظْهَا، وَإِنْ أَمَتَّهَا فَاغْفِرْ لَهَا، اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْعَافِيَةَ».

**6. Эй Аллоҳ! Албатта, Сен менинг жонимни яратдинг ва Сен уни вафот топдирувчидирсан. Жонимнинг ҳаёти ҳам, мамоти ҳам Сен учундир. Агар уни яшатадиган бўлсанг, уни ҳифзу ҳимоя эт. Агар уни ўлдирадиган бўлсанг, мағфират қил. Эй Аллоҳ! Мен Сендан офият** (соғлик, саломатлик) **тилайман!**

[Муслим ва Аҳмад]

«اللّٰهُمَّ قِنِي عَذَابَكَ، يَوْمَ تَبْعَثُ عِبَادَكَ».

**7. Ё Аллоҳ! Бандаларингни қайта тирилтирадиган кунингда мени азобингдан сақла!** (Уч марта айтилади).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ётмоқчи бўлганларида ўнг қўлларини ёноқлари тагига қўяр ва (юқоридаги дуони) айтар эдилар). [Абу Довуд ва Термизий]

«بِاسْمِكَ اللّٰهُمَّ أَمُوتُ وَأَحْيَا».

**8. Эй Аллоҳ! Сенинг исминг билан ўлиб, Сенинг исминг билан яшайман.** [Бухорий ва Муслим]

«سُبْحَانَ اللهِ – ثَلاَثاً وَثَلاَثِيْنَ – وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ – ثَلاَثاً وَثَلاَثِيْنَ – وَاللهُ أَكْبَرُ – أَرْبَعاً وَثَلاَثِيْنَ».

**9. Субҳаналлоҳ – Аллоҳ** (барча айбу нуқсондан) **покдир.** (33 марта айтади)**. Алҳамду лиллаҳ – Аллоҳга ҳамд бўлсин.** (33 марта

айтади). **Аллоҳу акбар – Аллоҳ буюкроқдир.** (34 марта айтади).

Жойига ётганда шу дуони ўқиган кишига бир ходим (га эга бўлиш) дан ҳам яхшироқ бўлади. [Бухорий ва Муслим]

«اللّٰهُمَّ رَبَّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ، وَرَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، رَبَّنَا وَرَبَّ كُلِّ شَيْءٍ، فَالِقَ الْحَبِّ وَالنَّوَى وَمُنْزِلَ التَّوْرَاةِ وَالإِنْجِيلِ وَالْفُرْقَانِ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ كُلِّ شَيْءٍ أَنْتَ آخِذٌ بِنَاصِيَتِهِ، اللّٰهُمَّ أَنْتَ الأَوَّلُ فَلَيْسَ قَبْلَكَ شَيْءٌ، وَأَنْتَ الآخِرُ فَلَيْسَ بَعْدَكَ شَيْءٌ، وَأَنْتَ الظَّاهِرُ فَلَيْسَ فَوْقَكَ شَيْءٌ، وَأَنْتَ الْبَاطِنُ فَلَيْسَ دُونَكَ شَيْءٌ، اِقْضِ عَنَّا الدَّيْنَ وَأَغْنِنَا مِنَ الْفَقْرِ».

**10. Етти осмон Рабби, улуғ арш Рабби, бизнинг ҳамда барча нарсанинг Рабби, уруғу данакни ёрувчи-ундирувчи, Таврот, Инжил ҳамда Фурқон** (Қуръон)**ни нозил этувчи эй Аллоҳ! Сен пешонасидан тутган** (яъни, салтанатинг остидаги) **ҳар бир нарсанинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман. Эй Аллоҳ! Сен Аввалдирсан, Сендан олдин ҳеч нарса йўқ! Сен Охирдирсан, Сендан сўнг ҳеч нарса йўқ. Сен Зоҳирдирсан, Сенинг тепангда ҳеч нарса йўқ! Сен Ботиндирсан,** (яқиндирсан) **Сендан яқинда ҳеч нарса йўқ! Бизнинг зиммамиздан қарзни ўта ва бизни фақирликдан бой этгил.** [Муслим]

«الْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّـذِي أَطْعَمَنَا وَسَقَانَا، وَكَفَانَا، وَآوَانَا، فَكَمْ مِمَّنْ لاَ كَافِيَ لَهُ وَلاَ مُؤْوِيَ».

**11. Бизни едирган, ичирган, кифоя этган** (қараган, ҳимоялаган) **ва бошпана берган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Кифоя этувчиси, бош-**

**пана берувчиси бўлмаган қанча киши бор.** [Муслим]

**اللّٰهُمَّ عَالِمَ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ رَبَّ كُلِّ شَيْءٍ وَمَلِيكَهُ، أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ أَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي وَمِنْ شَرِّ الشَّيْطَانِ وَشِرْكِهِ، وَأَنْ أَقْتَرِفَ عَلَى نَفْسِي سُوءاً أَوْ أَجُرَّهُ إِلَى مُسْلِمٍ.**

**12. Ғайбу ошкорни билувчи, осмонлару ернинг яратувчиси, бутун мавжудотнинг Рабби ва Подшоҳи бўлган эй Аллоҳ! Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга ҳеч қандай** (барҳақ) **илоҳ йўқ! Нафсимнинг ёмонлигидан, шайтоннинг ёмонлигидан ва унинг ширк** (келтиришга чақириб қиладиган васвасаси)**дан, ўзимга ёки ўзга муслимга ёмонлик етказишдан паноҳ беришингни сўрайман.** [Абу Довуд ва Термизий]

يَقْرَأُ ﴿ آلٓمٓ ﴾ تَنْزِيْلَ السَّجْدَةِ، وَ ﴿ تَبَارَكَ الَّذِى بِيَدِهِ الْمُلْكُ﴾.

**13. «Сажда» ва «Таборак** (Мулк)**» сураларини ўқийди.** [Абу Довуд ва Термизий]

«اللّٰهُمَّ أَسْلَمْتُ نَفْسِي إِلَيْكَ، وَفَوَّضْتُ أَمرِي إِلَيْكَ، وَوَجَّهْتُ وَجْهِيَ إِلَيْكَ، وَأَلْجَأْتُ ظَهْرِي إِلَيْكَ، رَغْبَةً وَرَهْبَةً إِلَيْكَ، لاَ مَلْجَأَ وَلاَ مَنْجَا مِنْكَ إِلاَّ إِلَيْكَ، آمَنْتُ بِكِتَابِكَ الَّذِي أَنْزَلْتَ، وَبنَبِيِّكَ الَّذِي أَرْسَلْتَ».

**14. Эй Аллоҳ! Сенинг савобингни умид этиб, азобингдан қўрқиб ўзимни Сенга таслим этдим, ишимни Сенга топширдим–таваккал қилдим, Сенга юзландим ва Сенга суяндим. Сенинг уқубатингдан сендан бошқа ҳимоялайдиган йўқ, паноҳгоҳ ҳам фақат**

**Ўзингдир. Нозил этган китобингга, юборган набиййингга иймон келтирдим.** (Жойингни солгач, намозга олгандек таҳорат ол, сўнгра ўнг томонинг билан ётгинда ушбу дуони ўқи). Шу дуони ўқиган кишига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Агар ўлсанг фитрат** (Ислом ёки суннат)**да ўлган бўласан».** [Бухорий ва Муслим]

## 30. Кечаси у ёндан бу ёнга ағдарилганда ўқиладиган дуо

«لاَإِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْوَاحِدُ الْقَهَّارُ، رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالأَرْضِ وَمَا بَيْنَهُمَا العَزِيزُ الْغَفَّارُ».

(Мутлақ Ғолиб) **Қаҳҳор, осмонлар, ер ва улар ўртасидаги мавжудотлар Рабби Азиз** (қудратли) **ва Ғаффор** (кечирувчи) **бўлган ягона Аллоҳдан ўзга ҳеч бир** (ҳақ) **илоҳ йўқ.** [Насоий. Ҳоким ва Заҳабий саҳиҳ деган]

## 31. Уйқусида қўрққанда ва ваҳшатни сезганда ўқиладиган дуо

«أَعُوْذُ بِكَلِمَاتِ اللهِ التَّامَّاتِ مِنْ غَضَبِهِ وَعِقَابِهِ، وَشَرِّ عِبَادِهِ، وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ، وَأَنْ يَحْضُرُونِ».

**Аллоҳнинг мукаммал калималари билан Унинг ғазабидан, азобидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтонларнинг васвасаларидан ва менга ҳозир бўлишларидан паноҳ тилайман.** [Абу Довуд ва Термизий]

## 32. Ёмон туш кўрган киши нима қилади?

«يَنْفُثُ عَنْ يَسَارِهِ»«ثَلاَثاً».

**1. Чап томонига** (уч марта) **туфлайди.** [Муслим]

«يَستَعِيْذُ بِاللهِ مِنَ الشَّيْطَانِ، وَمِنْ شَرِّ مَا رَأَى» «ثَلاَثَ مَرَّاتٍ».

**2. Шайтондан ва кўрган нарсасининг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайди.** (Уч марта қилади). [Муслим]

«لاَ يُحَدِّثُ بِهَا أَحَداً».

**3. Кўрган тушини ҳеч кимга айтмайди.** [Муслим]

«يَتَحَوَّلُ عَنْ جَنْبِهِ الَّذِي كَانَ عَلَيْهِ».

**4. Бошқа томонга ағдарилиб ётади.** [Муслим]

«يَقُومُ يُصَلِّي إِنْ أَرَادَ ذَلِكَ».

**5. Агар хоҳласа туриб намоз ўқийди.** [Муслим]

## 33. Витрдаги қунут дуоси

«اللّٰهُمَّ اهْدِنِي فِيمَنْ هَدَيْتَ، وَعَافِنِي فِيمَنْ عَافَيْتَ، وَتَوَلَّنِي فِيمَنْ تَوَلَّيْتَ، وَبَارِكْ لِي فِيمَا أَعْطَيْتَ، وَقِنِي شَرَّ مَا قَضَيْتَ، فَإِنَّكَ تَقْضِي وَلاَ يُقْضَى عَلَيْكَ، إِنَّهُ لاَ يَذِلُّ مَنْ وَالَيْتَ، [وَلاَ يَعِزُّ مَنْ عَادَيْتَ]، تَبَارَكْتَ رَبَّنَا وَتَعَالَيْتَ».

**1. Эй Аллоҳ! Мени ҳидоят этган кишиларинг қатори ҳидоят эт. Офият** (соғлик ва балолардан саломатлик) **ато этганларинг қаторида офият бер. Ишларини бошқариб ислоҳ қилганларинг қаторида менинг ишларимни ҳам бошқариб, ислоҳ қил. Ато қилган нарсаларингни мен учун баракотли эт. Қазо–ҳукм этган нарсаларинг ёмонлигидан мени асра. Албатта, Сен ҳукм қиласан. Сенга** (қарши)

**ҳукм қилинмас. Сен дўст тутган киши хор бўлмас [ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас]. Эй Раббимиз! Сен баракотли–буюк ва олий Зотдирсан.** [Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа ва бошқалар]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِرِضَاكَ مِنْ سَخَطِكَ، وَبِمُعَافَاتِكَ مِنْ عُقُوبَتِكَ، وَبِكَ مِنْكَ لا أُحْصِي ثَنَاءً عَلَيْكَ، أَنْتَ كَمَا أَثْنَيْتَ عَلَى نَفْسِكَ».

**2. Эй Аллоҳ! Мен Сенинг розилигинг билан менга ғазаб қилишингдан, афву–кечиришинг билан мени азоблашингдан, Сендан Ўзингдан паноҳ беришингни тилайман. Сенга лойиқ бўлганинг каби ҳамду сано айтолмайман. Сен ўзингга сано айтганинг кабидирсан.** [Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа ва бошқалар]

«اللّٰهُمَّ إِيَّاكَ نَعْبُدُ، وَلَكَ نُصَلِّي وَنَسْجُدُ، وَإِلَيْكَ نَسْعَى وَنَحْفِدُ، نَرْجُو رَحْمَتَكَ، وَنَخْشَى عَذَابَكَ، إِنَّ عَذَابَكَ بِالْكَافِرِينَ مُلْحَقٌ.

اللّٰهُمَّ إِنَّا نَسْتَعِينُكَ، وَنَسْتَغْفِرُكَ، وَنُثْنِي عَلَيْكَ الْخَيْرَ، وَلاَ نَكْفُرُكَ، وَنُؤْمِنُ بِكَ، وَنَخْضَعُ لَكَ، وَنَخْلَعُ مَنْ يَكْفُرُكَ».

**3. Эй Аллоҳ! Сенга ибодат қиламиз ва Сен учун намоз ўқиб саждалар қиламиз. Сен томон** (яқин бўлиш учун) **ҳаракат этиб, Сенинг тоатингга ошиқамиз. Раҳматингдан умидвормиз, азобингдан қўрқамиз. Албатта, азобинг кофирларга етувчидир.**

**Эй Аллоҳ! Биз Сендан мадад сўраймиз, мағфират тилаймиз. Сенга яхши сано–мақтовлар айтамиз. Сенга кофир бўлмаймиз. Сенга иймон келтириб, итоат этамиз**

**ва Сенга кофир бўлган кимсаларни тарк қиламиз.** [Байҳақий. Албоний санадини саҳиҳ деган]

## 34. Витр намозида салом берилганидан сўнг айтиладиган зикр

«سُبْحَانَ الْمَلِكِ الْقُدُّوسِ»ثَلاَثَ مَرَّاتٍ، وَالثَّالِثَةُ يَجْهَرُ بِهَا وَيَمُدُّ بِهَا صَوْتَهُ، يَقُولُ: [ رَبِّ الْمَلائِكَةِ وَالرُّوحِ ]».

**Малик** (Подшоҳ) **Қуддус** (Улуғ ва пок Зот), **барча айбу нуқсондан покдир.**

Уч марта айтади. Учинчисида овозини чиқариб, чўзиброқ айтади ва давомида **[Малоикалар ҳамда Руҳ** (Жаброилнинг) **Рабби!]** дейди. [Насоий, Доракутний ва бошқалар. Қавс ичидаги қўшимча Доракутнийники]

## 35. Ташвиш ва маҳзунликда ўқиладиган дуо

«اللّٰهُمَّ إِنِّي عَبْدُكَ، ابْنُ عَبْدِكَ، ابْنُ أَمَتِكَ، نَاصِيَتِي بِيَدِكَ، مَاضٍ فِيَّ حُكْمُكَ، عَدْلٌ فِيَّ قَضَاؤُكَ، أَسْأَلُكَ بِكُلِّ اسْمٍ هُوَ لَكَ، سَمَّيْتَ بِهِ نَفْسَكَ، أَوْ أَنْزَلْتَهُ فِي كِتَابِكَ، أَوْ عَلَّمْتَهُ أَحَداً مِنْ خَلْقِكَ، أَوِ اسْتَأْثَرْتَ بِهِ فِي عِلْمِ الْغَيْبِ عِنْدَكَ، أَنْ تَجْعَلَ الْقُرْآنَ رَبِيعَ قَلْبِي، وَنُورَ صَدْرِي، وَجَلاءَ حُزْنِي وَذَهَابَ هَمِّي».

**1. Эй Аллоҳ! Албатта, мен Сенинг қулингдирман, қулингни ўғлиман, чўрингни ўғлиман. Пешонам қўлингда** (яъни, мен Сенинг салтанатинг–ҳукминг остидаман)**. Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Менинг устимдаги қазо** (амр–ҳукминг) **адолатдир. Сенинг**

**учун бўлган ҳар бир исм билан Сендан сўрайман. У исм билан Ўзингни номлаган эдинг ёки бирон китобингда нозил қилган эдинг ёки уни бирон бандангга билдиргандинг ёки Ўз олдингдаги ғайб илмида олиб қўйган эдинг. Шу исмларнинг ҳаммаси билан сўрайман. Қуръонни калбимнинг баҳори, кўнглимнинг нури, маҳзунлигимни кетиши** (кетказувчи) **ва ташвишимни кетиши** (аритувчи) **қил.** [Аҳмад. Албоний саҳиҳ деган]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ، وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَالْبُخْلِ وَالْجُبْنِ، وَضَلَعِ الدَّيْنِ وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ».

**2. Эй Аллоҳ! Мен Сендан ташвишу ғамдан, ожизликдан, ялқовликдан, бахилликдан, қўрқоқликдан, қарзнинг оғирлигидан ва кишиларнинг устимдан ғолиб бўлишидан паноҳ беришингни сўрайман .** (Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам бу дуони кўп айтар эдилар). [Бухорий]

## 36. Қайғу ғамда ўқиладиган дуолар

«لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ الْعَظِيمُ الْحَلِيمُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ رَبُّ السَّمَوَاتِ، وَرَبُّ الأَرْضِ، وَرَبُّ الْعَرْشِ الْكَرِيمُ».

**1. Улуғ, Ҳалим Аллоҳдан Ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Арш эгаси улуғ Аллоҳдан ўзга ҳеч** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Осмонлар Рабби, ернинг Рабби, аршнинг Рабби бўлган Карим Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ.** [Бухорий ва Муслим]

«اللَّهُمَّ رَحْمَتَكَ أَرْجُو، فَلا تَكِلْنِي إِلَى نَفْسِي طَرْفَةَ عَيْنٍ، وَأَصْلِحْ لِي شَأْنِي كَلَّهُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ».

**2. Эй Аллоҳ! Раҳматингдан умидворман. Мени бирон лаҳза ҳам ўзимга ташлаб қўйма. Менинг бутун шаънимни–ишларимни ўнгла. Сендан ўзга ҳеч қандай** (барҳақ) **илоҳ йўқ.** [Абу Довуд ва Аҳмад]

«لاَ إِلَـهَ إِلاَّ أَنْـتَ، سُبْحَانَكَ، إِنِّـي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ».

**3. Сендан ўзга ҳеч бир** (барҳақ) **маъбуд йўқ. Сен барча айбу нуқсондан пок Зотдирсан. Албатта, мен зулм қилувчилардан бўлдим.**

[Термизий ва Ҳоким]

«اللهُ اللهُ رَبِّي، لاَ أُشْرِكُ بِهِ شَيْئاً».

**4. Аллоҳ, Аллоҳ Роббим. Унга ҳеч бир нарсани шерик қилмасман.** [Абу Довуд ва Ибн Можа]

## 37. Душманга ва салтанат эгасига рўбарў келинганда айтиладиган дуолар

«اللّٰهُمَّ إِنَّا نَجْعَلُكَ فِي نُحُورِهِمْ، وَنَعُوذُ بِكَ مِنْ شُرُورِهِمْ».

**1. Эй Аллоҳ! Уларнинг қаршисига биз Сени қўйгаймиз ва Сендан уларнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўраймиз.** [Абу Довуд. Ҳоким саҳиҳ деган]

«اللّٰهُمَّ أَنْتَ عَضُدِي، وَأَنْتَ نَصِيرِي، بِكَ أَجُولُ، وَبِكَ أَصُولُ، وَبِكَ أُقَاتِلُ».

**2. Эй Аллоҳ! Ўзинг менга ёрдам берувчисан, Ўзинг менга нусрат берувчисан. Сенинг мададинг билан жавлон ураман,** (душманимга) **ташланаман. Сенинг мададинг билан жангга кираман!** [Абу Довуд ва Термизий]

«حَسْبُنَا اللّٰهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ».

**3. Аллоҳ бизга кифоядир! У нақадар яхши кифоя этувчи – сақловчи Зот!** [Бухорий]

## 38. Султоннинг зулмидан қўрққан–хавфда бўлган киши ўқийдиган дуолар

«اللّٰهُمَّ رَبَّ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ، وَرَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيْمِ، كُنْ لِي جَاراً مِنْ فُلاَنِ بْنِ فُلاَنٍ، وَأَحْزَابِهِ مِنْ خَلاَئِقِكَ، أَنْ يَفْرُطَ عَلَيَّ أَحَدٌ مِنْهُمْ أَوْ يَطْغَى، عَزَّ جَارُكَ، وَجَلَّ ثَنَاؤُكَ، وَلاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ».

**1. Етти осмоннинг Рабби, улуғ арш Рабби бўлган эй Аллоҳ! Фалончи ва яна Сенинг бандаларингдан бўлган унинг гуруҳидаги**

**кимсалардан бири менга озору азиятлар етказишидан, туғёнга тушишидан ҳимоячим бўл. Сенинг ҳимоянг қудратли ҳимоядир. Сенинг мақтовинг юксакдир. Сендан ўзга ҳеч қандай** (барҳақ) **илоҳ йўқ.**

[Бухорий]

«اللّٰهُ أَكْبَرُ، اللّٰهُ أَعَزُّ مِنْ خَلْقِهِ جَمِيْعاً، اللّٰهُ أَعَزُّ مِمَّا أَخَافُ وَأَحْذَرُ، أَعُوذُ بِاللّٰهِ الَّذِي لاَ إِلَهَ إِلاَّ هُوَ، الْمُمْسِكِ السَّمَاوَاتِ السَّبْعِ أَنْ يَقَعْنَ عَلَى الأَرْضِ إِلاَّ بِإِذْنِهِ، مِنْ شَرِّ عَبْدِكَ فُلاَنٍ، وَجُنُودِهِ، وَأَتْبَاعِهِ، وَأَشْيَاعِهِ، مِنَ الْجِنِّ وَالإِنْسِ، اللّٰهُمَّ كُنْ لِي جَاراً مِنْ شَرِّهِم، جَلَّ ثَنَاؤُكَ، وَعَزَّ جَارُكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ، وَلاَ إِلَهَ غَيْرُكَ».

**2. Аллоҳ буюкроқдир! Аллоҳ жамики махлуқотларидан қудратли – Азиз зотдир. У мен**

**қўрқаётган ва хавфланаётган кимсалардан қудратлироқдир! Яккаю ёлғиз илоҳ бўлган етти осмонни ер устига тушиб кетишидан тутиб турувчи – магар Унинг изни билан тушиши мумкин – Аллоҳдан фалончи бандангhамда унинг инсу жинлардан бўлган қўшинлари, эргашувчилари ва гуруҳларининг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо этаман. Эй Аллоҳ! Мени уларнинг шарри–ёмонлигидан асровчи ҳимоячим бўл. Сенинг мақтовинг юксак, ҳимоянг кучлидир. Сенинг исминг буюк–баракотлидир ва Сендан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ.** (Уч маротаба айтилади). [Бухорий]

## 39. Душманга қарата қилинадиган дуо

«اللّٰهُمَّ مُنْزِلَ الْكِتَابِ، سَرِيْعَ الْحِسَابِ، اِهْزِمِ الأَحْزَابَ، اللّٰهُمَّ اهْزِمْهُمْ وَزَلْزِلْهُمْ».

**Китоб нозил этувчи, ҳисобни тез қилувчи эй Аллоҳ!** (Душман) **гуруҳларини мағлуб эт. Эй Аллоҳ! Уларни мағлуб эт ва уларга зилзила – саросима сол.** [Муслим]

## 40. Одамлардан қўрққан вақтда ўқиладиган дуо

«اللّٰهُمَّ اكْفِنِيْهِمْ بِمَا شِئْتَ».

**Эй Аллоҳ! Мени Ўзинг хоҳлаган нарса билан улардан сақла!** [Муслим]

## 41. Иймонида шак-шубҳага бориб қолган киши дуоси

«يَسْتَعِيْذُ بِاللّٰهِ».

**1. Аллоҳдан «Аузу биллаҳи минаш-шайтонир рожим», деб паноҳ сўрайди.** [Бухорий ва Муслим]

«يَنْتَهِي عَمَّا شَكَّ فِيْهِ».

**2. Шубҳага борган нарсасидан ўзини тўхтатади** (у ҳақда ўйламайди). [Бухорий ва Муслим]

«يَقُولُ: آمَنْتُ بِاللهِ وَرُسُلِهِ».

**3. «Аллоҳга ва Унинг расулларига иймон келтирдим», деб айтади.** [Муслим]

يَقْرَأُ قَوْلَهُ تَعَالَى:

﴿ هُوَ ٱلۡأَوَّلُ وَٱلۡأٓخِرُ وَٱلظَّٰهِرُ وَٱلۡبَاطِنُۖ وَهُوَ بِكُلِّ شَيۡءٍ عَلِيمٌ ۝٣ ﴾

**4.** Ҳадид сурасидаги учинчи оятни ўқийди: **«У Аввалдир ва Охирдир ва Зоҳирдир ва Ботиндир ва У барча нарсани билувчидир».**

[Абу Довуд. Албоний ҳасан деган]

## 42. Қарзни тўлашда ўқиладиган дуолар

«اللّٰهُمَّ اكْفِنِي بِحَلالِكَ عَنْ حَرَامِكَ، وَأَغْنِنِي بِفَضْلِكَ عَمَّنْ سِوَاكَ».

**1. Эй Аллоҳ! Мени ҳалолинг билан ҳаромингдан сақла, тўс. Фазлу марҳаматинг билан ўзгалардан беҳожат эт.** [Термизий]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ، وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَالْبُخْلِ وَالْجُبْنِ، وَضَلَعِ الدَّيْنِ وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ»

**2. Эй Аллоҳ! Мен Сендан ташвишу ғамдан, ожизликдан, ялқовликдан, бахилликдан, қўрқоқликдан, қарзнинг оғирлигидан ва кишиларнинг ғолиб бўлиб кетишидан паноҳ беришингни сўрайман.** [Бухорий]

## 43. Намозда ва қироатда шайтон васваса қилганда ўқиладиган дуо

«أَعُوذُ بِاللهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيْمِ، وَاتْفُلْ عَلَى يَسَارِكَ»«ثَلاَثاً».

**«Аузу биллаҳи минаш-шайтонир рожим» «Тошбўрон қилинган шайтондан паноҳ тилаб Аллоҳга илтижо қиламан», деб чап томонингга уч марта туфла.** (Мана шундай этганимда Аллоҳ шайтонни мендан узоқлаштирди, деди Усмон ибн Абил Ос розияллоҳу анҳу). [Муслим]

## 44. Иши оғирлашган киши ўқийдиган дуо

«اللّٰهُمَّ لاَسَهْلَ إِلاَّ مَا جَعَلْتَهُ سَهْلاً، وَأَنْتَ تَجْعَلُ الْحَزْنَ إِذَا شِئْتَ سَهْلاً».

**Эй Аллоҳ! Фақат Сен енгил қилган нарсагина енгилдир. Агар Сен хоҳласанг, оғирлик–қаттиқликни ҳам енгил қилувчидирсан.** [Ибн Ҳиббон ва Ибн Сунний]

## 45. Бир гуноҳ ишни қилиб қўйган киши нима дейди ва нима қилади?

«مَا مِنْ عَبْدٍ يُذْنِبُ ذَنْباً فَيُحْسِنُ الطُّهُورَ، ثُمَّ يَقُومُ فَيُصَلِّي رَكْعَتَيْنِ، ثُمَّ يَسْتَغْفِرُ اللَّهَ، إِلاَّ غَفَرَ اللَّهُ لَهُ».

**Бирон–бир гуноҳ иш қилиб қўйган киши яхшилаб таҳорат олиб икки ракаат намоз ўқиб, сўнгра Аллоҳдан истиғфор сўраса, Аллоҳ албатта уни мағфират қилади.** [Абу Довуд ва Термизий. Албоний саҳиҳ деган]

## 46. Шайтон ва унинг васвасасини қувиш (ҳайдаш) дуоси

«اَلإِسْتِعَاذَةُ بِاللهِ مِنْهُ».

**1. Аллоҳ таолодан шайтондан паноҳ беришини сўраб «Аузу биллаҳи минаш-шайтонир рожим» дейди.** [Абу Довуд ва Термизий]

«اَلأَذَانُ».

**2. «Азон».** (Азон айтса шайтон қочади)**.** [Бухорий ва Муслим]

«اَلأَذْكَارُ وَقِرَاءَةُ الْقُرْآنِ».

**3.** (Шу китобда келтирилган барча) **зикрлар ва Қуръон тиловати** (шайтонни ҳайдайди)**.**

**(Уйларингизни мақбараларга айлантирмангиз, албатта, шайтон «Бақара» сураси ўқилган уйдан қочади).** [Муслим]

## 47. Ўзи хоҳламаган бир иш бўлса ёки кўзлаган нарсасига етолмаса ўқиладиган дуо

«قَدَرُ اللهِ وَمَا شَاءَ فَعَلَ».

**Аллоҳнинг тақдири. У ўз хоҳлаганини қилди.**

Кучли мўъмин (иродали, катъиятли, матонатли охират ишларида муҳаббатли – ғайратли мўъмин) Аллоҳга (мазкур сифатларда) кучсиз мўъминга нисбатан суюклироқ ва яхшироқдир. Ҳар иккисида ҳам (иймон келтирганлари сабабли) хайр – яхшилик бор. Ўзингга наф берадиган нарсаларга (Аллоҳнинг тоатига, Унинг ҳузуридаги нарсага интилишга) ҳарис бўл. Аллоҳдан мадад тила, заифлашма. (Унинг талабидан бўшашма, ялқовлик қилма). Мабодо сенга бирон нарса етадиган бўлса, «Агар бунақа қилганимда унақа бўларди», –деб айтма. Сен «Аллоҳнинг тақ-

дири. У ўз хоҳлаганини қилди», – деб айт. Албатта «агар» калимаси шайтон амалини очиб –бошлаб берувчи бўлади. [Муслим]

## 48. Фарзанд кўрган кишига айтиладиган муборакбод ва унинг жавоби

«بَارَكَ اللّٰهُ لَكَ فِي الْمَوْهُوبِ لَكَ، وَشَكَرْتَ الْوَاهِبَ، وَبَلَغَ أَشُدَّهُ، وَرُزِقْتَ بِرَّهُ».

وَيَـرُدُّ عَلَيْهِ الْمُهَنَّأُ فَيَقُولُ: «بَـارَكَ اللّٰهُ لَكَ، وَبَارَكَ عَلَيْكَ، وَجَزَاكَ اللّٰهُ خَيْراً، وَرَزَقَكَ اللّٰهُ مِثْلَهُ، وَأَجْزَلَ ثَوَابَكَ».

**Аллоҳ сизга қилинган тортиқни баракотли этсин! Берувчига шукроналар айтинг. Вояга етсин, яхшилигини кўринг!**

Муборакбод этилувчи шундай жавоб қайтаради: **Аллоҳ сизга ҳам баракотлар ато этсин. Яхши мукофотлар билан мукофотласин. Сизгада худди шундайини берсин. Савобингизни зиёда қилсин.** [Нававийнинг «Азкор» китобидан]

## 49. Болалар учун нима деб паноҳ тиланади?

«أُعِيذُكُمَا بِكَلِمَاتِ اللهِ التَّامَّةِ مِنْ كُلِّ شَيْطَانٍ وَهَامَّةٍ وَمِنْ كُلِّ عَيْنٍ لاَمَّةٍ».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳасан ва Ҳусайнга қуйидагича паноҳ тилар эдилар: **«Аллоҳнинг мукаммал калималари билан ҳар бир шайтондан, зарарли ҳашаротдан ҳамда ёмон кўз** (тегиши)**дан сизларга паноҳ тилайман».** [Бухорий]

## 50. Беморнинг ҳолини сўраш учун борилганда унга айтиладиган дуо

«لَا بَأْسَ، طَهُورٌ إِنْ شَاءَ اللّٰهُ».

**1. Ҳечқиси йўқ. Аллоҳ хоҳласа,** (гуноҳлардан) **тозаланасиз.** (Ёки: яхши бўлиб кетасиз. Биринчи маъноси кучлироқ). [Бухорий]

«أَسْأَلُ اللّٰهَ الْعَظِيمَ رَبَّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ أَنْ يَشْفِيَكَ» .

**2. Улуғ аршнинг Робби бўлган Улуғ Аллоҳдан сизга шифо беришини тилайман.** (Етти марта такрорлайди).

Ажали етмаган беморни кўрган киши шу дуони етти марта айтадиган бўлса, у (албатта) тузалади. [Термизий ва Абу Довуд]

## 51. Касал ётган кишини бориб кўришнинг фазли

قَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا عَادَ الرَّجُلُ أَخَاهُ الْمُسْلِمَ مَشَى فِي خِرَافَةِ الْجَنَّةِ حَتَّى يَجْلِسَ، فَإِذَا جَلَسَ غَمَرَتْهُ الرَّحْمَةُ، فَإِنْ كَانَ غُدْوَةً صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ حَتَّى يُمْسِيَ، وَإِنْ كَانَ مَسَاءً صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ حَتَّى يُصْبِحَ».

**Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Агар киши** (касал ётган) **мусулмон биродарини кўргани борса, то** (етиб бориб) **ўтиргунича жаннат мевалари** (боғи) **да юради. Ўтирган чоғида уни раҳмат қамрайди. Агар эрталаб борган бўлса, то кеч киргунга қадар етмиш минг фаришта унга салот-истиғфор айтади. Агар кечда**

**борган бўлса, тонггача етмиш минг малак унга салот–истиғфор айтади.** [Термизий, Ибн Можа ва Аҳмад]

## 52. Ҳаётдан умидини узган ҳаста кишининг дуоси

«اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَأَلْحِقْنِي بِالرَّفِيقِ الأَعْلَى».

**1. Эй Аллоҳ! Мени мағфират эт. Менга раҳм қил ва мени рафиқул аъло – олий макон** (иллийюн)**да яшовчи анбиёлар қаторига қўш.** [Бухорий ва Муслим]

جَعَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: عِنْدَ مَوْتِهِ يُدْخِلُ يَدَهُ فِي الْمَاءِ فَيَمْسَحُ بِهِمَا وَجْهَهُ وَيَقُولُ: «لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ، إِنَّ لِلْمَوْتِ لَسَكَرَاتٍ».

**2.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этар чоғларида қўлларини сувга тиқиб сўнг уларни юзларига суртардилар. Айтардиларки: **«Аллоҳдан ўзга** (барҳақ) **илоҳ йўқ. Албатта, ўлимнинг мастликлари** (сакаротлари) **бор».** [Бухорий]

«لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَاللهُ أَكْبَرُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَشَرِيكَ لَهُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ، ولاَحَوْلَ ولاَقُوَّةَ إِلاَّ بِاللهِ».

**3. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ, Аллоҳ буюкроқдир. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ, У ёлғиздир! Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ, У шериксиз зотдир. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ, мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ, ҳаракат ҳам, қувват ҳам Аллоҳ** (мадади) **биландир.** [Термизий ва Ибн Можа Албоний саҳиҳ деган]

## 53. Жони узилаётган кишининг талқини (унга айтиб туриладиган сўз)

«مَنْ كَانَ آخِرُ كَلاَمِهِ لاَ إِلَـهَ إِلاَّ اللهُ دَخَلَ الْجَنَّةَ»

**Охирги сўзи «Ла илаҳа иллаллоҳ» – «Аллоҳдан ўзга** (барҳақ) **маъбуд йўқ» дейиш бўлган киши жаннатга киради.** [Абу Довуд]

## 54. Мусибат етган киши дуоси

«إِنَّا لِلّهِ، وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ، اللّٰهُمَّ أْجُرْنِي فِي مُصِيْبَتِي، وَأَخْلِفْ لِي خَيْراً مِنْهَا».

**Албатта, биз Аллоҳнинг** (бандаларимиз) **ва албатта биз У зотга қайтувчилармиз. Эй Аллоҳ! Мана шу мусибатимда** (сабабли)

**менга ажру–мукофот бер ва мен учун ундан яхшироқ бўлган нарсани эваз қил.** [Муслим]

## 55. Маййитнинг кўзини ёпиб қўйишда ўқиладиган дуо

«اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِفُلاَنٍ – باسمه – وَارْفَعْ دَرَجَتَهُ فِي الْمَهْدِيِّينَ، وَاخْلُفْهُ فِي عَقِبِهِ فِي الْغَابِرِينَ، وَاغْفِرْ لَنَا وَلَهُ يَارَبَّ الْعَالَمِينَ، وَافْسَحْ لَهُ فِي قَبْرِهِ، وَنَوِّرْ لَهُ فِيهِ».

**Эй Аллоҳ! Фалончининг** (ўлган одамнинг исмини айтади) **гуноҳларини мағфират қил. Унинг даражасини ҳидоят топганлар қаторига кўтар ва орқасида қолганлар** (зурриётлари, аҳли-оласи)**га унинг ўрнига Ўзинг халифа** (қаровчи, бошқарувчи) **бўл. Эй оламлар Робби! Бизни ҳам, уни ҳам мағфират**

**эт. Унинг қабрини кенг қил ва нурга тўлдир.**

[Муслим]

## 56. Жаноза намозида ўқиладиган дуо

«اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لَهُ وَارْحَمْهُ، وَعَافِهِ، وَاعْفُ عَنْهُ، وَأَكْرِمْ نُزُلَهُ، وَوَسِّعْ مُدْخَلَهُ، وَاغْسِلْهُ بِالْمَاءِ وَالثَّلْجِ وَالْبَرَدِ، وَنَقِّهِ مِنَ الْخَطَايَا كَمَا نَقَّيْتَ الثَّوْبَ الأَبْيَضَ مِنَ الدَّنَسِ، وَأَبْدِلْهُ دَاراً خَيْراً مِنْ دَارِهِ، وَأَهْلاً خَيْراً مِنْ أَهْلِهِ، وَزَوْجاً خَيْراً مِنْ زَوْجِهِ، وَأَدْخِلْهُ الْجَنَّةَ، وَأَعِذْهُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ [وَعَذَابِ النَّارِ]».

**1. Эй Аллоҳ! Уни мағфират эт, раҳм қил. Унга офият ато эт, афв эт. Унинг насибасини** (чиройли) **улуғ қил. Кирар жойини кенг**

**қил. Уни сув, қор ва дўл билан юв. Оппоқ либосни кирликдан тозалаганинг каби уни хатолардан покла. Унга ўз уйидан яхшироқ бўлган уй, аҳлидан ҳам яхшироқ аҳл ва аёлидан яхшироқ аёл–жуфт ато қил. Уни жаннатга киргиз ва қабр [ва дўзах азобидан] асра.** [Муслим]

«اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِحَيِّنَا وَمَيِّتِنَا، وَشَاهِدِنَا وَغَائِبِنَا، وَصَغِيرِنَا وَكَبِيرِنَا، وَذَكَرِنَا وَأُنْثَانَا، اللّٰهُمَّ مَنْ أَحْيَيْتَهُ مِنَّا فَأَحْيِهِ عَلَى الإِسْلامِ، وَمَنْ تَوَفَّيْتَهُ مِنَّا فَتَوَفَّهُ عَلَى الإِيمَانِ، اللّٰهُمَّ لاَ تَحْرِمْنَا أَجْرَهُ وَلاَ تُضِلَّنَا بَعْدَهُ».

**2. Эй Аллоҳ! Бизнинг тиригу ўликларимизни, ҳозиру ғоибларимизни, каттаю кичигимизни ҳамда эркагу аёлимизни** (гуноҳларини) **мағфират эт. Эй Аллоҳ! Агар биздан биронтамизни яшатадиган бўл-**

**санг, уни исломда яшат. Жонини оладиган бўлсанг, иймони билан ол. Эй Аллоҳ! Бунинг** (майййитнинг) **ажр–савобидан бизни маҳрум айлама ва** (ундан) **кейин бизни Ўзинг адаштирма.** [ИбнМожа ва Аҳмад]

«اللّٰهُمَّ إِنَّ فُلانَ بْنَ فُلانٍ فِي ذِمَّتِكَ، وَحَبْلِ جِوَارِكَ، فَقِهِ مِنْ فِتْنَةِ الْقَبْرِ وَعَذَابِ النَّارِ، وَأَنْتَ أَهْلُ الْوَفَاءِ وَالْحَقِّ، فَاغْفِرْ لَهُ وَارْحَمْهُ، إِنَّكَ أَنْتَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ».

**3. Эй Аллоҳ! Фалончининг ўғли фалончи Сенинг зиммангда ва ҳимоянгдадир. Уни қабр фитнасидан ва дўзах азобидан Ўзинг асра. Сен ваъдангга вафо қилувчи ва ҳақни рўёбга чиқарувчидирсан. Унинг гуноҳларини кечир ва унга раҳм эт. Албатта, Сен кечиримли ҳамда раҳмли зотдирсан.** [Ибн Можа ва Абу Довуд]

«اللّٰهُمَّ عَبْدُكَ وَابْنُ أَمَتِكَ احْتَاجَ إِلَى رَحْمَتِكَ، وَأَنْتَ غَنِيٌّ عَنْ عَذَابِهِ، إِنْ كَانَ مُحْسِناً فَزِدْ فِي حَسَنَاتِهِ، وَإِنْ كَانَ مُسِيئاً فَتَجَاوَزْ عَنْهُ».

**4. Эй Аллоҳ! Қулинг, чўрингнинг фарзанди Сенинг раҳматингга муҳтождир. Сен уни азоблашдан беҳожатсан. Агар у яхши бўлган бўлса, ҳасанотларини зиёда эт. Агар у ёмон бўлган бўлса, унинг ёмонлигини кечиб юбор.** [Ҳоким. Заҳабий саҳиҳ деган]

## 57. Гўдакка ўқиладиган жаноза намозининг дуоси

«اللّٰهُمَّ أَعِذْهُ مِنْ عَذَابِ الْقَبْرِ».

**Эй Аллоҳ! Уни қабр азобидан сақла.** (Саид ибн Мусаййаб айтади: Гуноҳ қилмаган

гўдакка Абу Ҳурайра жаноза намозини ўқиганида орқасида турдим. У шу дуони ўқиди).
[Молик «Муватто»да, Ибн Аби Шайба «Мусаннаф»да келтирган. Байҳақий ривоят қилган]

**Қуйидаги дуони ўқиса ҳам яхши:**

وَإِنْ قَالَ: «اللّٰهُمَّ اجْعَلْهُ فَرَطاً وَذُخْراً لِوَالِدَيْهِ، وَشَفِيعاً مُجَاباً، اللّٰهُمَّ ثَقِّلْ بِهِ مَوَازِينَهُمَا، وَأَعْظِمْ بِهِ أُجُورَهُمَا، وَأَلْحِقْهُ بِصَالِحِ الْمُؤْمِنِينَ، وَاجْعَلْهُ فِي كَفَالَةِ إِبْرَاهِيمَ، وَقِهِ بِرَحْمَتِكَ عَذَابَ الْجَحِيمِ، وَأَبْدِلْهُ دَاراً خَيْراً مِنْ دَارِهِ، وَأَهْلاً خَيْراً مِنْ أَهْلِهِ، اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لأَسْلاَفِنَا، وَأَفْرَاطِنَا، وَمَنْ سَبَقَنَا بِالإِيْمَانِ» فَحَسَنٌ.

**2. Эй Аллоҳ! Уни ота–онаси учун ажр-мукофот, захира ҳамда шафоати қабул бўладиган шафоатчи қил. Эй Аллоҳ, шу гўдак сабабли уларнинг мезонларини оғир, ажру–мукофотларини улуғ қил. Уни солиҳ мўминлар қаторига қўш. Иброҳимнинг кафолатида** (кафиллигида) **қил. Ўз раҳматинг билан уни жаҳаннам азобидан сақла, унга уйидан яхшироқ уй, аҳлидан яхшироқ аҳл** (оила) **ато қил** (ўрнига бер)**. Эй Аллоҳ! Ёшу қаримизни ҳамда биздан олдин иймон билан ўтиб кетган кишиларни мағфират қил!** [Ибн Қудома ва Ибн Бозлар ўз китобларида келтирганлар]

«اللّٰهُمَّ اجْعَلْهُ لَنَا فَرَطاً، وَسَلَفاً وَأَجْراً».

**3. Эй Аллоҳ! Уни биз учун** (сенинг ҳузурингда туриб, бизни) **кутиб олувчи, салаф ва ажру мукофот эт.** (Ҳасан Басрий гўдакнинг жанозасида «Фотиҳа» сураси билан шу дуони ўқир эдилар)**.** [Бағавий, Абдураззоқлар келтирганлар]

## 58. Таъзия билдирганда айтиладиган дуо

«إِنَّ لِلَّهِ مَا أَخَذَ، وَلَهُ مَا أَعْطَى، وَكُلُّ شَيْءٍ عِنْدَهُ بِأَجَلٍ مُسَمًّى، فَلْتَصْبِرْ وَلْتَحْتَسِبْ».

**1. Албатта, олгани ҳам, бергани ҳам Аллоҳнинг ўзиники. Ҳар бир нарса Унинг ҳузурида маълум муҳлат билан** (белгилан-ган)**дир. Сабр қилинг, Аллоҳнинг ҳузуридаги ажру савобни умид этинг.** [Бухорий ва Муслим]

Қуйидагича айтса ҳам яхши:

وَإِنْ قَالَ: «أَعْظَمَ اللَّهُ أَجْرَكَ، وَأَحْسَنَ عَزَاءَكَ، وَغَفَرَ لِمَيِّتِكَ» فَحَسَنٌ.

**2. Аллоҳ ажрингизни улуғ, сабрингизни чиройли қилсин! Вафот этган кишингизни мағфират этсин, деб айтса ҳам яхши.** [Нава-вий]

## 59. Маййитни қабрга қўяётганда ўқиладиган дуо

«بِسْمِ اللّٰهِ، وعَلَى سُنَّةِ رَسُولِ اللّٰهِ».

**Аллоҳ номи билан ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатига биноан.** [Абу Довуд]

## 60. Маййит дафн қилингач ўқиладиган дуо

«اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لَهُ، اللّٰهُمَّ ثَبِّتْهُ».

**Эй Аллоҳ! Уни мағфират қил. Эй Аллоҳ! Уни собитқадам қил.**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маййитни дафн қилиб бўлгач, унинг тепасида туриб айтардиларки: **«Биродарингизга истиғфор тиланглар, унга собитқадамлик сўранглар, албатта, у ҳозир сўралади».** [Абу Довуд ва Ҳоким. Заҳабий саҳиҳ деган]

## 61. Қабрларни зиёратида ўқиладиган дуо

«السَّلامُ عَلَيْكُمْ، أَهْلَ الدِّيَارَ مِنْ الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُسْلِمِينَ، وَإِناَّ إِنْ شَاءَ اللهُ بِكُمْ لاَحِقُونَ [وَيَرْحَمُ اللهُ الْمُسْتَقْدِمِيْنَ مِنَّا وَالْمُسْتَأْخِرِيْنَ]، أَسْأَلُ اللهُ لَنَا وَلَكُمُ الْعَافِيَةَ».

**Мўмин ва муслимлардан иборат бўлган эй диёр** (қабристон) **аҳли, сизларга салом бўлсин! Биз Аллоҳ хоҳласа,** (бир куни) **сизларнинг ёнинггизга келамиз.**

**[Биздан аввал ўтганларни ҳам, кейин ўтганларни ҳам Аллоҳ раҳмат қилсин].**

**Аллоҳдан ўзимизга ҳам, сизларга ҳам офият тилайман.** [Муслим ва Ибн Можа Қавс ичидаги ҳам Муслимдан]

## 62. Шамол пайти ўқиладиган дуо

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَهَا، وأَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّهَا»

**1. Эй Аллоҳ! Мен Сендан бу шамолнинг хайри – яхшилигини сўрайман. Унинг ёмонлигидан паноҳ тилайман.** [Абу Довуд ва Ибн Можа]

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَهَا، وَخَيْرَ مَا فِيهَا، وَخَيْرَ مَا أُرْسِلَتْ بِهِ، وأَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّهَا، وَشَرِّ مَا فِيهَا، وَشَرِّ مَا أُرْسِلَتْ بِهِ».

**2. Эй Аллоҳ! Мен Сендан бу шамолнинг, ундаги нарсанинг ва у билан юборилган нарсанинг яхшилигини сўрайман. Унинг, ундаги нарсанинг ва у билан юборилган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман.**
[Бухорий ва Муслим]

## 63. Момақалдироқ бўлганда ўқиладиган дуо

«سُبْحَانَ الَّذِي يُسَبِّحُ الرَّعْدَ بِحَمْدِهِ وَالْمَلائِكَةُ مِنْ خِيفَتِهِ».

**Момақалдироқ ҳамду–сано билан тасбеҳ айтадиган, малоикалар ҳам Унга қўрқ-қанларидан тасбеҳ айтадиган Зот барча айбу нуқсонлардан покдир.** (Абдуллоҳ ибн Зубайр момақалдироқ овозини эшитганда гапиришдан тўхтар эдилар). [«Муватто»да келтирил-ган, Албоний санадини саҳиҳ деган. Мавқуф]

## 64. Ёмғир сўралганда ўқиладиган дуолар

«اللّٰهُمَّ اسْقِنَا غَيْثاً مُغِيثاً مَرِيئاً مَرِيعاً، نَافِعاً غَيْرَ ضَارٍّ، عَاجِلاً غَيْرَ آجِلٍ».

**1. Эй Аллоҳ! Бизга фойдали бўлган, ўт-ўланларни ўстирадиган, зарар етказмайдиган ва кеч эмас, тезда келадиган мўл-кўл ёмғир ёғдир.** [Абу Довуд. Албоний саҳиҳ деган]

«اللَّهُمَّ أَغِثْنَا، اللَّهُمَّ أَغِثْنَا، اللَّهُمَّ أَغِثْنَا».

**2. Эй Аллоҳ, ёмғир ёғдир! Эй Аллоҳ, ёмғир ёғдир! Эй Аллоҳ, ёмғир ёғдир!** [Бухорий ва Муслим]

«اللَّهُمَّ اسْقِ عِبَادَكَ، وَبَهَائِمَكَ، وَانْشُرْ رَحْمَتَكَ، وَأَحْيِ بَلَدَكَ الْمَيِّتَ».

**3. Эй Аллоҳ! Бандаларингни ва ҳайвонларингни суғор! Раҳматингни соч ва ўлик шаҳрингга ҳаёт бахш эт.** [Абу Довуд. Албоний саҳиҳ деган]

## 65. Ёмғир ёққанда ўқиладиган дуо

«اللَّهُمَّ صَيِّباً نَافِعاً».

**Эй Аллоҳ! Фойдали** (хайрли) **ёмғир эт.** [Бухорий]

## 66. Ёмғир тингач ўқиладиган дуо

«مُطِرْنَا بِفَضْلِ اللهِ وَرَحْمَتِهِ».

**Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан бизга ёмғир ёғди.** [Бухорий]

## 67. Ёмғирнинг тўхташини – очиқ ҳавони сўрашда ўқиладиган дуо

«اللَّهُمَّ حَوَالَيْنَا، وَلاَ عَلَيْنَا، اللَّهُمَّ عَلَى الآكَام وَالظِّرَابِ، وَبُطُونِ الأَوْدِيَةِ، وَمَنَابِتِ الشَّجَرِ».

**Эй Аллоҳ! Бизнинг устимизга эмас, атрофларга ёғдир. Эй Аллоҳ! Қир–адирларга, водийлар ичкарисига ва дарахтзорларга ёғдир!** [Бухорий ва Муслим]

## 68. Янги ой кўринганида ўқиладиган дуо

اللهُ أَكْبَرُ، اللّٰهُمَّ أَهِلَّهُ عَلَيْنَا بِالأَمْنِ وَالْإِيمَانِ وَالسَّلامَةِ وَالْإِسْلامِ وَالتَّوْفِيقِ لِمَا تُحِبُّ وَتَرْضَى، رَبُّنَا وَرَبُّكَ اللهُ.

**Аллоҳ буюкроқдир! Эй Аллоҳ! Бу ойни бизга омонлик, иймон, саломатлик, ислом ва Ўзинг яхши кўрадиган, рози бўладиган нарсага муяссар этиш билан чиқар.** (Бу дуони янги чиққан ойга қараб айтгани учун дуони ушбу қўшимча билан тугатади) **Бизнинг ҳам, сенинг ҳам Раббинг Аллоҳдир!** [Термизий ва Доримий]

## 69. Ифтор вақтида айтиладиган дуо

«ذَهَبَ الظَّمَأُ، وَابْتَلَّتِ الْعُرُوقُ، وَثَبَتَ الأَجْرُ إِنْ شَاءَ اللهُ».

**1. Чанқоқ кетди, томирлар ҳўлланди ва ин ша Аллоҳ ажр собит бўлди.** [Абу Довуд]

«اللّٰهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِرَحْمَتِكَ الَّتِي وَسِعَتْ كُلَّ شَيْءٍ أَنْ تَغْفِرَ لِي».

**2. Эй Аллоҳ! Мен Сендан барча нарсадан кенг бўлган раҳматинг билан менинг гуноҳларимни кечиришингни сўрайман.** (Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумонинг дуоларидан). [Ибн Можа]

## 70. Таомдан аввал айтиладиган дуо

إِذَا أَكَلَ أَحَدُكُمْ طَعَاماً فَلْيَقُل: «بِسْمِ اللهِ»، فَإِنْ نَسِيَ فِي أَوَّلِهِ فَلْيَقُل: «بِسْمِ اللهِ فِي أَوَّلِهِ وَآخِرِهِ».

**1. Агар биронтангиз таом ейдиган бўлса, «Бисмиллаҳи – Аллоҳ номи билан», деб айтсин. Агар таомдан аввал айтиш хотирасидан кўтарилса, «Аввалида ҳам, охирида ҳам Аллоҳ номи билан** (ейман)**», деб айтсин.**

[Абу Довуд ва Термизий]

مَن أَطْعَمَهُ اللهُ الطَّعَامَ فَلْيَقُلْ: «اللّٰهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِيهِ، وَأَطْعِمْنَا خَيْراً مِنْهُ». وَمَنْ سَقَاهُ اللهُ لَبَناً فَلْيَقُلْ: «اللّٰهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِيهِ، وَزِدْنَا مِنْهُ».

**2. Кимни Аллоҳ таомлантирса, у шундай деб айтсин: «Эй Аллоҳ! Бизга бу таомни баракотли эт ва ундан ҳам яхшироғи билан бизни таомлантир».**

**Кимга Аллоҳ сутни насиба қилса, у айтсинки: «Эй Аллоҳ! Уни бизга баракали эт ва зиёда қил».** [Термизий]

## 71. Таомдан сўнг айтиладиган дуо

«الْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي أَطْعَمَنِي هَذَا، وَرَزَقَنِيهِ، مِنْ غَيْرِ حَوْلٍ مِنِّي، وَلاَ قُوَّةٍ».

**1. Мен томондан ҳеч қандай ҳаракат ва қувватсиз менга бу таомни едирган ва шу билан ризқлантирган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.** [Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа]

«الْحَمْدُ لِلّٰهِ حَمْداً كَثِيراً طَيِّباً مُبَارَكاً فِيهِ، غَيْرَ [مَكْفِيٍّ وَلاَ] مُوَدَّعٍ، وَلاَ مُسْتَغْنًى عَنْهُ رَبُّنَا».

**2. Аллоҳга риёсиз–холис, муборак, кўпдан кўп ҳамдлар бўлсин. Раббимиз ҳеч кимга муҳтож эмас.** (Балки Унинг ўзи барча бандаларини таомлантиради ва кифоя этади). **У тарк қилинмас ва Ундан беҳожат бўлинмас.** [Бухорий ва Термизий]

## 72. Меҳмоннинг мезбонга қиладиган дуоси

«اللَّهُمَّ بَارِكْ لَهُمْ فِيمَا رَزَقْتَهُمْ، وَاغْفِرْ لَهُمْ وَارْحَمْهُمْ».

**Эй Аллоҳ! Уларга берган ризқингни баракотли қил. Уларни**(нг гуноҳларини) **мағфират эт ва уларга раҳм қил.** [Муслим]

## 73. Сув ичирган ёки ичиришни хоҳлаган кишига қилинадиган дуо

«اللَّهُمَّ أَطْعِمْ مَنْ أَطْعَمَنِي، وَاسْقِ مَنْ سَقَانِي».

**Эй Аллоҳ! Менга таом берганни Ўзинг таомлантир. Менга сув ичирганга Ўзинг сув ичир.**

[Муслим]

## 74. Бирор хонадонда ифтор қилинганда айтиладиган дуо

«أَفْطَرَ عِنْدَكُمْ الصَّائِمُونَ، وَأَكَلَ طَعَامَكُمُ الأَبْرَارُ، وَصَلَّتْ عَلَيْكُمُ الْمَلائِكَةُ».

**Хонадонингизда рўзадорлар ифтор қилсин. Таомларингизни яхшилар есин ва фаришталар сизларни дуо қилсин.** [Абу Довуд, Ибн Можа ва Насоий]

## 75. Таом ҳозир бўлиб ундан емаган рўзадор киши нима қилади?

«إِذَا دُعِيَ أَحَدُكُمْ فَلْيُجِبْ، فَإِنْ كَانَ صَائِماً فَلْيُصَلِّ، وَإِنْ كَانَ مُفْطِراً فَلْيَطْعَمْ». وَمَعنَى «فَلْيُصَلِّ» أَيْ: فَلْيَدْعُ.

**Сизларнинг бирингиз бир жойга таклиф этилса, борсин. Агар рўзадор бўлса, дуо қилсин. Рўзадор бўлмаса, таомдан есин.** [Муслим]

## 76. Биров рўзадорни ҳақорат қилса у нима деб жавоб қайтаради?

«إِنِّي صَائِمٌ، إِنِّي صَائِمٌ».

**Мен рўзадорман! Мен рўзадорман!** [Бухорий ва Муслим]

## 77. Янги чиққан мевани кўрганда ўқиладиган дуо

«اللّٰهُمَّ بَارِكْ لَنَا فِي ثَمَرِنَا، وَبَارِكْ لَنَا فِي مَدِينَتِنَا، وَبَارِكْ لَنَا فِي صَاعِنَا، وَبَارِكْ لَنَا فِي مُدِّنَا».

**Эй Аллоҳ! Бизнинг меваларимизга баракот ато эт. Шаҳримизга баракот ато эт. Тош–тарозумизга баракот ато эт.** (Муд, соъ – сиғим ўлчов бирликлари). [Муслим]

## 78. Атса урилганда айтиладиган дуо

إِذَا عَطَسَ أَحَدُكُمْ فَلْيَقُلْ: «الْحَمْدُ لِلَّهِ»، وَلْيَقُلْ لَهُ أَخُوهُ أَوْ صَاحِبُهُ: «يَرْحَمُكَ اللَّهُ»، فَلْيَقُلْ: «يَهْدِيكُمُ اللَّهُ وَيُصْلِحُ بَالَكُمْ».

**Агар сизларнинг бирингиз атса урса, «Аллоҳга ҳамд бўлсин», – деб айтсин. Унга эса биродари ёки йўлдоши «Аллоҳ сизга раҳм этсин», – деб жавоб айтсин. Агар биродари «Аллоҳ сизга раҳм этсин», – деб айтса, «Аллоҳ сизларни ҳидоят этсин ва қалбларингизни ўнгласин», – деб жавоб қайтарсин.** [Бухорий]

## 79. Агар кофир атса уриб, «Алҳамду лиллаҳ», деса, нима деб жавоб айтилади?

«يَهْدِيكُمُ اللهُ وَيُصْلِحُ بَالَكُمْ».

**Аллоҳ сизларни ҳидоят этсин ва қалбларингизни ўнгласин.** [Термизий, Аҳмад ва Абу Довуд]

## 80. Уйланган кишига айтиладиган дуо

«بَارَكَ اللهُ لَكَ، وَبَارَكَ عَلَيْكَ، وَجَمَعَ بَيْنَكُمَا فِي خَيْرٍ».

**Аллоҳ сизга бу никоҳни баракотли этсин. Аллоҳ сизга баракотлар ёғдирсин ва иккингиз ўртангизни яхшиликда жамласин.** [Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа]

## 81. Уйланган киши ва от-улов сотиб олган киши ўқийдиган дуо

إِذَا تَـزَوَّجَ أَحَـدُكُـمُ امْـرَأَةً، أَوِ اشْـتَرَى خَادِماً فَلْيَقُلْ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ خَيْرَهَا، وَخَيْرَ مَا جَبَلْتَهَا عَلَيْهِ، وأَعُـوْذُ بِكَ مِنْ شَـرِّهَـا، وَشَرِّ مَا جَبَلْتَهَا عَلَيْهِ». وَإِذَا اشْتَرَى بَعِيْراً فَلْيَأْخُذْ بِذِرْوَةِ سَنَامِهِ وَلْيَقُلْ مِثْلَ ذٰلِكَ.

**Агар бирортангиз уйланса ёки хизматкор** (қул/чўри) **сотиб олса, қуйидагича дуо қилсин: «Эй Аллоҳ! Мен Сендан унинг ва унга табиат қилиб** (туғма) **берган нарсангнинг яхшилигини сўрайман. Унинг ва унга** (туғма) **табиат қилиб берган нарсангнинг ёмонлигидан паноҳ беришингни сўрайман». Агар туя сотиб олган бўлса, унинг ўркачи**

**учидан ушлаб юқоридаги дуони айтсин.** [Абу Довуд ва Ибн Можа]

## 82. Аёлига яқинлик қилиш олдидан айтиладиган дуо

«بِسْمِ اللهِ، اللَّهُمَّ جَنِّبْنَا الشَّيْطَانَ، وَجَنِّبِ الشَّيْطَانَ مَا رَزَقْتَنَا».

**Бисмиллаҳи** (Аллоҳ номи билан). **Эй Аллоҳ! Биздан ва бизга ризқ қилиб берадиганинг** (фарзанд)**дан шайтонни йироқ қил.** [Бухорий ва Муслим]

## 83. Ғазабланганда ўқиладиган дуо

«أَعُوذُ بِاللهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ».

**Аузу биллаҳи минаш-шайтонир рожим – Аллоҳдан тошбўрон қилинган шайтондан паноҳ беришини сўрайман.** [Бухорий ва Муслим]

## 84. Бирон бир мусибат билан балоланган кишини кўрганда айтиладиган дуо

«الْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي عَافَانِي مِمَّا ابْتَلاكَ بِهِ، وَفَضَّلَنِي عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقَ تَفْضِيلاً».

**Сени балолаган нарсадан мени саломат қилган ва яратганларининг кўпидан афзал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин.** [Термизий]

## 85. Мажлисда нима дейилади?

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللّٰهُ عَنْهُمَا قَالَ: كَانَ يُعَدُّ لِرَسُولِ اللّٰهِ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي الْمَجْلِسِ

الْوَاحِدِ مِائَةُ مَرَّةٍ مِنْ قَبْلِ أَنْ يَقُومَ: «رَبِّ اغْفِرْ لِي، وَتُبْ عَلَيَّ، إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الْغَفُورُ».

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир мажлисда қўзғалмасларидан олдин юз маротаба **«Эй Раббим, мени мағфират қил, тавбаларимни қабул эт. Албатта, Сен тавбаларни қабул этувчи ва мағфиратли Зотдирсан»**, дейишлари саналар эди. [Термизий ва Ибн Можа]

## 86. Мажлиснинг каффорати

«سُبْحَانَكَ اللَّهُمَّ، وبِحَمْدِكَ، أَشْهَدُ أَنْ لاَ إِلَهَ إِلاَّ أَنْتَ، أَسْتَغْفِرُكَ وَأَتُوبُ إِلَيْكَ».

**Эй Аллоҳ! Сенинг ҳамдинг билан тасбеҳ айтаман. Гувоҳлик бераманки, Сендан ўзга ҳеч бир** (барҳақ) **маъбуд йўқ. Сендан**

**истиғфор сўрайман ва Сенга тавба қиламан.**

[Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа]

Оиша онамиз айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир мажлисга ўтирсалар, Қуръон тиловат қилсалар ёки намоз ўқисалар, албатта, мана шу калималар билан якунлар эдилар». [Насоий ва Аҳмад]

## 87. «Аллоҳ сизни мағфират этсин», деган кишига бериладиган жавоб

«وَ لَكَ».

**«Сизни ҳам».** [Насоий ва Аҳмад]

## 88. Сизга яхшилик қилган кишига айтадиган дуоингиз

«جَزَاكَ اللهُ خَيْراً».

**Аллоҳ сизни яхшиликлар билан мукофотласин.** [Термизий]

## 89. Дажжолдан сақланадиган дуо

«مَنْ حَفِظَ عَشْرَ آيَاتٍ مِنْ أَوَّلِ سُورَةِ الْكَهْفِ عُصِمَ مِنَ الدَّجَّالِ».

**1. «Каҳф» сурасининг аввалги ўн оятини ёд олган киши Дажжолдан ҳимояланган бўлади.** (Яна бир ривоятда: «Каҳф» сурасининг охиридан дейилган). [Муслим]

«وَالاِسْتِعَاذَةُ بِاللهِ مِنْ فِتْنَتِهِ عَقِبَ التَّشَهُّدِ الأَخِيْرِ مِنْ كُلِّ صَلاَةٍ».

**2. Ҳар намозда салавот** (Аллоҳумма борик ала Муҳаммад...)**дан сўнг Аллоҳ таолодан Дажжол фитнасидан паноҳ беришини**

**сўраш билан ҳам унинг фитнасидан ҳимояланилади.** (Китобчадаги 24-фақра 1, 2 рақамли ҳадисларни ўқинг).

## 90. «Мен сизни Аллоҳ йўлида (Аллоҳ учун) яхши кўраман», деган кишига бериладиган жавоб

«أَحَبَّكَ الَّذِي أَحْبَبْتَنِي لَهُ».

**Мени кимнинг йўлида яхши кўрган бўлсангиз, ўша Зот сизни яхши кўрсин.** [Абу Довуд. Албоний ҳасан деган]

## 91. Сизга молини бермоқчи бўлган кишига айтадиган дуоингиз

«بَارَكَ اللهُ لَكَ فِي أَهْلِكَ وَمَالِكَ».

**Аллоҳ сизнинг аҳлингизга ҳам, молингизга ҳам барака берсин.** [Бухорий]

## 92. Қарзни тўлаш пайтида қарз берган кишига айтиладиган дуо

«بَارَكَ اللهُ لَكَ فِي أَهْلِكَ وَمَالِكَ»، إِنَّمَا جَزَاءُ السَّلَفِ الْحَمْدُ وَالأَدَاءُ.

**Аллоҳ сизнинг аҳлингизга ҳам, молингизга ҳам баракот берсин.** (Албатта, қарзнинг мукофоти шукр ва вақтида адо этмоқликдир). [Насоий ва Ибн Можа]

## 93. Ширк келтириб қўйишдан хавфланганда ўқиладиган дуо

«اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أُشْرِكَ بِكَ وَأَنَا أَعْلَمُ، وَأَسْتَغْفِرُكَ لِمَا لاَ أَعْلَمُ».

**Эй Аллоҳ! Сенга билиб турган ҳолимда ширк келтириб қўйишдан Ўзинг сақла. Билмасдан келтирганларим учун Сендан кечирим-мағфират сўрайман.** [Аҳмад ва бошқалар]

## 94. «Аллоҳ баракот ато этсин», деган кишига бериладиган жавоб

«وَفِيْكَ بَارَكَ اللهُ».

**Сизга ҳам Аллоҳ баракот ато этсин.** [Ибн Сунний]

## 95. Шумланишдан қайтариш дуоси

«اللّٰهُمَّ لاَ طَيْرَ إِلاَّ طَيْرُكَ، وَلاَ خَيْرَ إِلاَّ خَيْرُكَ، وَلاَ إِلَهَ غَيرُكَ».

**Эй Аллоҳ! Сен ёмонлик аломати этган нарсагина ёмонлик аломатидир. Сен яхшилик аломати этган нарсагина яхшилик аломатидир ва Сендан ўзга ҳеч бир барҳақ илоҳ йўқдир!** (Яъни, фақат Сенинг айтганинг бўлади ва Сен нимани тақдир қилган бўлсанг ўша бўлади. Сен барча нарсани билувчисан, биз билмаймиз) [Аҳмад ва Ибн Сунний]

## 96. Улов (от, кема, сайёра)га минилаётганда ўқиладиган дуо

«بِسْمِ اللهِ، وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ، ﴿سُبْحَانَ الَّذِى سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ وَإِنَّا إِلَى رَبِّنَا لَمُنْقَلِبُونَ﴾، الْحَمْدُ لِلّٰهِ، الْحَمْدُ لِلّٰهِ، الْحَمْدُ لِلّٰهِ، اللهُ أَكْبَرُ، اللهُ أَكْبَرُ، اللهُ أَكْبَرُ، سُبْحَانَكَ اللّٰهُمَّ إِنِّي ظَلَمْتُ نَفْسِي فَاغْفِرْ لِي، فَإِنَّهُ لاَيَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلاَّ أَنْتَ».

**Аллоҳ номи билан. Аллоҳга ҳамд бўлсин. «Бизларга бу** (кема ёки от–улов)**ни бўйсундириб қўйган Зот** (яъни, Аллоҳ барча айбу нуқсондан) **покдир. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак–шубҳасиз бизлар** (барчамиз) **Раббимизга қайтувчидирмиз».** [Зуҳруф: 13]

**Ҳамд Аллоҳгадир. Ҳамд Аллоҳгадир. Ҳамд Аллоҳгадир. Аллоҳ буюкроқдир! Аллоҳ буюкроқдир! Аллоҳ буюкроқдир! Эй Аллоҳ! Сен барча айбу нуқсондан покдирсан. Албатта, мен ўзимга зулм қилдим. Мени мағфират эт. Сендан ўзга гуноҳларни мағфират этувчи йўқ.** [Абу Довуд ва Термизий]

## 97. Сафар дуоси

«اللهُ أَكْبَرُ، اللهُ أَكْبَرُ، اللهُ أَكْبَرُ، ﴿ سُبْحَانَ الَّذِى سَخَّرَ لَنَا هَذَا وَمَا كُنَّا لَهُ مُقْرِنِينَ وَإِنَّا إِلَى رَبِّنَا

لَمُنْقَلِبُونَ﴾، اللّٰهُمَّ إِنَّا نَسْأَلُكَ فِي سَفَرِنَا هَذَا الْبِرَّ وَالتَّقْوَى، وَمِنَ الْعَمَلِ مَا تَرْضَى، اللّٰهُمَّ هَوِّنْ عَلَيْنَا سَفَرَنَا هَذَا، وَاطْوِ عَنَّا بُعْدَهُ، اللّٰهُمَّ أَنْتَ الصَّاحِبُ فِي السَّفَرِ، وَالْخَلِيفَةُ فِي الأَهْلِ، اللّٰهُمَّ إِنِّي أَعُوْذُ بِكَ مِنْ وَعْثَاءِ السَّفَرِ، وَكَآبَةِ الْمَنْظَرِ، وَسُوءِ الْمُنْقَلَبِ فِي الْمَالِ وَالأَهْلِ» وَإِذَا رَجَعَ قَالَهُنَّ وَزَادَ فِيْهِنَّ: «آيِبُونَ تَائِبُونَ عَابِدُونَ لِرَبِّنَا حَامِدُونَ».

**Аллоҳ буюкроқдир! Аллоҳ буюкроқдир! Аллоҳ буюкроқдир! «Бизларга бу** (кема, сайёра ёки от–улов)**ни бўйсундириб қўйган Зот** (яъни, Аллоҳ барча айбу нуқсондан) **покдир. Бизлар ўзимиз бунга қодир эмас эдик. Шак–шубҳасиз бизлар** (барчамиз) **Раббимизга қайтувчидирмиз».** [Зухруф: 13] **Эй Аллоҳ! Бизлар Сендан ушбу сафаримизда тоат-ибо-**

**датларни, тақвони ва сен рози бўладиган амалларни сўраймиз. Эй Аллоҳ! Сафардаги йўлдош ҳам, хонадонда ўринбосар–халифа ҳам Ўзингдирсан! Эй Аллоҳ! Мен Сендан сафар машаққатларидан, қайғули–ёмон нарсалар** (кўринишлар)**дан ҳамда мол-мулк ва оилага етадиган зиён–заҳматдан паноҳ беришингни сўрайман.**

Сафардан қайтганида ҳам юқоридагиларни такрорлайди ва қуйидагиларни қўшимча қилади: (Биз) **қайтувчилар, тавба қилувчилар, ибодат этувчилар ва Раббимизга ҳамд айтувчилармиз.** [Муслим]

## 98. Қишлоқ ёки шаҳарга кириш дуоси

«اللّٰهُمَّ رَبَّ السَّمَوَاتِ السَّبْعِ وَمَا أَظْلَلْنَ، وَرَبَّ الْأَرَاضِينَ السَّبْعِ وَمَا أَقْلَلْنَ، وَرَبَّ الشَّيَاطِينِ

وَمَا أَضْلَلْنَ، وَرَبَّ الرِّيَاحِ وَمَا ذَرَيْنَ، أَسْأَلُكَ خَيْرَ هَذِهِ الْقَرْيَةِ، وَخَيْرَ أَهْلِهَا، وَخَيْرَ مَا فِيهَا، وأَعُوْذُ بِكَ مِنْ شَرِّهَا، وشَرِّ أَهْلِهَا، وشَرِّ مَا فِيهَا».

**Етти қат осмон ва улар соя солган нарсалар Рабби, етти қат ер ва устидаги нарсалар Рабби, шайтонлар ҳамда улар йўлдан оздирганларнинг Рабби, шамоллар ва улар ташиган–учирган нарсалар Рабби бўлган эй Аллоҳ! Мен Сендан ушбу шаҳарнинг, унинг аҳлининг ва ундаги нарсаларнинг яхшилигини сўрайман. Унинг, аҳлининг ҳамда ундаги нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман.** [Ҳоким ва Ибн Сунний. Заҳабий саҳиҳ деган]

## 99. Бозорга киришда ўқиладиган дуо

«لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَشَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ وَهُوَ حَيٌّ لاَ يَمُوتُ، بِيَدِهِ الْخَيْرُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ».

**Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У ёлғиз-шериксиз Зотдир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир. У тирилтиради ва ўлдиради. У тирикдир, ўлмайди.** (Бутун) **яхшилик Унинг қўлидадир ва У барча нарсага қодир Зотдир.** [Термизий ва Ҳоким. Албоний саҳиҳ деган]

## 100. Улови қоқилса-тойилиб кетса, ўқиладиган дуо

«بِسْمِ اللهِ».

**Бисмиллаҳ** (Аллоҳ номи билан). [Абу Довуд. Албоний саҳиҳ деган]

## 101. Мусофирнинг муқим кишига айтадиган дуоси

«أَسْتَوْدِعُكُمُ اللهَ الَّذِي لاَ تَضِيعُ وَدَائِعُهُ».

**Сизларни омонати** (ҳеч вақт) **зое бўлмайдиган Аллоҳга топширдим.** [Аҳмад ва Ибн Можа]

## 102. Муқим кишининг мусофирга айтадиган дуоси

«أَسْتَوْدِعُ اللهَ دِينَكَ، وَأَمَانَتَكَ، وَخَوَاتِيمَ عَمَلِكَ».

**1. Динингизни, омонатингизни ва амалингизнинг хотималарини** (охирини) **Аллоҳга топширдим.** [Аҳмад ва Термизий]

«زَوَّدَكَ اللهُ التَّقْوَى، وَغَفَرَ ذَنْبَكَ وَيَسَّرَ لَكَ الْخَيْرَ حَيْثُمَا كُنْتَ».

**2. Аллоҳ сизга тақвони зод-роҳила қилсин. Гуноҳингизни кечирсин ва қаерда бўлсангиз ҳам сизга яхшиликни осон қилсин.** [Термизий]

## 103. Сафарда такбир ва тасбеҳ айтиш

قَالَ جَابِرٌ رَضِيَ اللهُ عَنْهُ: «كُنَّا إِذَا صَعِدْنَا كَبَّرْنَا، وَإِذَا نَزَلْنَا سَبَّحْنَا».

**Жобир розияллоҳу анҳу айтади: Биз** (тепаликка) **кўтарилганимизда такбир** (Аллоҳу акбар)**, тушаётганимизда тасбеҳ** (Субҳаналлоҳ) **айтардик.** [Бухорий]

## 104. Сафардаги кишининг тонг отганда ўқийдиган дуоси

سَمِعَ – أَوْ سَمَّعَ – سَامِعٌ بِحَمْدِ اللّٰهِ وَحُسْنِ بَلائِهِ عَلَيْنَا، رَبَّنَا صَاحِبْنَا، وَأَفْضِلْ عَلَيْنَا، عَائِذاً بِاللّٰهِ مِنَ النَّارِ.

**Аллоҳнинг ҳамдини ва Унинг бизга қилган яхшиликларини эшитувчи эшитди.** (Яъни, Аллоҳнинг неъматлари ва яхшиликлари учун Унга айтган ҳамдларимизга гувоҳ бўлувчи шоҳид бўлди. Агар эшиттирди дейилса, маъноси: Сўзимизни эшитувчи ўзгаларга ҳам етказди).

**Эй Раббимиз! Бизни Ўзинг асра, ҳифзу ҳимоянгга ол ва бизга** (мўл-кўл неъматларинг билан) **фазлу-марҳаматлар қил. Аллоҳдан дўзахдан паноҳ беришини сўраймиз.** [Муслим ривояти]

## 105. Сафарда ёки бошқа ҳолатда бир манзилга қўнган кишининг дуоси

«أَعُوْذُ بِكَلِمَاتِ اللهِ التَّامَّاتِ مِنْ شَرِّ مَاخَلَقَ».

**Яратган нарсаларининг ёмонлигидан Аллоҳнинг мукаммал сўзлари билан паноҳланаман.** [Муслим]

## 106. Сафардан қайтишда айтиладиган зикр

يُكَبِّرُ عَلَى كُلِّ شَرَفٍ ثَلاَثَ تَكْبِيْرَاتٍ، ثُمَّ يَقُولُ: «لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَشَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، آيِبُونَ تَائِبُونَ، عَابِدُونَ، لِرَبِّنَا حَامِدُونَ، صَدَقَ اللهُ وَعْدَهُ، وَنَصَرَ عَبْدَهُ، وَهَزَمَ الأَحْزَابَ وَحْدَهُ».

**Ҳар бир тепаликда уч марта «Аллоҳу акбар», деб такбир айтади. Сўнгра эса: «Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. Унинг шериги йўқ. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодир.** (Биз) **қайтувчилар, тавба этувчилар, ибодат қилувчилар ва Раббимизга ҳамд айтувчилармиз. Аллоҳ ваъдасини рост этди, бандасини ғолиб қилди ва гуруҳларни ёлғиз Ўзи мағлуб қилди», деб айтади.** (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бирон ғазот ёки ҳаждан қайтганларида шундай деб айтардилар). [Бухорий ва Муслим]

## 107. Яхши ёки ёмон бир иш бўлган вақтда ўқиладиган дуо

كَانَ إِذَا أَتَاهُ الأَمْرُ يَسُرُّهُ قَالَ: «الْحَمْدُ لِلّٰهِ الَّذِي بِنَعْمَتِهِ تَتِمُّ الصَّالِحَاتُ».

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига хуш ёқадиган бир иш бўлса, шундай дердилар: **«Унинг неъмати билан яхши нарса** (амал)**лар камолига етадиган Аллоҳга ҳамд бўлсин».** [Ибн Сунний ва Ҳоким]

وَإِذَا أَتَاهُ الأَمْرُ يَكْرَهُهُ قَالَ: «الْحَمْدُ لِلَّهِ عَلَى كُلِّ حَالٍ».

**2. Нохуш, ёқмайдиган иш бўлса, шундай дердилар: Барча ҳолатлар учун** (барча ҳолатларда ҳам) **Аллоҳга ҳамд бўлсин.** [Ибн Сунний ва Ҳоким. Албоний саҳиҳ деган]

## 108. Расулуллоҳга салот (соллаллоҳу алайҳи васаллам деб) айтишнинг фазли

قَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ صَلَّى عَلَيَّ صَلاَةً وَاحِدَةً صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ بِهَا عَشْراً».

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Ким менга** (бир марта) **салот айтса, Аллоҳ унга ўн марта салот айтади».** (Аллоҳнинг салоти бандасини Малаул-аълода зикр қилиши–эслашидир). [Муслим]

وَقَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لاَ تَجْعَلُوا قَبْرِي عِيْداً، وَصَلُّوا عَلَيَّ، فَإِنَّ صَلاَتَكُمْ تَبْلُغُنِي حَيْثُ كُنْتُمْ».

2. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Менинг қабримни қайта–қайта зиёрат этадиган жой** (ёки ҳайитгоҳ) **қилиб олмангиз. Менга салот айтингиз. Албатта, сизларнинг салотингиз қаерда бўлсангиз ҳам менга етади».** [Абу Довуд ва Аҳмад]

وَقَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اَلْبَخِيْلُ مَنْ ذُكِرْتُ عِنْدَهُ فَلَمْ يُصَلِّ عَلَيَّ».

3. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Бахил унинг хузурида мен зикр қилинганимда менга салот айтмаган кишидир».** [Термизий ва бошқалар]

وَقَالَ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ لِلّٰهِ مَلاَئِكَةً سَيَّاحِيْنَ فِي الأَرْضِ يُبَلِّغُونِي مِنْ أُمَّتِي السَّلاَمَ».

4. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳнинг ер юзини кезиб юриб, умматимдан менга салом етказувчи фаришталари бор».** [Насоий ва Ҳоким. Албоний саҳиҳ деган]

وَقَالَ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَا مِنْ أَحَدٍ يُسَلِّمُ عَلَيَّ إِلاَّ رَدَّ اللّٰهُ عَلَيَّ رُوحِي حَتَّى أَرُدَّ عَلَيْهِ السَّلاَمَ».

5. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Менга бирон киши салом айтадиган бўлса, унинг саломига алик олишим учун**

**Аллоҳ менга руҳим** (жоним)**ни қайтариб туради».** [Абу Довуд. Албоний саҳиҳ деган]

## 109. Саломни кенг ёйиш

قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لاَ تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ حَتَّى تُؤْمِنُوا، وَلاَ تُؤْمِنُوا حَتَّى تَحَابُّوا، أَوَلاَ أَدُلُّكُمْ عَلَى شَيْءٍ إِذَا فَعَلْتُمُوهُ تَحَابَبْتُمْ؟ أَفْشُوا السَّلاَمَ بَيْنَكُمْ».

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Мўъмин бўлмагунингизча жаннатга кирмайсизлар, бир-бирингизни яхши кўрмагунингизча мўъмин бўлмайсизлар. Сизларни агар уни қилсангизлар, бир-бирингизни яхши кўрадиган бир амалга йўллаб қўймайми? Ўрталарингизда саломни ёйинглар».** [Муслим ва бошқалар]

«ثَلاَثٌ مَنْ جَمَعَهُنَّ فَقَدْ جَمَعَ الإِيْمَانَ: اَلإِنْصَافُ مِنْ نَفْسِكَ، وَبَذْلُ السَّلاَمِ لِلْعَالَمِ، وَالإِنْفَاقُ مِنَ الإِقْتَارِ».

**2. Уч нарса борки, ким уларни жамласа, батаҳқиқ, иймонни жамлабди: Ўзингизга инсоф қилмоғингиз** (Аллоҳнинг буйруқларини бажариб, қайтарганларидан тийилмоғингиз)**, олам** (мусулмонларига) **салом бермоқлик ва муҳтожликда ҳам инфоқ–эҳсон қилмоқлик.** [Бухорий]

وَعَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَجُلاً سَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَيُّ الإِسْلاَمِ خَيْرٌ؟ قَالَ: «تُطْعِمُ الطَّعَامَ، وَتَقْرَأُ السَّلاَمَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ».

3. Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Бир киши Набий

алайҳиссолату вассаломдан сўради: Исломнинг қайси амали яхшироқ? Расулуллоҳ айтдилар: **«Таом беришлигинг ва таниган–танимаган** (мусулмон) **кишингга салом бермоқлигинг».** [Бухорий]

## 110. Кофирнинг саломига нима деб жавоб қайтарилади?

«إِذَا سَلَّمَ عَلَيْكُمْ أَهْلُ الْكِتَابِ فَقُولُوا: وَعَلَيْكُمْ».

**Агар сизларга аҳли китоблар салом берадиган бўлса, «Ваалайкум** (яъни, сизларга ҳам)**», деб жавоб қайтарингиз.** [Бухорий ва Муслим]

## 111. Ҳўроз қичқирганда, эшак ҳанграганда нима дейилади?

«إِذَا سَمِعْتُمْ صِيَاحَ الدِّيَكَةِ فَاسْأَلُوا اللهَ مِنْ فَضْلِهِ، فَإِنَّهَا رأَتْ مَلَكاً، وَإِذَا سَمِعْتُمْ نَهِيقَ

الْحِمَارِ فَتَعَوَّذُوا بِاللهِ مِنَ الشَّيْطَانِ، فَإِنَّهُ رَأَى شَيْطَاناً».

**Хўрозлар қичқириғини эшитсангизлар, Аллоҳдан Унинг фазлу марҳаматини сўранглар. Албатта, у фариштани кўрган бўлади. Агар эшак ҳанграганини эшитсангизлар, Аллоҳдан шайтондан паноҳ беришини сўранглар. У шайтонни кўрган бўлади.** [Бухорий ва Муслим]

## 112. Кечаси итлар ҳуриганида ўқиладиган дуо

«إِذَا سَمِعْتُمْ نُبَاحَ الْكِلاَبِ وَنَهِيْقَ الْحَمِيْرِ بِاللَّيْلِ، فَتَعَوَّذُوا بِاللهِ مِنْهُنَّ، فَإِنَّهُنَّ يَرَيْنَ مَا لاَ تَرَوْنَ».

**Кечаси итлар ҳуриганини ва эшаклар ҳанграшини эшитган вақтингизда Аллоҳ-**

**дан улардан паноҳ беришини сўранг. Улар сизлар кўрмайдиган нарсаларни кўрадилар.**
[Абу Довуд ва Аҳмад. Албоний саҳиҳ деган]

## 113. Уришган-дашном берган кишингизга қиладиган дуоингиз

قَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «اللّٰهُمَّ فَأَيُّمَا مُؤْمِنٍ سَبَبْتُهُ، فَاجْعَلْ ذَلِكَ لَهُ قُرْبَةً إِلَيْكَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

**«Эй Аллоҳ, қайси бир мўъминни сўккан** (ёки дуои бад қилган) **бўлсам, буни ўша мўъмин учун қиёмат кунида Ўзингга яқинлик–қурбат қил».** [Бухорий ва Муслим]

## 114. Мусулмон киши бир биродарини мақтаганда нима дейди?

قَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِذَا كَانَ أَحَدُكُمْ مَادِحاً صَاحِبَهُ لاَ مَحَالَةَ، فَلْيَقُلْ: أَحْسِبُ فُلاَناً وَاللهُ حَسِيبُهُ وَلاَ أُزَكِّي عَلَى اللهِ أَحَداً».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

**«Агарда бирорталарингиз биродарини мақтайдиган бўлса, шунга мажбур бўлиб қолса, айтсинки: "Мен фалончини** (шундай, шундай) **деб ҳисоблайман. Аллоҳ уни ҳисоб–китоб қилувчидир. Мен унинг ичи ҳақида ҳам оқибати ҳақида ҳам қатъий бир нарса дея олмайман"».** [Муслим]

## 115. Мусулмон киши мақталганида нима деб айтади?

«اللّٰهُمَّ لاَ تُؤَاخِذْنِي بِمَا يَقُولُونَ، وَاغْفِرْ لِي مَا لاَ يَعْلَمُونَ، [وَاجْعَلْنِي خَيْراً مِمَّا يَظُنُّونَ]».

**Эй Аллоҳ! Улар айтаётган нарса билан мени жавобгар қилма. Улар билмайдиган мендаги нарсаларни мағфират эт. [Ва мени улар ўйлаганидан яхшироқ қил].** [Бухорий. Қавс ичидаги жумла Байҳақийда келтирилган зиёда]

## 116. Ҳаж ёки умрада эҳромдаги киши қандай талбия айтади?

«لَبَّيْكَ اللّٰهُمَّ لَبَّيْكَ، لَبَّيْكَ لاَ شَرِيْكَ لَكَ لَبَّيْكَ، إِنَّ الْحَمْدَ وَالنِّعْمَةَ لَكَ وَالْمُلْكُ، لاَ شَرِيْكَ لَكَ».

**Эй Аллоҳ, чақириғингга қайта–қайта ижобат қилмоқдаман ва  Сенинг итоатингдаман! Сенинг шеригинг йўқ. Мен Сенинг итоатингдаман, чақириғингга ижобатдаман. Ҳамд ҳам, неъмат ҳам, мулк ҳам Сеникидир. Сенинг шеригинг йўқ.** [Бухорий ва Муслим]

## 117. Рукнул асвад олдида қандай такбир айтади?

«طَافَ النَّبِيُّ ﷺ بِالْبَيْتِ عَلَى بَعِيرٍ، كُلَّمَا أَتَى الرُّكْنَ أَشَارَ إِلَيْهِ بِشَيْءٍ عِنْدَهُ وَكَبَّرَ».

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам туяга миниб Каъбани тавоф қилдилар (айландилар). Ҳар сафар рукн рўпарасига келган вақтларида ўзларида бор бўлган бирон нарса билан унга ишора қилиб такбир (Аллоҳу акбар) айтдилар. («Бирон нарса», деб ҳассалари айтилаяпти). [Бухорий]

## 118. Рукнул ямоний билан ҳажарул асвад ўртасида қилинадиган дуо

﴿ رَبَّنَآ ءَاتِنَا فِى ٱلدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِى ٱلْـَٔاخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ ٱلنَّارِ ﴿٢٠١﴾ ﴾

**«Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қил, охиратда ҳам яхшилик ато эт ва бизни дўзах азобидан асра».**

[Бақара: 201]

## 119. Сафо ва Марва тепасида турилганда ўқиладиган дуо

لَمَّا دَنَا مِنَ الصَّفَا قَرَأَ: ﴿إِنَّ الصَّفَا وَالْمَرْوَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ﴾ أَبْدَأُ بِمَا بَدَأَ اللهُ بِهِ، فَبَدَأَ بِالصَّفَا فَرَقِيَ عَلَيْهِ حَتَّى رَأَى الْبَيْتَ فَاسْتَقْبَلَ

الْقِبْلَةَ، فَوَحَّدَ اللهَ وَكَبَّرَهُ وَقَالَ: «لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَشَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ، أَنْجَزَ وَعْدَهُ، وَنَصرَ عَبْدَهُ، وَهَزَمَ الأَحزاب وَحْدَهُ» ثُمَّ دَعَا بَيْنَ ذَلِكَ، قَالَ مِثْلَ هَذَا ثَلاَثَ مَرَّاتٍ... الحديث، وَفِيْهِ: «فَفَعَلَ عَلَى الْمَرْوَةِ كَمَا فَعَلَ عَلَى الصَّفَا».

Набий алайҳиссолату вассалом Сафо (тоғига) яқинлашганларида қуйидаги оятни ўқидилар: **«Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳнинг оят-аломатларидандир...».** [Бақара: 158]

**«Аллоҳнинг биринчи айтганидан бошлайман»,** дедилар ва Сафодан бошладилар. Каъбани кўрадиган бўлгунларича тоққа кўтарилдилар. Қиблага юзландилар. Аллоҳдан ўзга (ҳақ) илоҳ йўқлигини айтиб, тавҳид калим-

сини айтдилар. **«Аллоҳу акбар»**, деб такбир айтдилар. **«Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уникидир ва У барча нарсага қодир. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У ваъдасининг устидан чиқди, бандасини ғолиб этди, гуруҳларни ёлғиз Ўзи мағлуб қилди»,** дедилар, сўнг дуо қилдилар. Шуни уч марта айтдилар–такрорладилар. Марва тепасида ҳам худди шундай қилдилар. (Яъни, уч марта такбир, тавҳид калималари айтдилар ва дуо қилдилар). [Муслим]

## 120. Арафа куни дуоси

خَيْرُ الدُّعَاءِ دُعَاءُ يَوْمِ عَرَفَةَ، وَخَيْرُ مَا قُلْتُ أَنَا وَالنَّبِيُّونَ مِنْ قَبْلِي: «لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ لاَ شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ».

**Дуоларнинг энг яхшиси арафа кунидаги дуо. Мен ва мендан олдин ўтган набийлар айтган энг яхши сўз: Аллоҳдан ўзга** (барҳақ) **илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиз. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники ва У барча нарсага қодир.** [Термизий]

## 121. Машъарул ҳаром – Муздалифада айтиладиган зикр

رَكِبَ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الْقَصْوَاءَ، حَتَّى أَتَى الْمَشْعَرَ الْحَرَامَ، فَاسْتَقْبَلَ الْقِبْلَةَ فَدَعَاهُ، وَكَبَّرَهُ، وَهَلَّلَهُ، وَوَحَّدَهُ. فَلَمْ يَزَلْ وَاقِفاً حَتَّى أَسْفَرَ جِداًّ، فَدَفَعَ قَبْلَ أَنْ تَطْلُعَ الشَّمْسُ.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам туялари Қасвога миниб Машъарул ҳаром – Муздалифага келдилар. Қиблага юзландилар. (Аллоҳга дуо қилдилар. Аллоҳни улуғлаб,

такбир айтдилар, таҳлил (Ла илаҳа иллаллоҳ) айтдилар ва тавҳид калималарини (Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу... қодир, деб) айтдилар. Кун жуда ёришиб кетгунича туриб, сўнг қуёш чиқмасдан олдин йўлга тушдилар. [Муслим]

## 122. Жамаротга тош отишда ҳар бир тош билан бирга такбир айтиш

**«يُكَبِّرُ كُلَّمَا رَمَى بِحَصَاةٍ عِنْدَ الْجِمَارِ الثَّلاَثِ، ثُمَّ يَتَقَدَّمُ وَيَقِفُ يَدْعُو مُسْتَقْبِلَ الْقِبْلَةِ رَافِعاً يَدَيْهِ بَعْدَ الْجَمْرَةِ الأُولَى وَالثَّانِيَةِ، أَمَّا جَمْرَةُ الْعَقَبَةِ فَيَرْمِيهَا وَيُكَبِّرُ عِنْدَ كُلِّ حَصَاةٍ، وَيَنْصَرِفُ وَلاَ يَقِفُ عِنْدَهَا»**

Учала жамра (тош отадиган жой)да ҳам ҳар тош отиш билан бирга такбир айтади. Бирин-

чи ва иккинчи жамра (тош отадиган ер)ларда тош отиб бўлгач олдинроққа ўтади сўнгра қўлини кўтариб қиблага юзланган ҳолда туриб, дуо қилади. Охирги тош отиладиган ер (Жамратул ақаба)да эса тошларни отади, ҳар бирини отаётганида такбир (Аллоҳу акбар) айтади ва унинг олдида (дуо учун) тўхтамасдан кетади. [Бухорий ва Муслим]

## 123. Тажжуб ва хушхабар пайтида айтиладиган дуо

«سُبْحَانَ اللهِ!».

**1. Аллоҳ барча айбу нуқсондан покдир!** [Бухорий ва Муслим]

«اللهُ أَكْبَرُ!».

**2. Аллоҳ буюкроқдир!** [Бухорий, Термизий ва Аҳмад]

## 124. Қувончли хабар келганда нима қилинади?

«كَانَ النَّبِيُّ إِذَا أَتَاهُ أَمْرٌ يَسُرُّهُ أَوْ يُسَرُّ بِهِ خَرَّ سَاجِداً شُكْراً لِلّٰهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى».

Набий алайҳиссолату вассалом ўзларини қувонтирадиган ёки қувончли бирон иш бўладиган бўлса, улуғ ва буюк Аллоҳга шукроналар этиб саждага бош қўярдилар.

[Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа]

## 125. Танасида бирон–бир оғриқни сезган киши нима қилади?

«ضَعْ يَدَكَ عَلَى الَّذِي تَأَلَّمَ مِنْ جَسَدِكَ، وَقُلْ: بِسْمِ اللهِ ثَلاَثاً، وَقُلْ سَبْعَ مَرَّاتٍ: أَعُوذُ بِاللهِ وَقُدْرَتِهِ مِنْ شَرِّ مَا أَجِدُ وَأُحَاذِرُ».

**Қўлингизни оғриётган аъзоингиз устига қўйиб, уч марта «Бисмиллаҳи** (Аллоҳ номи билан)**» денг ва етти марта «Аллоҳ билан, Унинг қудрати билан мен сезаётган ва хавфланаётган нарсанинг ёмонлигидан паноҳ тилайман», деб айтинг.** [Муслим]

## 126. Бир нарсага кўзи тегишидан қўрққан киши нима деб дуо қилади?

«إِذَا رَأَى أَحَدُكُمْ مِنْ أَخِيْهِ، أَوْ مِنْ نَفْسِهِ، أَوْ مِنْ مَالِهِ مَا يُعْجِبُهُ [فَلْيَدْعُ لَهُ بِالْبَرَكَةِ]، فَإِنَّ الْعَيْنَ حَقٌّ»

**Агар биронтангиз биродарида, ўзида ёки ўз молида ажаблантирадиган нарсани кўриб қолса, [унга барака тилаб дуо қилсин]. Албатта, кўз ҳақ** (бор нарса)**.** [Аҳмад, Ибн Можа ва Молик]

## 127. Қўрқув ҳолатида нима дейди?

«لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ».

**Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ.** [Бухорий ва Муслим]

## 128. Жонлиқ сўйилаётганда, қурбонлик қилинаётганда нима дейилади?

«بِسْمِ اللّٰهِ، وَاللّٰهُ أَكْبَرُ، [اللّٰهُمَّ مِنْكَ وَلَكَ]، اللّٰهُمَّ تَقَبَّلْ مِنِّي».

**Аллоҳ номи билан. Аллоҳ буюкроқдир. [Эй Аллоҳ! Бу** (жонлиқ) **Сендан** (Сен томондан берилган)**дир ва Сенгадир** (яъни, Сенга, Сенинг номинг билан қурбонлик этилади)**]. Эй Аллоҳ! Мендан қабул эт!** [Муслим ва Байҳақий]

## 129. Ёвуз шайтонлар макрини қайтариш учун нима дейилади?

«أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللهِ التَّامَّاتِ الَّتِي لاَ يُجَاوِزُهُنَّ بَرٌّ وَلاَ فَاجِرٌ مِنْ شَرِّ مَا خَلَقَ، وَبَرَأَ وَذَرَأَ، وَمِنْ شَرِّ مَا يَنْزِلُ مِنَ السَّمَاءِ، وَمِنْ شَرِّ مَا يَعْرُجُ فِيْهَا، وَمِنْ شَرِّ مَا ذَرَأَ فِي الأَرْضِ، وَمِنْ شَرِّ مَا يَخْرُجُ مِنْهَا، وَمِنْ شَرِّ فِتَنِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ، وَمِنْ شَرِّ كُلِّ طَارِقٍ إِلاَّ طَارِقاً يَطْرُقُ بِخَيْرٍ، يَا رَحْمانُ».

**Яхши одам ҳам, ёмон одам ҳам хатлаб ўтиб кета олмайдиган Аллоҳнинг мукаммал калималари билан У яратган, таратган ва вужудга келтирган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳланаман. Осмондан тушадиган нарсаларнинг ёмонлигидан ва унга**

**кўтарилувчи бўлган нарсаларнинг ёмонлигидан, ерда тарқатган–ўстирган нарсаларининг ёмонлигидан ва ундан чиқадиган нарсаларнинг ёмонлигидан, кеча–кундуз фитналарининг ёмонлигидан ва ҳар бир тунда келувчининг ёмонлигидан** (паноҳланаман), **фақат яхшилик билан келувчи бундан мустасно, эй Раҳмон!** [Аҳмад ва Ибн Сунний]

## 130. Истиғфор ва тавба

قَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَاللهِ إِنِّي لأَسْتَغْفِرُ اللهَ وَأَتُـوبُ إِلَيْهِ فِي الْيَوْمِ أَكْثَرَ مِنْ سَبْعِيْنَ مَرَّةً».

**1.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳга қасамки, мен бир кунда Аллоҳга етмиш мартадан зиёдроқ истиғфор айтиб, тавба қиламан».** [Бухорий]

وَقَالَ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا أَيُّهَا النَّاسُ، تُوبُوا إِلَى اللّٰهِ، فَإِنِّي أَتُوبُ فِي الْيَوْمِ إِلَيْهِ مِائَةَ مَرَّةٍ».

**2.** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Эй инсонлар! Аллоҳга тавба қилингиз! Албатта, мен бир кунда юз маротаба Унга тавба қиламан».** [Муслим]

وَقَالَ رَسُولُ اللّٰهِ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَالَ: «أَسْتَغْفِرُ اللّٰهَ الْعَظِيْمَ الَّذِي لاَ إِلَهَ إِلاَّ هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ وَأَتُوبُ إِلَيْهِ»غَفَرَ اللّٰهُ لَهُ وَإِنْ كَانَ فَرَّ مِنَ الزَّحْفِ».

**3.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Кимки “Яккаю ёлғиз, барҳаёт ва абадий турувчи улуғ Аллоҳдан мағфират этишини сўрайман, Унга тавба қиламан”,**

**деб айтса, агар у жанг пайтида қочган бўлса ҳам Аллоҳ уни**(нг гуноҳларини) **мағфират қилади».** [Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким. Албоний саҳиҳ деган]

وَقَالَ رَسُولُ اللهِ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَقْرَبُ مَا يَكُونُ الرَّبُّ مِنَ الْعَبْدِ فِي جَوْفِ اللَّيْلِ الآخِرِ، فَإِنِ اسْتَطَعْتَ أَنْ تَكُونَ مِمَّنْ يَذْكُرُ اللّٰهَ فِي تِلْكَ السَّاعَةِ فَكُنْ».

**4.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Раб таолонинг бандасига энг яқин вақти кечанинг охирги қисмида бўлади. Ўша соатда Аллоҳни зикр қилувчилардан бўлишга қурбинг етса, бўл!»** [Термизий, Насоий ва Ҳоким]

وَقَالَ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَقْرَبُ مَا يَكُونُ الْعَبْدُ مِنَ رَبِّهِ وَهُوَ سَاجِدٌ، فَأَكْثِرُوا الدُّعَاءَ».

**5.** Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Банданинг Раббига энг яқин вақти унинг** (намозда) **саждага бош қўйган вақтидир.** (Шу ҳолда) **дуони кўп қилингиз».** [Муслим]

وَقَالَ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّهُ لَيُغَانُ عَلَى قَلْبِي، وَإِنِّي لَأَسْتَغْفِرُ اللّٰهَ فِي الْيَوْمِ مِائَةَ مَرَّةٍ».

**6.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Қалбимни** (хато–унутиш) **қоплаб олади ва мен Аллоҳдан бир кунда юз маротаба истиғфор сўрайман».** [Муслим]

(Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зикрни, қурбат-яқинлик ҳосил қилишни ва ўзини текшириб–кузатиб туришни доимо зиёда қилиб борар эдилар. Агарда баъзи вақтда уни ҳаёлларидан фаромуш этсалар, унутсалар, буни ўзлари учун гуноҳ деб билар ва истиғфор айтишга шошилар эдилар. – Ибн ал-Асир сўзи).

## 131. Тасбеҳ, ҳамд, таҳлил ва такбир айтишнинг фазли

قَالَ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَالَ: «سُبْحَانَ اللّٰهِ وَبِحَمْدِهِ» فِي يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ حُطَّتْ خَطَايَاهُ وَلَوْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ الْبَحْرِ».

**1.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким бир кунда юз маротаба “Субҳаналлоҳ вабиҳамдиҳи** (Аллоҳнинг ҳамди билан тасбеҳ айтаман)”**, деб айтса, хатолари денгиз кўпигичалик бўлса ҳам ўчирилади».** [Бухорий ва Муслим]

وَقَالَ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «مَنْ قَالَ: «لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ وَحْدَهُ، لاَ شَرِيْكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيْرٌ» عَشْرَ

مِـرَارٍ، كَانَ كَمَنْ أَعْتَقَ أَرْبَعَةَ أَنْفُسٍ مِنْ وَلَدِ إِسْمَاعِيْلَ».

2. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қиладилар: **«Ким ўн маротаба "Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У ёлғиз, шериксиздир. Мулк ҳам, ҳамд ҳам Уники ва У барча нарсага қодир", деб айтса, Исмоил болаларидан тўрт жонни озод этган киши каби бўлади».** [Бухорий ва Муслим]

وَقَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كَلِمَتَانِ خَفِيْفَتَانِ عَلَى اللِّسَانِ، ثَقِيْلَتَانِ فِي الْمِيْزَانِ، حَبِيْبَتَانِ إِلَى الرَّحْمَنِ: سُبْحَانَ اللهِ وَبِحَمْدِهِ، سُبْحَانَ اللهِ الْعَظِيْمِ».

3. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Тилга енгил, тарозида оғир,**

**Раҳмонга суюмли иккита калима бор: "Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи"** (Аллоҳга ҳамд айтиш билан бирга тасбеҳ айтаман)**, "Субҳаналлоҳил-азийм"»** (Улуғ Аллоҳ барча айбу нуқсондан покдир)**.** [Бухорий ва Муслим]

وَقَـالَ صَـلَّـى اللّٰهُ عَلَـيْـهِ وَسَلَّمَ: «لأَنْ أَقُـولَ: سُبْحَـانَ اللّٰهِ، وَالْحَـمْدُ لِلّٰهِ، وَلاَ إِلَـهَ إِلاَّ اللّٰهُ، وَاللّٰهُ أَكْبَرُ، أَحَـبُّ إِلَـيَّ مِمَّا طَلَعَتْ عَلَيْهِ الشَّـمْسُ».

**4.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«"Аллоҳ барча айбу нуқсондан покдир. Бутун ҳамду сано Аллоҳ учундир. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ ва Аллоҳ буюкроқдир", деб айтишим мен учун қуёш нури унинг устига тушадиган барча нарсадан суюклироқдир».** [Муслим]

وَقَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيَعْجِزُ أَحَدُكُمْ أَنْ يَكْسِبَ كُلَّ يَوْمٍ أَلْفَ حَسَنَةٍ؟ فَسَأَلَهُ سَائِلٌ مِنْ جُلَسَائِهِ: كَيْفَ يَكْسِبُ أَحَدُنَا أَلْفَ حَسَنَةٍ؟ قَالَ: يُسَبِّحُ مِائَةَ تَسْبِيحَةٍ، فَيُكْتَبُ لَهُ أَلْفُ حَسَنَةٍ، أَوْ يُحَطُّ عَنْهُ أَلْفُ خَطِيئَةٍ».

**5.** Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ҳар куни мингта яхшилик қилишдан биронтангиз ожизми? Ҳамсуҳбатларидан бири сўради: Қандай қилиб мингта яхшилик қилади?»**

Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:**« Юзта тасбеҳ айтади, шунда унга мингта яхшилик ёзилади ёки мингта хатоси ўчирилади».** [Муслим]

«مَنْ قَالَ: «سُبْحَانَ اللهِ الْعَظِيمِ وَبِحَمْدِهِ» غُرِسَتْ لَهُ نَخْلَةٌ فِي الْجَنَّةِ».

**6. Ким «Улуғ Аллоҳ барча айбу нуқсондан покдир ва Унинг ҳамди билан тасбеҳ айтаман», деб айтса, унинг учун жаннатда бир хурмо** (кўчати) **экилади.** [Термизий ва Ҳоким]

وَقَالَ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «يَا عَبْدَ اللهِ بْنَ قَيْسٍ، أَلاَ أَدُلُّكَ عَلَى كَنْزٍ مِنْ كُنُوزِ الْجَنَّةِ؟ فَقُلْتُ: بَلَى، يَا رَسُولَ اللهِ، قَالَ: قُلْ: لاَ حَوْلَ وَلاَ قُوَّةَ إِلاَّ بِاللهِ».

**7.** Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Эй Абдуллоҳ ибн Қайс, мен сизни жаннат хазиналаридан бирига йўллаб қўяйми? Ҳа, эй Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, – дедим мен. "Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ" – "Ҳаракат ҳам, қувват ҳам фақат Аллоҳ мадади биландир", деб айтинг».** [Бухорий ва Муслим]

وَقَالَ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَحَبُّ الْكَلاَمِ إِلَى اللهِ أَرْبَعٌ: سُبْحَانَ اللهِ، وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ، وَلاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ، وَاللّٰهُ أَكْبَرُ، لاَ يَضُرُّكَ بِأَيِّهِنَّ بَدَأْتَ».

8. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: **«Аллоҳга энг суюмли бўлган сўзлар тўртта: Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан покдир. Ҳамд Аллоҳникидир. Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ ва Аллоҳ буюкроқдир. Уларнинг қайси бири билан бошласангиз ҳам зарари йўқ».** [Муслим]

جَاءَ أَعْرَابِيٌّ إِلَى رَسُولِ اللهِ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: عَلِّمْنِي كَلاَماً أَقُولُهُ، قَالَ: قُلْ «لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ وَحْدَهُ، لاَ شَرِيْكَ لَهُ، اللهُ أَكْبَرُ كَبِيْراً، وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ كَثِيْراً، سُبْحَانَ اللهِ رَبِّ الْعَالَمِيْنَ، لاَ حَوْلَ وَلاَ قُوَّةَ إِلاَّ بِاللهِ الْعَزِيْزِ الْحَكِيْمِ»،

قَالَ: فَهؤُلاَءِ لِرَبِّي، فَمَا لِي؟ قَالَ: قُلْ «اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاهْدِنِي، وَارْزُقْنِي».

**9.** Бир саҳройи араб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Менга бир сўз ўргатинг, уни айтиб юрай», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ёлғиз Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ. У шериксиздир. Аллоҳ жуда улуғдир. Унга кўпдан–кўп ҳамдлар бўлсин. Оламлар Рабби Аллоҳ барча айбу нуқсондан покдир. Ҳаракат ҳам, қувват ҳам Азизу-Ҳаким бўлган Аллоҳ мадади биландир»,** деб айт.

Саҳройи араб сўради: Бу сўзлар Раббим учун, энди ўзим учунчи? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«"Эй Аллоҳ, мени мағфират қил, менга раҳм эт, мени ҳидоятга йўлла ва ризқлантир", деб айт».** [Муслим]

(Абу Довудда қуйидагича зиёда-қўшимча ҳам бор: Ўша киши кетгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу

алайҳи васаллам айтдилар: **«Икки кўлини ҳам яхшиликка тўлдириб кетди»**).

كَانَ الرَّجُلُ إِذَا أَسْلَمَ عَلَّمَهُ النَّبِيُّ صَلَّى اللّٰهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الصَّلاَةَ، ثُمَّ أَمَرَهُ أَنْ يَدْعُوَ بِهَؤُلاَءِ الْكَلِمَاتِ: «اللّٰهُمَّ اغْفِرْ لِي، وَارْحَمْنِي، وَاهْدِنِي، وَعَافِنِي، وَارْزُقْنِي».

**10.** Агар бирон киши исломни қабул қиладиган бўлса, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга намозни ўргатар, сўнгра эса қуйидаги сўзлар билан дуо қилишини буюрар эдилар: **«Эй Аллоҳ, мени мағфират қил, менга раҳм эт, мени ҳидоятга йўлла, менга офият–саломатлик ҳамда ризқ бер».** (Булар сенга дунёю охиратингни жамлайди**).** [Муслим]

«إِنَّ أَفْضَلَ الدُّعَاءِ: اَلْحَمْدُ لِلّٰهِ، وَأَفْضَلَ الذِّكْرِ: لاَ إِلَهَ إِلاَّ اللّٰهُ».

**11. Дуоларнинг энг афзали «Аллоҳга ҳамд бўлсин», зикрларнинг энг афзали «Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ» зикридир.** [Термизий, Ибн Можа ва Ҳоким]

«اَلْبَاقِيَاتُ الصَّالِحَاتُ: سُبْحَانَ اللهِ، وَالْحَمْدُ لِلّٰهِ، وَلاَ إِلَهَ إِلاَّ اللهُ، وَاللهُ أَكْبَرُ، وَلاَ حَوْلَ وَلاَ قُوَّةَ إِلاَّ بِاللهِ».

**12. Боқий қолувчи солиҳотлар ушбулар:** (Субҳаналлоҳ) **Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан покдир.** (Алҳамду лиллаҳ) **Ҳамд Аллоҳникидир.** (Ла илаҳа иллаллоҳу) **Аллоҳдан ўзга** (ҳақ) **илоҳ йўқ.** (Аллоҳу акбар) **Аллоҳ буюкроқдир.** (Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳи) **Ҳаракат, бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш ҳам, қувват ҳам фақат Аллоҳ мадади биландир.** [Аҳмад]

## 132. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай тасбеҳ айтар эдилар?

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ: «رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَعْقِدُ التَّسْبِيحَ بِيَمِينِهِ».

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: **«Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тасбеҳ-зикрларни ўнг қўлларида санаганларини кўрганман», – дедилар.** [Абу Довуд ва Термизий]

## 133. Анвои хайр-яхшилик ва умумий одоблардан

«إِذَا كَانَ جُنْحُ اللَّيْلِ – أَوْ أَمْسَيْتُمْ – فَكُفُّوا صِبْيَانَكُمْ، فَإِنَّ الشَّيَاطِينَ تَنْتَشِرُ حِينَئِذٍ، فَإِذَا

ذَهَبَ سَاعَةٌ مِنَ اللَّيْلِ فَخَلُّوهُمْ، وَأَغْلِقُوا الأَبْوَابَ وَاذْكُرُوا اسْمَ اللّٰهِ، فَإِنَّ الشَّيْطَانَ لاَ يَفْتَحُ بَاباً مُغْلَقًا، وَأَوْكُوا قِرَبَكُمْ وَاذْكُرُوا اسْمَ اللّٰهِ، وَخَمِّرُوا آنِيَتَكُم وَاذْكُرُوا اسْمَ اللّٰهِ، وَلَوْ أَنْ تَعْرِضُوا عَلَيْهَا شَيْئاً، وَأَطْفِؤُوا مَصَابِيْحَكُمْ».

**Қорунғу тушаётганда – ёки кеч кирганда – ёш болаларингизни** (кўчадан) **тутиб турингиз. Бу пайтда шайтонлар** (жинлар) **изғиган бўлади. Қоронғи тушгандан сўнг бироз ўтгач, болаларингизни озод қўйингиз. Аллоҳнинг номини зикр этиб эшикларингизни беркитингиз. Шайтон беркитилган эшикни очмайди. Аллоҳнинг номини зикр этиб мешларингизнинг оғзини боғлангиз. Аллоҳнинг номини зикр этиб идишларингиз устини ҳеч бўлмаса устига бирон нар-**

**са** (чўп) **ташлаб қўйиб бўлса ҳам ёпингиз. Шамчироқларингизни ўчириб қўйинглар** (ётинглар)**.** [Бухорий ва Муслим]

# Мундарижа

Ношир муқаддимаси........................................3

Муқаддима........................................7

Зикр (Аллоҳни тилда ва дилда ёд этиш) фазилати........................................11

1. Уйқудан турганда айтиладиган зикрлар........................................21

2. Кийим кийилаётганда ўқиладиган дуо........................................28

3. Янги кийим кийганда ўқиладиган дуо........................................28

4. Янги кийим кийган кишига айтиладиган дуо ..... 29

5. Кийимини ечганда нима дейди? ..... 30

6. Хало (ҳожатхона)га кираётганда айтиладиган дуо ..... 30

7. Хало (ҳожатхона)дан чиқилаётганда ўқиладиган дуо ..... 30

8. Таҳорат олишдан олдин айтиладиган зикр ..... 31

9. Таҳоратдан сўнг айтиладиган зикр ..... 31

10. Манзил–уйдан чиқишда ўқиладиган зикр ..... 33

11. Манзил–уйга киришда айтиладиган зикр ..... 34

12. Масжидга боришда ўқиладиган дуо ........ 34

13. Масжидга киришда ўқиладиган дуо ........ 36

14. Масжиддан чиқишда ўқиладиган дуо ........ 37

15. Азон зикрлари ........ 38

16. Истифтоҳ (намознинг бошида ўқиладиган) дуоси ........ 41

17. Рукуъда айтиладиган дуо ........ 49

18. Рукуъдан кўтарилаётганда ўқиладиган дуо ........ 51

19. Сажда қилганда айтиладиган дуо ........ 52

20. Иккки сажда ўртасида ўтирилганда айтиладиган дуо ........ 55

21. Сажда ояти ўқилганда сажда қилаётиб айтиладиган дуо ........ 56

22. Ташаҳҳуд ........ 57

23. Ташаҳҳуддан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиладиган салавот ........ 58

24. Салавотдан кейин салом беришдан олдин айтиладиган дуолар ........ 60

25. Намоздан сўнг салом бергач айтиладиган зикрлар ........ 68

26. «Истихора» намозининг дуоси ........ 77

27. Эрталаб айтиладиган зикрлар ........ 80

28. Кечки пайт айтиладиган зикрлар ........ 99

29. Ухлаш олдидан айтиладиган зикрлар ........ 117

30. Кечаси у ёндан бу ёнга ағдарилганда ўқиладиган дуо 127

31. Уйқусида қўрққанда ва ваҳшатни сезганда ўқиладиган дуо 128

32. Ёмон туш кўрган киши нима қилади? 128

33. Витрдаги қунут дуоси 130

34. Витр намозида салом берилганидан сўнг айтиладиган зикр 133

35. Ташвиш ва маҳзунликда ўқиладиган дуо 134

36. Қайғу ғамда ўқиладиган дуолар 136

37. Душманга ва салтанат эгасига рўбарў келинганда айтиладиган дуолар 138

38. Султоннинг зулмидан қўрққан–хавфда бўлган киши ўқийдиган дуолар ........ 139

39. Душманга қарата қилинадиган дуо ........ 141

40. Одамлардан қўрққан вақтда ўқиладиган дуо ........ 142

41. Иймонида шак-шубҳага бориб қолган киши дуоси ........ 142

42. Қарзни тўлашда ўқиладиган дуолар ........ 144

43. Намозда ва қироатда шайтон васваса қилганда ўқиладиган дуо ........ 145

44. Иши оғирлашган киши ўқийдиган дуо ........ 145

45. Бир гуноҳ ишни қилиб қўйган киши нима дейди ва нима қилади? ........ 146

46. Шайтон ва унинг васвасасини қувиш (ҳайдаш) дуоси ... 147

47. Ўзи хоҳламаган бир иш бўлса ёки кўзлаган нарсасига етолмаса ўқиладиган дуо ... 148

48. Фарзанд кўрган кишига айтиладиган муборакбод ва унинг жавоби ... 149

49. Болалар учун нима деб паноҳ тиланади? ... 150

50. Беморнинг ҳолини сўраш учун борилганда унга айтиладиган дуо ... 151

51. Касал ётган кишини бориб кўришнинг фазли ... 152

52. Ҳаётдан умидини узган ҳаста кишининг дуоси ... 153

53. Жони узилаётган кишининг талқини (унга айтиб туриладиган сўз) 155

54. Мусибат етган киши дуоси 155

55. Маййитнинг кўзини ёпиб қўйишда ўқиладиган дуо 156

56. Жаноза намозида ўқиладиган дуо 157

57. Гўдакка ўқиладиган жаноза намозининг дуоси 160

58. Таъзия билдирганда айтиладиган дуо 163

59. Маййитни қабрга қўяётганда ўқиладиган дуо 164

60. Маййит дафн қилингач ўқиладиган дуо 164

61. Қабрларни зиёратида ўқиладиган дуо ... 165

62. Шамол пайти ўқиладиган дуо ... 166

63. Момақалдироқ бўлганда ўқиладиган дуо ... 167

64. Ёмғир сўралганда ўқиладиган дуолар ... 167

65. Ёмғир ёққанда ўқиладиган дуо ... 168

66. Ёмғир тингач ўқиладиган дуо ... 169

67. Ёмғирнинг тўхташини – очиқ ҳавони сўрашда ўқиладиган дуо ... 169

68. Янги ой кўринганида ўқиладиган дуо ... 170

69. Ифтор вақтида айтиладиган дуо ... 170

70. Таомдан аввал айтиладиган дуо 171

71. Таомдан сўнг айтиладиган дуо 173

72. Меҳмоннинг мезбонга қиладиган дуоси 174

73. Сув ичирган ёки ичиришни хоҳлаган кишига қилинадиган дуо 174

74. Бирор хонадонда ифтор қилинганда айтиладиган дуо 175

75. Таом ҳозир бўлиб ундан емаган рўзадор киши нима қилади? 175

76. Биров рўзадорни ҳақорат қилса у нима деб жавоб қайтаради? 176

77. Янги чиққан мевани кўрганда ўқиладиган дуо 176

78. Атса урилганда айтиладиган дуо 177

79. Агар кофир атса уриб, «Алҳамду лиллаҳ», деса, нима деб жавоб айтилади? 178

80. Уйланган кишига айтиладиган дуо 178

81. Уйланган киши ва от-улов сотиб олган киши ўқийдиган дуо 179

82. Аёлига яқинлик қилиш олдидан айтиладиган дуо 180

83. Ғазабланганда ўқиладиган дуо 180

84. Бирон бир мусибат билан балоланган кишини кўрганда айтиладиган дуо 181

85. Мажлисда нима дейилади? 181

86. Мажлиснинг каффорати 182

87. «Аллоҳ сизни мағфират этсин», деган кишига бериладиган жавоб ........ 183

88. Сизга яхшилик қилган кишига айтадиган дуоингиз ........ 183

89. Дажжолдан сақланадиган дуо ........ 184

90. «Мен сизни Аллоҳ йўлида (Аллоҳ учун) яхши кўраман», деган кишига бериладиган жавоб ........ 185

91. Сизга молини бермоқчи бўлган кишига айтадиган дуоингиз ........ 185

92. Қарзни тўлаш пайтида қарз берган кишига айтиладиган дуо ........ 186

93. Ширк келтириб қўйишдан хавфланганда ўқиладиган дуо ........ 186

94. «Аллоҳ баракот ато этсин», деган кишига бериладиган жавоб ........ 187

95. Шумланишдан қайтариш дуоси 187

96. Улов (от, кема, сайёра)га минилаётганда ўқиладиган дуо 188

97. Сафар дуоси 189

98. Қишлоқ ёки шаҳарга кириш дуоси 191

99. Бозорга киришда ўқиладиган дуо 193

100. Улови қоқилса–тойилиб кетса, ўқиладиган дуо 193

101. Мусофирнинг муқим кишига айтадиган дуоси 194

102. Муқим кишининг мусофирга айтадиган дуоси 194

103. Сафарда такбир ва тасбеҳ айтиш 195

104. Сафардаги кишининг тонг отганда ўқийдиган дуоси ..... 196

105. Сафарда ёки бошқа ҳолатда бир манзилга қўнган кишининг дуоси ..... 197

106. Сафардан қайтишда айтиладиган зикр ..... 197

107. Яхши ёки ёмон бир иш бўлган вақтда ўқиладиган дуо ..... 198

108. Расулуллоҳга салот (соллаллоҳу алайҳи васаллам деб) айтишнинг фазли ..... 199

109. Саломни кенг ёйиш ..... 202

110. Кофирнинг саломига нима деб жавоб қайтарилади? ..... 204

111. Ҳўроз қичқирганда, эшак ҳанграганда нима дейилади? ..... 204

112. Кечаси итлар ҳуриганида ўқиладиган дуо 205

113. Уришган-дашном берган кишингизга қиладиган дуоингиз 206

114. Мусулмон киши бир биродарини мақтаганда нима дейди? 207

115. Мусулмон киши мақталганида нима деб айтади? 208

116. Ҳаж ёки умрада эҳромдаги киши қандай талбия айтади? 208

117. Рукнул асвад олдида қандай такбир айтади? 209

118. Рукнул ямоний билан ҳажарул асвад ўртасида қилинадиган дуо 210

119. Сафо ва Марва тепасида турилганда ўқиладиган дуо 210

120. Арафа куни дуоси .......... 212

121. Машъарул ҳаром – Муздалифада айтиладиган зикр .......... 213

122. Жамаротга тош отишда ҳар бир тош билан бирга такбир айтиш .......... 214

123. Тажжуб ва хушхабар пайтида айтиладиган дуо .......... 215

124. Қувончли хабар келганда нима қилинади? .......... 216

125. Танасида бирон–бир оғриқни сезган киши нима қилади? .......... 216

126. Бир нарсага кўзи тегишидан қўрққан киши нима деб дуо қилади? .......... 217

127. Қўрқув ҳолатида нима дейди? .......... 218

128. Жонлиқ сўйилаётганда, қурбонлик қилинаётганда нима дейилади? ........ 218

129. Ёвуз шайтонлар макрини қайтариш учун нима дейилади? ........ 219

130. Истиғфор ва тавба ........ 220

131. Тасбеҳ, ҳамд, таҳлил ва такбир айтишнинг фазли ........ 224

132. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қандай тасбеҳ айтар эдилар? ........ 233

133. Анвои хайр-яхшилик ва умумий одоблардан ........ 233

Доктор Саид ибн Али ибн Вахф ал-Қаҳтоний

# МУСУЛМОН ҚЎРҒОНИ
## Қуръон ва Суннатдан дуо ва зикрлар

сотилмайди
СОВҒА
сотилмайди

© «Ислом Нури», 2018